

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер  
Навий номидаги Адабиёт музейи.

НАИМ НОРҚУЛОВ

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИ  
ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Урганч  
«Хоразм» нашриёти  
1996

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир филология фанлари доктори, профессор  
**САИДБЕК ҲАСАН**

- (с) Наим Норқулов «Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар».  
(с) «Хоразм» нашриёти. 1996 йил.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи мажлисидаги маърузаларида таъкидлаганларидек, «Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси... билан узвий равишда ривожланди. Ва ўз навбатида бу фалсафий ва ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб борди».

Дарҳақиқат, маданият тарихида шундай даврлар бўлганки, Туркистон тупроғи фозиллари ўз кашфиётлари билан жаҳон фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар. Турон тарихида маданий уйғониш даврлари кўп бўлган. Ана шундай ренессанс даврлари ичида Амир Темур ва темурийлар даври алоҳида ўрни тутди.

Алишер Навоий Соҳибқирон Амир Темур ҳақида меҳр билан ёзадилар: «Мулук шажараларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, ҳоқони жаҳонгир соҳибқиронни соҳиб тадбир, яъни Амир Темур Кўрагон, анароллоҳу бурҳонаҳу, агарчи назм айтурга илтифот қилмабдурлар, аммо бу назмни хўб маҳалда ўқубдурларким, анингдек байт ўқугон минг яхши байт айтгонча бор».

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур олим уламоларни ниҳоятда ҳурмат қилар, уларга нисбатан одоб билан муомалада бўлган. Соҳибқирон дониш аҳлини ўз ҳузурига йиғиб, пойтахтни илму фан нури билан чароғон этиш, илму маънавиятга ҳомийлик қилиш орқали шукуҳ ва салтанатлари довуғини оширишни мақсад қилган. Барча олимларга маишати ва илмий изланишлари учун етарли даражада маош ва уй-жой тайин қилган. Манбаларда қайд

этилишича, Амир Темурнинг олиму фозилларга ҳомийлиги, мамлакат ободлиги учун қайгуриши, шаҳар ҳунармандларига кенг имкониятлар яратгани ул зотнинг ўғил ва набиралари даврига келиб маданий уйғониш жараёни учун имкон яратди. Шундай экан, буюк бобомизни темурийлар даври ренессансининг тамал тошини қуювчиси деб қарашга тўла асос бор. Узоқ изланишлар шу фикрга келиш учун етарли далиллар топишимизга имкон яратди\*.

Ушбу рисоланинг таълиф этилишида ўз қимматли маслаҳатларини дариғ тутмаган устоз, академик Бўрибой Аҳмедов га чуқур миннатдорчилик билдираман.

---

\*Норқулов Наим, Камолиддин Беҳзод. Тошкент: Фан. 1964; Норқулов Наим, Низомиддинов Илёс. Миниатюра тарихидан лавҳалар (Темурийлар даври китобат санъати). Тошкент: 1970; Норқулов Наим: Мирзо Бойсунғур санъат ва илм ҳомийси. Шарқ юлдузи, 1972, 6-сон; Норқулов Наим, Ҳасанов Маҳмуд. Ҳаттотлик санъатининг машҳур намояндаси. Шарқ юлдузи, 1972, 9-сон; Норқулов Наим. Навоий ва Беҳзод (Шарқ юлдузи, 1968, 9 сон ва ҳоказо.

## ТЕМУР ВА ТЕМУРИЛАР ДАВЛАТИ

Ўрта Осиё халқларининг мўғул ҳокимиятига ҳамда мўғул хоқонларининг зулми ва истибдодига қарши тинимсиз қарийб бир асрлик озодлик кураши XIУ асрга келиб ўз самарасини кўрсата бошлади. Кебак хоннинг (1318—1326) мусулмонликни қабул қилиши ва ислом динини расман давлат дини деб эълон қилиши Чингиз авлодларига қарши курашни сусайтирмади. Маҳаллий феодаллар тобора авж олиб бораётган халқ озодлик курашини ўз манфаатларига бўйсундиришга астойдил ҳаракат қилдилар. Ниҳоят, Мовароуннаҳрда ҳокимият туркий қабила зодагонларидан Қозоғон (1346—1358) қўлига ўтди; унинг ўғли Ҳусайн эса Балх ва шу мулкка тобе ўлкалар ҳокими бўлиб олди. Қозоғон вафотидан сўнг Мўғулистон хоқони Тўғлуқ Темур Мовароуннаҳрни қайта забт этишга муваффақ бўлди. Бироқ мўғулларнинг бу сафарги истилоси узоққа чўзилмади. Тўғлуқ Темурнинг вориси Илёс Хўжа ҳокимиятига қарши Балх ҳокими Ҳусайн ва Кеш (Шаҳрисабз) ҳокими Амир Темур (1363—1405) бир иттифоқда кураш бошладилар. Иттифоқдошлар ўз снёсий мавқеларини кучайтириш мақсадида аввал Мовароуннаҳр ва Хуросонда қатор урушлар олиб борадилар, атроф ўлка, вилоятларни бирин кетин бўйсундиришга муяссар бўладилар. Шундай урушлар мобайнида Сайнстон вилояти учун бўлган жангда Амир Темурнинг ўнг қўли ва ўнг оёғига ўқ тегиб, умрининг охиригача оқсоқ бўлиб қолади.

1365 йил. Илёс Хўжа билан иттифоқдош қўшинлари ўрта снди катта тўқнашув бўлиб, урушда Мўғулистон ҳокими ғолиб чиқади. Темур Қаршига, Ҳусайн Амударё соҳиллари томон қочадилар. Шундан сўнг Илёс Хўжа Самарқанд устига қўшин тортиб, Мовароуннаҳрда ўз ҳокимиятини тиклаш ва мустаҳкамлашга жазм этади. Аммо Самарқанд аҳолиси қўли

га қурол олиб, ўз она шахрининг ҳимоясига қўзғалади. Улар бир жону бир тан бўлиб, тенгсиз жангларда Илёс Хўжа қўшинларига зарба берадилар. Бундан воқиф бўлган Темур ва Ҳусайн ўз қўшинларини Самарқандга йўналтириб, 1366 йили уни ишғол қиладилар. Кўп вақт ўтмай, «Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас» деганларидек, Темур билан Ҳусайннинг дўстлигига раҳна тушади.

Ички феодалларнинг тинимсиз курашлари, ташқи душман ҳужуми ва зулми, босқинчилик урушлари халқ тинқасини қуритган эди. Шаҳарда ҳунарманд ва савдогарлар, қишлоқда деҳқонлар, чорвадорлар тинч ва осойишта ҳаёт орзу умидида эдилар. Руҳонийлар ва йирик ер эгалари ҳам ўз молу мулкларининг муҳофазаси ва ташвишидан хориж бўлиш умидида маҳаллий ҳукмдорлардан бирининг иқтидорли ва марказлашган кучли давлатнинг барқарор бўлиши тарафдори эдилар. Халқ оммаси ва йирик ер эгаларининг бу хил кайфиятини Темур яхши ҳис этар эди. Шунинг учун жангларда қаҳрамонликлар кўрсатиб, ҳунарманд, савдогар ва руҳонийлар билан бўлган муносабатларда уларга нисбатан ўз муваффақиятини намойиш этар, Ҳусайнга қараганда, қўшин ва зодагонлар орасида обрў-эътибор қозонишга кўпроқ интилар эди.

1370 йил. Балхда бўлиб ўтган жангда Темур Ҳусайн қўшинларини тор-мор келтирди. Ҳусайн ҳалок бўлиб, унинг бой хазинаси ва хотинлари Темурга ўлка тушди. Кейинчалик Темур Ҳусайннинг Чингиз авлодидан бўлган хотинларидан бирини ўз никоҳига олиб «кўрагон», яъни мўғул тилида «кўёв» унвонини олди. Бу билан у ўзини Чингиз авлодига мансуб киши сифатида танитиш мақсадида эди.

Амир Темур 1370—1372 йилларда Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерларни ўзига бўйсундирди. 1388 йили Хоразм Темурга тобе бўлди. 1393 йилга келиб Эрон, унинг Хуросон, Исфаҳон ва Форс вилоятлари Темур давлатига қўшиб олинди. Шундай қилиб, Амир Темур Ўрта Осиёда ўз мавқеини тиклаб олди, энди унинг давлатига таҳдид қила олувчи, кучайишига тўсқинлик қила олувчи бирдан бир давлат Олтин Ўрда хонлиги эди. 1395 йили Терек дарёси соҳилида Амир Темур ва Олтин Ўрда хони Тўхтамыш қўшинлари ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлди. Бунда Амир Темур ўзининг душмани устидан узиликесил ғалаба қозонди ва Олтин Ўрда хонлигига бир умр қаддини тиклай олмайдиган даражада шикаст етказди. Хон-

лик маркази сарой, Ҳожитархон, Қрим, Азак шаҳарлари қўлга киритилди.

Амир Темурнинг Олтин Ўрда хонлигига қарши кураши ва унинг бу курашдаги ғалабаси ҳақида шарқшунос олим Якубовский қуйидаги фикрларни баён қилади: «Тўхтамиш қўшинининг Терек дарёси бўйида тор-мор этилиши ва 1395 йилда Саройберканинг хароб қилиниши Олтин Ўрдага жуда кучли зарба бўлди, шундан кейин у ўзини ҳеч ўнглай олмади, Қадимги Русга қанчадан қанча жабр ўтказган давлат жуда заифлашди. Олтин Ўрда тушкунликка туша бошлади... Гарчи Амир Темур Ўрта Осиё манфаатларини кўзлаган ва Москва князлари билан алоқа боғламаган ҳолда Олтин Ўрдага қарши кураш олиб борган бўлса-да, бу кураш натижасида у Ўрта Осиёни бирлаштирибгина қолмасдан, балки объектив равишда, Русь учун жуда катта хизмат қилди».

Амир Темурнинг Олтин Ўрда хонлигига зарба беришдан кўзлаган мақсади ўз давлатининг шимолий чегаралари хавфсизлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш бўлса, иккинчидан, Олтин Ўрда хонлиги ерларидан ўтган Буюк Ипак йўлини Мовароуннаҳр ва Хуросонга кўчириш эди.

1404 йили Амир Темур 200000 лик қўшини билан Хитой сари юзланди. Лекин ўттор шаҳрига етганда 1405 йилнинг 18 февралда касалланиб вафот этди.

Амир Темур ўзининг ҳаётлиги пайтида ўзи барпо этган улкан давлатини ўғил ва набираларига тақсимлаб берган эди. Амир Темурнинг ўғил ва набиралари: Умаршайх Ироқ ва Ғарбий Эронда, Рустам Исфаҳонда, Абубакр Бағдодда, Пирмуҳаммад Форс ўлкасида, Искандар Ҳамадонда, Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммад Ғазнада, кичик ўғил Шоҳруҳ Хуросон, Мозандарон ва Сайнстон ўлкаларида ҳокимлик қилар эдилар. Амир Темур катта набираси Пирмуҳаммаднинг узига ворис тайинлаган эди. Амир Темур вафотидан сўнг шаҳзодалар Пирмуҳаммадни ворис деб тан олишдан бош тортдилар. Беш йил давом этган ўзаро ички курашлар натижасида давлат Шоҳруҳ қўлига ўтди. Шоҳруҳ (1409—1447) замонида темурийлар давлати иккига бўлинган эди. Бири Ғарбий Эрондан Деҳлигача бўлган ерларни ўз ичига олган ва Хирот шаҳри маркази ҳисобланган Шоҳруҳ давлати, иккинчиси, бутун Мовароуннаҳр ва Дашти Қипчоқнинг бир қисмини бирлаштирган, пойтахти Самарқанд бўлган Мирзо Улуғбек (1409—1449) давлати эди. Шоҳруҳ замонида темурийлар давлатининг чегараси бирмунча қисқарди. Ғарбий Эрон

нинг анчагина қисми Озарбайжонда ташкил топган Оққуюнликлар давлатига қўшиб олинган эди.

Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрда гоҳ мўғул ҳокимларининг хатти ҳаракатларига, гоҳ Дашти Қипчоқда кучайиб бораётган кўчманчи ўзбекларга қарши кураш олиб боришга мажбур бўлди.

Шоҳруҳ вафотидан кейин темурийлар давлатини ўз ҳокимияти остида бирлаштириш ниятида Мирзо Улуғбек Ҳиротга қўшин тортади. Мирзо Бойсунғурнинг ўғли Аловуддавлага қарши курашда унга Балх ҳокими ўғли Абдуллатиф ҳамкорлик қилди. Улуғбек ғалаба қозонди. Лекин ғалаба фатҳнома си унинг кичик ўғли Абдулазиз номига битилди. Натижада аъёнлар ва Абдуллатиф Улуғбекка қарши душманлик байроғини кўтардилар. Абдуллатиф Самарқандга бостириб кирди. Дамашқ қишлоғида бўлиб ўтган жангда Улуғбек Мирзо мағлубиятга учради.

Бу ҳол унинг ўлимга маҳкум этилишига сабаб бўлди.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда ички тартибсизлик ва ҳокимият учун курашлар яна авжига минди. Ҳиротда Абулқосим Бобир (Бойсунғурнинг ўғли)нинг, Мовароуннаҳрда Абусаиднинг ҳокимияти ўрнатилиб, улар ўртасида тўхтовсиз курашлар давом этди. Фақат Абулқосим Бобирнинг ўлиmidан сўнг (1457) Абусаид темурийлар давлатини муваққат бирлаштиришга муваффақ бўлди.

Шимолда кўчманчи ўзбеклар, ғарбда Оққуюнликлар давлатининг кучайиши Абусаидни таҳликага солган эди. 1469 йили у Оққуюнликларга қарши ʻуруш бошлади ва бу урушда унинг ўзи ҳалокатга учради. Абусаид вафотидан сўнг Мовароуннаҳр билан Хуросон бир-биридан тамоман ажралди.

Мовароуннаҳр Абусаид ўғиллари ўртасида тақсимлаб олинди. Ҳиротда Умаршайх пасабидан бўлмиш Султон Ҳусайн Бойқаро (1469—1506) ҳокимияти ўрнатилди.

Султон Ҳусайн Бойқаро темурийлар давлатини қайта тиклашга, уни кучли марказлашган давлатга айлантиришга кўп сарф-ҳаракат қилган бўлса ҳам, унинг бу борадаги уринишлари Мовароуннаҳр учун даҳлсиз бўлиб қолди. Ҳусайн Бойқаро ҳокимияти шимолда Хоразм ерларигача, жанубда Қандаҳор ва Сайистон, шарқда Балх ва Ғазна, ғарбда Дамгон ва Бистомгача бўлган жойларни ўз ичига олди. Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлигининг сўнгги йилларида Балх ҳокими — ўғли Бадиуззамон билан муносабат кескинлашди. Бу ҳол темурийлар давлатининг янада кучсизланишига олиб келди.



Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбекларнинг Мовароуннаҳр ва Хуросонга ҳужумига қулай вазият туғилди. Хусайн Бойқаро вафотидан роса бир йил ўтгандан кейин темурийлар давлатининг сўнги пойтахти Ҳирот 1507 йил майида Шайбонийхон қўлига ўтди.

Қурол, давлат ва ташкилотчилик воситаси билан ички феодал бебошликларга чек қўйилиши мамлакатда ички ва ташқи савдонинг янада тараққий этишига олиб келди. Тарихий манба ва ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, пойтахт Самарқандга Ғарб ва Шарқ мамлакатларидан, шу жумладан, ҳатто узоқ Испаниядан ҳам элчилар, савдо карвонлари келиб-кейтиб туради. Шоҳруҳ ҳукмронлиги даврида Хитой ва Ҳиндистон мамлакатлари билан яқиндан сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлар ўрнатилади. Хитой ва Ҳиндистондан келган элчиларга жавобан Хитойга 1420 йили Султон Аҳмад ва Хожа Гиёсиддин наққошлар ҳамда Ҳиндистонга 1441 йили машҳур тарихнавис олим Абдураззоқ Самарқандий бошчилигида элчилар юборилади.

Ҳукмрон синфлар ва катта ер, мулк эгаларининг қўлида бойлик тўлпаниши, уларнинг дабдабали ҳаёт ва зебу зийнатга ҳавасларининг тобора кўчayiши, иккинчидан, ички ва ташқи савдонинг ривожланиши, ҳунармандчиликнинг ўсишига, ҳунармандчилик маҳсулотларининг нозик, нафис санъат намуналари даражасига кўтарилишигача олиб келади. Нозик дид билан бажарилган мазмундор санъат асари халқ томонидан юқори баҳога муяссар бўлар эди, Абдураззоқ Самарқандий ёзишича. Ҳирот шаҳрида 1469 йили халқ сайиллари ўтказилиб, бунда ҳунармандлар ўз санъатларини намойиш қилганлар. Ҳунар аҳли орасидан Уста Хожа Али ишлаган кўза ҳаммининг таҳсинига сазовор бўлади, Бу ажойиб кўзада ўттиз икки соҳиби ҳунар-тикувчи, дурадгор, темирчи ва бош қаларнинг ўз дастгоҳ ва корхоналарида иш жараёни тасвирланган эди, Улар шу даражада жонли ва ишонарли қилиб тасвирланган эдиларки, қўрган одам тасвирдаги ҳунар аҳллариини бенхтиёр «жонли» ҳаракат қилиб турган каби ҳис қилар эди.

Таърихчи Хондамирнинг ёзишича, Алишер Навоий кутубхонасининг китобдори Ҳожи Муҳаммад шоирга атаб бир соат ясаган. Соат сандиқсимон шаклда бўлиб, устида қўлида чўп ушлаб турган «одам» бўлган. У соат неча бўлган бўлса, шу чўп билан шунча марта бонг чалган.

Темурийлар даврида бу хил антиқа кашфиётларни кўплаб

учратиш мумкин. «Афтидан,—деб уқтиради академик Яҳё Ғуломов,—шаҳардаги ҳунар хўжалиги асосий умумий меҳнаткаш оммасининг сотиб олувчилик қобилиятини таъминлаш учун эмас, балки осонлик билан пул топган аристократ руҳоний ва чиновникларнинг зебу зийнатли турмушларига мос ланиб ўсмоқда эди».

Маълумки, Осиё мамлакатларида деҳқончиликда суғориш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Темурийлар даврида суғориш иншоотлари кўплаб қурилди. Суғорув ва меъморий иншоотлар қурилиши аниқ фанлар: ҳисоб, ҳандаса (геометрия, тригонометрия), фалакиёт, география, ер тузилиши тўғрисидаги ва бошқа фанларнинг тараққий эттирилишини тақозо қилди. Ўз навбатида ҳашаматли сарой ва қасрлар, масжид ва мадрасалар қуриш ҳамда илмий ва бадний асар қўлёзмаларини турли тасвир, лавҳа ва қитъалар билан безашга бўлган катта талаб ва эҳтиёж тасвирий санъат ва хаттотликнинг такомиллашувига олиб келди. Бунинг устига, темурийлар даврида ҳам, маданият ва санъатнинг кенг кўламда тараққий топишида баъзи темурий шаҳзодаларнинг илму маърифатни севиб, ўз даврининг етук фан арбоби ва адиби бўлиб етишганликлари, уларнинг илм аҳлига кўрсатган беқиёс ҳомийликлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Амир Темурнинг гарчи мадрасада ўқигани ҳақида бизгача аниқ маълумотлар етиб келмаган бўлса-да, лекин у катта билимдон ва маърифатли бўлган. Бир неча соатлар давомида қиссахонларга тарихий ва адабий китоблар ўқитиб, қунт билан эшитган; у туркий (эски ўзбек) тили билан бир қаторда, форсий, араб тилини ҳам яхши билганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Темур илм аҳлларига ҳомийлик қилган, ўз давлатини иқтисодий томондан мустаҳкамлаш ҳамда ободончилигини юксалтириш йўлида уларга суяниб иш тутган. Бу борада машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида келтирилган Темур томонидан 806/1404 йили Боилкан шаҳрида олим фузалолар кенгашини чақиртирилганлиги ҳақидаги маълумоти диққатга сазовордир. Бу кенгашда Темур нутқ сўзлаб, нутқида, жумладан, қуйидагиларни айтган: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим, мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклаши-

шингиз керак... Агар олдин бизнинг диққат-этиборимизда ўзга мамлакатларни ишғол қилиш учун бўлган ҳарбий юришлар турган бўлса, эндиликда мамлакатда хотиржамлик ўрнатилганга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бош вазифамиздир. Бу олижаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан».

Амир Темур Мовароуннаҳрни—ўз давлатининг пойтахти Самарқандни жуда севган. Испан элчиси Клавихонинг ёзишича, бу даврда ҳар ким Мовароуннаҳрга эркин келиши мумкин ammo ҳеч кимса расмий рухсати бўлмаса Мовароуннаҳрдан чиқиб кета олмас эди. Мазкур тадбирлари билан Амир Темур чет мамлакатлардан келган ҳунар эгаларининг кетиб қолиши ёки тарқаб кетишининг олдини олган эди.

Амир Темур замонида Мовароуннаҳрда, хусусан, Самарқандда ўртаосиёлик, Эрон ва ҳиндистонлик моҳир муҳандисларнинг лойиҳалари асосида қўли гул бинокор усталар, наққошлар қатор осмонўпар бинолар қурдилар. Қадим ўзбек меъморчилигининг бу ажойиб нодир иншоотларидан бизгача фақат Самарқанддаги Шоҳизинда, Бибихоним, Гўри Амир, Шаҳрисабзда Оқсарой ва шунинг кабиларгина сақланиб қолган.

Шоҳруҳ диндор, мутаассиб киши эди. Шунга қарамай у хотини Гавҳаршодбегим, ўғиллари Бойсунғур ва Улуғбекларнинг бевосита таъсири остида илм-маърифатга ён босди. Шоҳруҳ ҳукмронлик қилган даврда Ҳиротда қатор ҳашаматли ва улкан бинолар: Мусалло ансамбли, Гавҳаршод мақбараси, Ҳаржирд мадрасаси ва бошқалар қад кўтарди. Хуросондаги меъморчилик тараққиётига замонасининг донғи кетган меъмор ва наққоши Қавомиддин ва унинг шогирдлари Имомиддин билан Ғиёсиддинларнинг ҳиссаси беқиёсдир. Шоҳруҳ замонасидаги барча қурилиш ишлари мазкур устодлар раҳбарлиги ва иштирокида бўлган.

Шоҳруҳнинг ўғли ва айна вақтда унинг вазири Мирзо Бойсунғур ниҳоятда нозиктабиат, адабиёт ва санъатнинг ҳақиқий мухлиси, ҳунар аҳлининг жонкуяр ҳомийси эди. Мирзо Бойсунғурнинг ташаббуси ва раҳбарлигида Ҳиротда ташкил этилган кутубхонада қирқдан ортиқ хаттот адабий ва тарихий асарларни чиройли қилиб кўчириш билан, суратгар ва наққошлар эса ана шу китоблар мазмунига монанд, улар ғоясини шарҳловчи зарҳалли жажжи тасвир ва суратлар чизиш, жилд созлар чарм ва духоба билан муқовалаш ишини бажарар эдилар. Мазкур кутубхонада, шунингдек, нодир асарларнинг тўла

танқидий матнини тиклаш юзасидан илмий ишлар ҳам олиб бориларди.

Хитойга жўнатилган элчилар қаторида машҳур наққош Ғиёсиддиннинг қўшиб юборилиши тасодифий бўлмаган эди. Ундан кузатилган мақсад Хитой наққошлари ва тасвирий санъат усталарининг иш тажрибалари ва услублари билан яқиндан танишиб келиш эди.

Шоҳруҳ Мирзо ёш Улуғбекни Мовароуннаҳр ҳокими қилиб тайинлар экан, қўйидагича насиҳат қилган эди:

«Ҳақ таоло бу буюк инъом ва улуг марҳаматни бизга ато қилди; яроқ-аслаҳамизнинг ожизлиги ва ҳолатимизнинг нуқсонлигига қарамай, бизни танлаш назари билан тақдирлаб, фармонимизни олам мамлакатлари узра жорий қилди... Қозилар қўлини шариат ҳукмлари ижросида бақувват тутгин; олам ободонлигининг сабаби ва одамзод ризқининг воситаси бўлмиш деҳқонларни зулму адолатсизликдан ҳимоя қилиб, адлу инсоф билан (ўзингга) яқин қилгин; давлат чегараларининг нигоҳбонлари ва мамлакат ичкарисининг қўриқчилари бўлган лашкарлар тоифасини очиқ юзлик ва хушмуомалалик билан ўзингга муте ва итоаткор қилиб, уларнинг ёлланма ҳақлари ва маошларини белгиланган вақтда тўла етказиб тургин»... (А. Ғуринбоев тарж.).

Мирзо Улуғбек отасининг адолатли шоҳ бўлиш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилибгина қолмай, ўз пойтахти ва мамлакатини жаҳолат панжасидан қутқазиб борасида ҳам зарурий чораларни кўрди. Гарчи Мирзо Улуғбек расмий суратда отаси Шоҳруҳга бўйсунган бўлса ҳам, амалда Мовароуннаҳрга мустақил ҳукмдор эди. Улуғбек ҳукмронлиги йилларида Самарқанд йирик сиёсий ва маданий марказга, хусусан, табиий фанлар ўчоғига айлантирилган эди. Улуғбек, Бухоро, Самарқанд, Риждудонда ва бошқа қатор шаҳарларда мадрасалар қурдирди, Самарқанддаги мадрасани қуриш ишларида Улуғбекнинг ўзи ҳам қатнашгани маълум.

Тарихнавис Зайниддин Восифийнинг ёзишига қараганда, мадраса битишига яқин кунлари қурувчилар Улуғбекдан мадрасага ким мударрис бўлади, деб сўраганларида Улуғбек: ким ҳамма фанларга молик бўлса, шу мударрис бўлиши мумкин, деган. Шу аснода, қурувчилар орасидан ёнига бир қанча гиштни тахлаб қўйган киши ўрнидан туриб: «Мен мадрасага мударрис бўламан», деган. Мирзо Улуғбек ва бошқа илм аҳллари уни фаннинг турлича соҳаларидан саволга тутганлар. У эса барча саволларга тўла ва мазмунли жавоб қайтарган. Шундан сўнг Улуғбекнинг фармонида мувофиқ мазкур қурув-

чи Самарқанд мадрасасига мударрис қилиб тайинланган. Халқнинг оддий қатламидан чиққан бу олим ва донишманд сдам Мавлоно Муҳаммад Хавофий эди. Унинг мадраса очилган кунни ўқиган дарсини тўқсон олим тинглайди. Аммо дарс мазмунига фақат Мирзо Улуғбек билан Қозизода Румийгина тушуниб етадилар. Бу ҳол шундан далолат берадики, Мирзо Улуғбек илм-маърифат аҳлини у ким ва қайси табақадан бўлишидан қатъи назар эъзозлаган. Замонасининг бошқа ҳукмдорларига қараганда Мирзо Улуғбек халқнинг зеҳну заковатини қадрлаган, халққа ён босган.

Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида машҳур олимлар Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ибн Маъсуддан ташқари Мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳам алжабр, ҳандаса ва илму ну-жумдан дарс ўқиган.

1420 йили Самарқандда расадхона қурилиб, ишга туширилади. Улуғбек расадхонасининг баландлиги ўн қаватли иморатга тенг, унинг секстанти—вақтни аниқ кўрсатувчи асбоби. 175 та поғонадан ташкил топган эди. Ҳозирги замон олимларининг фикрига қараганда, Улуғбек расадхонаси ўзининг кузатиш қобилияти ва ҳисобдонлиги билан телескоп кашф қилинганга қадар астрономия фанида эришилган ютуқларнинг энг юқори босқичида турган. Расадхонада Улуғбек, унинг шогирди Али Қушчи, Чалабий ва бошқа олимлар чорак асрдан зиёд муддат давомида осмон сирларини ўрганиш ва сайёра-лар ҳаракатини кузатиш юзасидан илмий текшириш ишларини олиб борганлар.

Улуғбек бир йилни 365 кун, олти соат, 8 минут, 12 секунд муддатида аниқлаган, ҳозирги замон ҳисобидан фақат 58 секунд миқдорда адашган, холос!

Мирзо Улуғбекнинг юлдузлар ҳаракатига доир «Зижи Кўрагоний» асари ўрта аср илми нужум ва ҳандаса фанлари соҳасидаги буюк илмий ютуқ ҳисобланади. Буюк донишманд, олим ва мутафаккирнинг бу асари «Дин туман каби тарқалиб кетади, подшоҳликлар ҳалокатга юз тутаяди, аммо олимларнинг асарлари абадий қолади» деган оташин сўзлар билан бошланади. Самарқандга келиб, олимнинг қурдирган расадхонаси ва «Зижи Кўрагоний» асари билан танишган Алишер Навоий ўзининг «Хамса»сида Мирзо Улуғбек номини зўр эҳтиром билан тилга олади ва у қолдирган бу илмий обида ҳақида илиқ сўзлар айтади:

**Темурхон наслидин Султон Улуғбек  
Ки олам кўрмади султон анингдек...**

Расадким боғламиш-зеби жаҳондир,

• Жаҳон ичра яна бир осмондир.

Билиб бу навъ илми осмоний

Ки андин ёзди «Зижи Кўрагоний».

Қиёматга декинча аҳли айём,

Езорлар анинг аҳкомидин аҳком.

Мирзо Улуғбек ўз даврига қадар дин аҳли фойдасига ҳунарманд ва савдогарлардан йиғиб олинadиган «тамға» солиғини давлат фойдасига ўтказди. Бу солиқдан келадиган пулни фан-маданият тараққиётига сарфлади. Мирзо Улуғбекнинг бу иши шайхлар ва бошқа дин аҳлининг норозилигига сабабчи бўлди.

Мирзо Улуғбек замонида Мовароуннаҳрда табиий фанлардан ташқари адабиёт ва санъат, айниқса, тасвирий санъат тараққий этди. Бу борада Улуғбекнинг илғор маданиятли киши эканлиги, адабиёт ва санъатга муҳаббати кучли бўлгани муҳим аҳамиятга эга эди. Мирзо Улуғбекнинг укаси Бойсунғур билан ўзаро ёзишмаларида ҳам кўпроқ илмий ва адабий мавзуларда мубоҳасалар боргани маълум. Улуғбек шеъриятда озарбайжон шоири буюк Низомий Ганжавий услуби ва мактабини устун деб исботламоқчи бўлса, Мирзо Бойсунғур буюк шоир ва мутафаккир Амир Хусрав Деҳлавий ижодиётининг ҳақиқий мухлиси сифатида баҳслашар эди.

Мирзо Улуғбекнинг хурофот ва жаҳолатга қарши қаратилган маърифатпарварлик ҳаракатлари, чунончи, ўзининг Бухорода қурдирган мадрасаси пештоқига «Илм талаби барча мусулмон ва муслимлар (мусулмон хотин-қизлар) учун фарздор», — деб ёздириб қўйди.

Темурийлар сулоласининг сўнгги намояндаси Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий ташаббуси таъсирида илм-маърифат ҳомийси бўлишга интилди. Султон Ҳусайн нозиктаъб соҳибни қаламлардан бўлиб, Ҳусайний тахаллусида шеърлар ёзган ва туркий шеъриятнинг равнақиға маълум даражада ҳисса қўшган ҳукмдор.

Ҳусайн Бойқаро замонида ҳам улуг шоир ва йирик давлат арбоби Алишер Навоийнинг бевосита раҳбарлигида Ихлосия ва Халосия мадраса ва хонақоҳлари, шунингдек, кўпгина бошқа мухташам оммавий бинолар қурилди, сувсиз ерларда канал ва ариқлар қаздирилиб, сув чиқарилди. Алишер Навоийнинг савдо йўллари устида қурдирган работларининг миқдори беш юздан ортиб кетган эди.

Алишер Навоий мамлакат ободончилиги билан шуғулланибгина қолмади; ўз устози ва яқин дўсти Абдурахмон Жомий

билан ҳамкорликда Ҳирот адабий ва маданий муҳити такомил учун ҳам жон куйдирди. Ҳирот шаҳри бу даврда Шарқда энг йирик адабий ва маданий ўчоқлардан бири ҳисобланарди.

Алишер Навоийнинг «давр адабий ҳаётининг кўзгуси» деб ҳаққоний равишда таърифланган «Мажолисун-нафоис» асариде ўша замонда яшаб ижод этган уч юз элликдан ортиқ шоир ҳақида маълумотлар келтирилади. Шу нарса диққатга сазоворки, мазкур шоирлардан етмиштаси шоирликни ўзига касб қилиб олмаган оддий ҳунар аҳлидан эди.

Ҳиротда адабиёт билан бир қаторда санъат ҳам равнақ тона бошлади. Бу ерда машҳур бастакор, хонанда ва созандаларнинг улкан анжумани мавжуд эди. Дарвеш Шоди, Шоҳқули Гижжакӣ, Хожа Юсуф Андижонӣ, Паҳлавон Абу Саид Румӣ, Шоҳ Муҳаммад Дилдўз, Мавлоно Шайхим ибни Абдураҳим Румӣлар томонидан басталанган ва моҳирона ижро этилган дилрабо мусиқа ва ашулалар Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган эди. Янги ижод этилган мусиқа ва оҳанг созанда, хонандалар анжуманида, Султон Ҳусайн ҳузуридаги мажлисларда ижро этилиб, сўнг маъқул топилар эди.

Шундай базм-мажлислардан бирида Султон Ҳусайн Бойқаро бастакор Шоҳ Муҳаммадга ўз номига, шаънига маятайн —икки юз оҳангдан иборат мусиқа яратишни топширади. Маятайн мусиқасини яратиш узоқ йилларга чўзиладиган машқ ва ижодни талаб қилар эди. Шунинг учун бастакор мусиқачилар бошлиғи Дарвеш Шоди бу масъул вазифани кекса Шоҳ Муҳаммадга топшириш номақбуллигини Султонга тушунтиради. Орадан йигирма йиллар чамаси ўтгандан кейин Султон Ҳусайн номига басталанган маятайн мусиқий асар бастакор Мавлоно Шайхим томонидан ёзиб тамомланади ва саройда ижро этилади.

Темурийлар даврида ижтимоӣ фанларнинг муҳим тармоғи тарихнависликда ҳам катта ютуқларга эришилди. Мазкур давр тарихи ижтимоӣ-иқтисодӣ ва маданий ҳаётини ўрганишда бебаҳо манба ҳисобланмиш Шарафиддин Али Яздӣнинг «Зафарнома» асари, Ҳофизн Абрўнинг «Зубдат уттавориҳ», Абдураззоқ Самарқандӣнинг «Матлаъ ус-саодайн ва мажмуал баҳрайн», Мирхонднинг етти жилддан иборат «Равзатус-сафо» асари, Хондамирнинг «Ҳабибус-сияр» асари ва ҳоказолар яратилди.

Хондамирнинг машҳур тарихчи бўлиб етишувида улуг амӣр Алишер Навоийнинг хизмати катта. У маърифатпарвар

олим ҳамда забардаст давлат арбоби сифатида ёш олимга ёрдам қўлини чўзади, унга ҳомийлик қилади. Аммо санъат аҳлининг ҳукмдор томонидан таҳқирланиши ҳоллари ҳам учраб туради. Санъаткорлар ҳукмдор ҳукми ва фармойишини бажо келтиришга мажбур эдилар. Бу борада бастакор ва хонанда Устод Шоди ҳаёти ва тақдирини жуда ачинарлидир.

Устод Шоди қатор мусиқалар ижодкори, бастакор, мусиқага доир рисолалар ёзган олим, кўплаб истеъдодли шогирдлар етиштирган мударрис ҳамда моҳир ижрочи эди. Маълумотларга қараганда, Ҳусайн Бойқаро-темурийлар тахтини эгаллаш мақсадида Хоразм ва Дашти Қипчоқда куч тўплаб юрган чоғларида қозоқ султонлари Шубон ва Қозонга; «Мен агар Ҳиротни забт этсам, сизларга нодир туҳфалар юборурман», деб сўз берган экан. Ҳусайн Бойқаро салтанатининг барқарорлигидан хабар топган қозоқ султонлари Ҳиротга элчилар юбориб, ваъда қилинган «нодир туҳфаларни» талаб қилади. Султон Ҳусайн «нодир туҳфа» сифатида қозоқ султонлари ҳузурига Устод Шодини юборади. Инсоний ҳуқуқларининг камситилишидан таъсирланган Устод Шоди йўлда кета туриб Амир Хусрав Деҳлавий ғазалларидан бирига мунгли оҳанг басталайди ва уни қозоқ султонлари ҳузурига шу даражада моҳирона хониш қилиб берадики, султонлар Устод Шоди санъатига таҳсин ўқийдилар ва Султон Ҳусайн «нодир туҳфаси»дан гоят мамнун бўладилар. Орадан бир қанча вақт ўтгач, қозоқ султонларидан бири ўғлининг оғир касалликдан тузалгани шарафига катта базм ташкил этади. Назмининг айни қизгин пайти, у Устод Шодидан: «Ҳусайн Бойқаро ҳам шу таҳлитда катта базмлар қураармиди», деб мағрурона сўрайди. Ростгўй ва ватанини соғинган Устод Шоди; «Ҳусайн Бойқарога тобе вилоят ходимлари ҳам бундан кўра дабдабалироқ базм қурадилар», деб жавоб беради. Шундан сўнг Султон ишораси билан Устод Шодини дарёга чўктириб юбордилар.

Темурийлар даврида илм-фаннинг тараққиётга юз тутган тармоқларидан яна бири тасвирий санъат эди. Илмий ва бадиий асарларни ҳуснихатда кўчириш, уларни миниатюралар билан таъминлаш, шунингдек, муҳташам биноларни тасвирий лавҳалар ҳамда шеърини байт ва қитъаларни нақшин ёзувлар билан безаш иши, тасвирий санъат ва хаттотликнинг ривожланиш жараёни уларнинг бир бирига узвий боғлиқлигида намоён бўлди. Алишер Навоий маълумотида кўра, XV асрда Ҳиротда хатларнинг 36 тури кашф этилган, мазкур хатларда



ёзишни ихтисос этган махсус мутахассислар етишган. Ҳирот хаттотлари аяжуманига замонасининг машҳур Қиблатул-кутуб, яъни китоб кўчирувчи хаттотлар қибласи - Султонали Машҳадий бошчилик қилган.

Тасвирий санъат бўйича XIV--XV асрларда Мовароуннаҳр, ва Хуросонда Бухоро, Самарқанд, Ҳирот мактаблари қарор топди.

Амир Темур ва темурийлар даври тасвирий санъати ҳақида биз аввало мазкур давр тарихнавислари ёзиб қолдирган асарлар орқали тасаввурга эгамиз. Чунончи, Мавлоно Шарафиддин Али Яздий, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий, Заҳириддин Муҳаммад Бобир, Мирза Муҳаммад Ҳайдар, Зайниддин Восифийнинг тарихий асарларида темурийлар давридаги маданий ҳаёт ва нафис тасвирий санъат намояндалари ҳақида қисқа-қисқа, аммо мазмунли маълумотлар мавжуд. Шунингдек, хаттотлик ва наққошликка доир рисола ва тазқираларда санъат намояндалари тўғрисида муҳим маълумотлар берилади. Ўрта Осиё тасвирий санъатига доир чет эл ва ўзбек санъатшунос олимларининг қатор асарлари нашр этилган. Ғарбий Европа олимлари Ўрта Осиё тасвирий санъатига кўпдан бери қизиқиб келадилар. Улар Европа музейлари ва кутубхоналарида сақланаётган суратли қўлёзмалар асосида кўпгина асарлар ёзиб, тасвирий санъатимиз обидаларини таҳлил этдилар. Мазкур олимлардан Томас Арнольд, Ф. Мартин, Е. Блохет, А. Сакисьян, Л. Бинйон, И. Вилкилсон, Базил Грей, Е. Кунел, Р. Этингаузен, И. Шчукин сингариларнинг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар Ўрта Осиё тасвирий санъати катта тарихга эга эканлигини эътироф этиб, санъат намуналарини тўплаш, ўрганиш зарурлигини таъкидлайдилар. Европалик санъатшунос олимларнинг аксари ўрта осиелик мусаввирлар асарларини матбуотда эълон қилиб, уларнинг улкан эстетик завқ бағишловчи нодир асарлар эканини ёзиб, суратлар мазмунига доир қисқа-қисқа шарҳлар билан чегараланадилар. Аммо Ўрта Осиё тасвирий санъатидаги ижтимоий мазмун ва ғоялар тўғрисида эса лом-лим демайдилар. Ўрта Осиё халқларининг ўзига хос тасвирий санъатини Эрон санъатининг бир тармоғи деб қарайдилар. Ғарбий европалик санъатшунос олим А. Сакисьян ёзишича, Мовароннаҳрга келтирилган миниатюра санъати учун у ер ноқулай замин бўлиб чиқади, бу ерда у тадрижий ривож топмайди, гуллаб-яшнаши вақтинчалик эди. Бухорода миниатюра XIX аср охирларига келиб барҳам еди

ва Мовароуннаҳр тасвирий санъат учун бегона бўлиб қолди.

Мазкур кайфият кейинчалик инқилобгача яшаган баъзи рус олимларининг ҳам Ўрта Осиё халқларининг миллий маданиятига менсимай қараш туйғуларини келтириб чиқарди. Инқилобгача ўтган рус олимларидан В. В. Стасов Ўрта Осиё тасвирий санъати билан дастлабки танишишидаёқ, «чигатой» тасвирий санъати бадий услубининг ўзига хослигини эътироф этган эди.

Ўрта Осиё тасвирий санъатининг ўзига хослиги ва улкан тарихга эга эканлигини француз олими Э. Блоше ва швед олими Ф. Мартин 1912 йили ўзининг «УШ асрдан ХУШасргача Эрон, Ҳиндистон ва Туркияда миниатюра санъати ва мусаввирлари» деган асарини эълон қилган эди. Шундан сўнг у темурийлар даври тасвирий санъатига доир қатор мақола ва китобларини нашр эттиради.

Инглиз олими Томас Арнольднинг мазкур давр тасвирий санъатига доир асарлари мавжуд. Француз олими И. Шчукин ҳам кўпдан бери темурийлар даври тасвирий санъати билан шуғулланиб келади.

Афғонистон ва Эрон олимларининг ҳам мазкур мавзуга доир муҳим илмий тадқиқот ишлари бор. Афғон тарихчиси Али Аҳмад Наимийнинг 1950 йили чоп этилган «Темурийлар даври суратлар ва ҳушнавислари» деган асари катта илмий қимматга эгадир. Гарчи мазкур асарда тасвирий санъат асарлари таҳлил этилиб, уларнинг ғоявий афзалликлари ҳақида сўз юритилмаса ҳам, темурийлар даври мусаввирлари, наққош ва ҳушнавислари ҳақида муҳим маълумотлар берилади.

Чет эл санъатшунос олимларнинг кўпчилиги Шарқнинг буюк наққоши ва мусаввири Камолиддин Беҳзод тўғрисида ёзганлар. Афғон олимларидан Муҳаммад Али Абдулла Чигатой, Али Аҳмад Наимийларнинг Беҳзод ҳаёти ва ижодига бағишланган рисолалари нашр этилган.

Охирги йилларда Шарқ ёки Эрон тасвирий санъати ҳақида фикр юритганда, санъатшунос олимлар Ўрта Осиё, Ўзбекистон халқлари тасвирий санъати тарихига доир адолатли хулосалар чиқара бошладилар. Маълумки, чет эл олимлари Шарқ тасвирий санъати, айниқса, темурийлар даври тасвирий санъати тўғрисида сўз юритганда, Ўрта Осиё халқларининг жаҳон тасвирий санъати тарихидаги ўрни ҳақида лом-лим демас эдилар. Совет олимларининг тадқиқот ишлари мазкур ҳолга хотима ясади ва темурийлар даври тасвирий санъати

деганда Урта Осиё халқларининг ҳам мазкур давр санъати тарихидаги ўрни ҳақида илмий хулосалар чиқарилишига эришилди. Бу ўринда санъатшунослик фанлари доктори академик Г. А. Пугаченкованинг илмий тадқиқотлари таҳсинга моликдир. Тасвирий санъат тарихига доир ўзининг ўнлаб китоб, рисола ва мақолаларида у ўзбек халқи тасвирий санъати улкан тарихга эга эканлигини таъкидлаб, унинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳақида илмий хулосалар чиқарди ва ўзбек халқининг жаҳон тасвирий санъати тарихида тутган ўрни ҳақида қимматли фикрлар баён этди.

## СОҲИБҚИРОН МАЪНАВИЯТ ЖОНКУЯРИ

Шарқ муаллифлари таъкидига кўра, тасвирий санъатда теурийлар мактабининг асосчиси мусаввир Устод Гунг бўлиб, унинг келиб чиқиши номаълум. Унинг шогирди Умдатул мусаввирин (мусаввирлар пошшоси) номи билан машҳур бўлган бухоролик Устод Жаҳонгир эди. Устод Жаҳонгир машҳур Пир Саййид Аҳмад Табризийга устозлик қилган. Камолиддин Беҳзод эса ана шу Пир Саййид Аҳмад Табризийдан мусаввирликни ўрганган.

Юқорида қайд этганимиздек, қаср ва сарой деворларига солинган расмлар бизгача етиб келмаган. Маълумки, 1407 йили Самарқанднинг шимолида шаҳзода Бегим Султон учун катта чорбоғ қурилиб, унинг ўртасидаги қаср деворлари ишқий мазмундаги суратлар билан безатилган. Жаҳонгир Амир Темурга атаб тарихий асар ёзган олим Шарафуддин Али Яздийнинг кўрсатишича, мазкур расмларни бунёд этишда Амир Темур замоннда шуҳрат қозонган турли мамлакат мусаввирлари иштирок этган. Тарихчилар бу суратлар катта маҳорат билан яратилган санъат намуналари бўлганини ҳикоя қилади.

Темур ва теурийларнинг ҳар бири ўз даврида катта қурилиш ишлари олиб борганлар. Улар ўз пойтахтларида, мамлакатларидаги бошқа жойларда оромгоҳ, сарой, қаср, мадраса, ҳаммом, мусаллолар қуриб, уларни ўша давр моҳир уста ва ҳунармандлари, наққош ва мусаввирларининг асарлари билан безатганлар. Афсуски, турли мавзудаги суратлар билан деворлари безалган бундай ажойиб қаср ва саройлар билан шуҳрат тошган Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот ва бошқа шаҳарларнинг чорбоғлари, уларнинг бунёдкорлари ҳақида

батафсил фикр юрита олмаймиз. Бундай қаср ва саройларнинг кўпчилиги замона зайли билан нобуд бўлган. Ҳақдавр биноларини оромгоҳларини, чорбоғларини ва бошқа қурилишларини юксак ҳунари, моҳир истеъдоди билан безатган мўй-қалам соҳиблари, ўймакор ва сангтарошлари ҳақида жуда оз маълумотга эгамиз. Фақат тарихнавислар, шоирлар туфайли биз Амир Темур ва темурийлар қурдирган чорбоғларнинг баъзи қаср ва саройлар қиёфасини тасаввур қила оламиз. Мазкур чорбоғларни қурган ва дид билан безаб, қаср деворларини нақш ва тасвир этган «замонасининг ягонаси» ҳисобланган меъмор мусаввирлар номи ўша чорбоғлар билан бирга йўқолиб кетган. Эндиликда уларнинг баъзилари номларигина қолган. Самарқандда Амир Темур қурдирган чорбоғлар:

1. **Боғи нақши жаҳон**—Чўпонота тепалиги этагида XIV асрнинг 70-йилларида қурилган.
2. **Боғи беҳишт**—шаҳарнинг ғарбий томонида жойлашган бўлиб, Амир Темур уни 1378 йили ўзининг 12 яшар хотини Туман оқа учун барпо қилдирган.
3. **Боғи амирзода Шохруҳ**—Самарқанд 9—10 чақирим Шарқида 1394 йили Шохруҳ Мирзонинг Кавказ юришидан зафар билан қайтиши шарафига қурилган.
4. **Боғи Бўлди**—Самарқанднинг шарқ тарафида. Панжикент йўлининг ўнг томонида, Боғи Дилкушодан 1,5 чақирим нарида 1398—1400 йилларда қурилган.
5. **Боғи Дилкушо**—Самарқанддан 6 чақирим шарқда. Ўрта Пўлотчи қишлоғи яқинидаги Хончорбоғ мавзеида. Кониғил ўтлоғининг чеккасида 1396—1398 йилларда қурилган. Боғ ўртасидаги уч баланд тоқили қаср қурилган. Боғ Амир Темурнинг хотини Хизр Ҳожа ўғлоннинг қизи Тўқалхоним учун қурилган.
6. **Боғи шамол**—Амир Темурнинг набираси, Мироншоҳнинг қизи Бека Султон учун 1397 йили қурилган. Боғнинг қасри мармар устунли бўлиб, саҳнига Нурота мармар тошларидан ётқизилган. Қаср деворлари нақш ва суратлар билан безатилган.
7. **Боғи Зоғон**—Самарқанднинг шарқида Кучайн Хиёбон мавзеида қурилган.
8. **Боғи Баланд**—ушбу боғ ҳозирги Чўпонота мақбарасининг атрофида жойлашган бўлиб, Мироншоҳнинг иккинчи қизига атаб қурилган.
9. **Боғи Давлатобод**—Самарқанднинг жанубида Дарғон

даштида Шовдор ариғи ўртасида Амир Темурнинг Ҳиндистон юришидан қайтиши шарафига 1399 йили қурилган.

10. **Боғи Нав**—Самарқанднинг ғарби-жанубида, Даргон ариғи атрофида ҳозирги Хожа Кавшар қишлоғи ёнида қурилган.

11. **Боғи Нав**—Самарқанднинг ғарбида ҳозирги шаҳар боғи ўрнида қурилган, унга Чорраҳа дарвозаси орқали борилган. 1407 йили Самарқандга келган испан элчиси Клавиҳо бу боғ ҳақида батафсил маълумот беради: боғ тўртбурчак, шаклида, деворлари баланд, ҳар бир бурчагида минораси бўлган. Боғ ўртасида катта қаср, қаср олдида мрамрдан ясалган ҳовуз бўлган.

12. **Боғи Жаҳоннамо**—Анхор туманида тоғ этагида қурилган—1398 йил баҳорида Самарқанддан 42 чақирим узоқликда жойлашган. Ҳозир боғ ўрнида Қоратепа қишлоғи жойлашган.

13. **Боғи Майдон**—Афросиёб обидасининг шимолида. Чил сутин қишлоғида қурилган.

Ҳирот шаҳри атрофида ҳам мазкур боғларга ўхшаш **Боғи Лилқушо**, **Боғи Чаманоро**, **Боғи Жаҳоноро**, **Боғи Сафед**, **Боғи Зоғон** сингари чорбоғлар бўлган.

Темурийлар даврида чорбоғларнинг муайян тартибда, ягона тарҳ асосида қурилгани маълум. Уша даврда боғдорчиликка доир қатор рисолалар яратилган. Шулардан бири Ниёзий (бошиқа манбаларда Фозил Ҳаравий) томонидан ёзилган «Иршоудуз зироат фи илмил ҳиросат» (Экин экиш йўриқлари ва деҳқончилик илми) китобидир. Мазкур асарнинг «Чаҳор боғ тарҳи ва унинг иморати» сарлавҳали бўлимида чорбоғ кўрнги тартибни кўйидагича баён этилади:

«Қонда шулки, чаҳорбоғнинг атрофини девор тагидан уч зиро (бир зиро 70 см) ташлаб, 1 зиро келадиган ариқ қазилади. Ариқнинг девор томондаги қирғоғига бир-бирига яқин таштириб сафилорни самарқандни (ар-ар тедак), экиладики, у хушнамоқдир. Кажу (қарагай) у қадар латофатли эмас, шунинг учун унинг ҳожати йўқ. Боғ тарафидаги ариқ қирғоғига савсан (гулсафсар) экиш муносибдир. Кейин яна раҳрав (йўлак) ҳамин уч зар (газ—107 см) йўл ташлаб, бир зироник ариқ қазилади. Унинг йўлак томонидаги қирғоғига савсан экилиб сафилордан 5 зиро узоқликда бўлган унинг пуштасига зардолу экилади. Ҳар икки зардолунинг оралиғига гули сурҳ ва шафтоли экиш муносибдир. Мазкур зардолунинг ҳар биридан кейин боғ ичкараси томон 5 зар оралиқ ташлаб 5 зардоли

экиб, олу пайванд қиладилар, ё узум экадилар. Шундан кейин оралиқдан иморат олдидаги ҳовузга борадиган тўғри ариқ чиқазилади. Унинг қиргоғига, ҳамишабахор, савсани расми ва ханжари экиладикки, улар ҳушнамомирлар. Мазкур шоҳа риқнинг ҳар икки қиргоғи бўйлаб раҳрав учун атрофи ўралган пушта ташланади. Кейин себарга (йўқичқа) учун жой тайёрланади. Себаргазор томонида алоҳида-алоҳида баланд чаҳор чаман ажратилади. Биринчи чаман—анор, иккинчиси—беҳи, учинчиси—шафтолу ва шалир, тўртинчиси—олмурут бўлади. Чаҳорчаманлардан кейин боғчалар тузилади. Биринчи боғ чага кўкбинафша, элчи савсан ва зебо гуллардан садбарг, иккинчисига заъфарон, паргиз ва бирор оддий зебо гул, бошқасига боғ лоласи, тоғ лоласи, дардари гўш, дардлари кокили, оддий савсан, саҳрон ва оқ савсан, оддий шақойиқ, яна бошқа боғчага оқ ёсуман, сариқ бинафша, лолан дутабақа, гули шаббуи ва сариқ лола, насрин, бағдодий, қазқо. Яна бирига гулираъно; буларнинг оралиқларига хашшош (кўк нор гул), кейинги боғчага сариқ ёсуман, гули шашмоҳа, замбақ (нилуфар), каранфил гул, лиму савсани, савсани хатми, ки уни яна гулхайри ҳам деб атайдилар. Яна бир боғчага хатми хитойи, оқ ёсуман, шаббадстон, чаман офрўз, лолан хитойи, бўстон афрўз (гултожихўроз) экиладикки, бу гуллар бирин кетин очиладилар. Боғчаларнинг этагига уларнинг шаркий томонларига настарин экиладикки, унинг ёнидан—ҳовузнинг шимол томонидан яна икки бута настарин экадилар. Ҳовуз иморатдан 20 зар ёки канча муносиб топилса шунча узоқликда бўлиши керак. Иморат курсиси атрофига чинор, тал тут экадилар. Иморатга яқин жойларга унинг шарқ тарафига олуболу, ғарбий тарафига гилос, улар оралиғига кизил аргувон экадилар. Иморатнинг жануб томонидаги лўлапул (супа)га олма экилади. Чунки иссиқ офтоб кунлари олма дарахти куннинг тафтини қайтаради».

Темурийлардан кейин ўтган ҳукмдорлар қурдирган чорбоғларнинг ҳам юқоридаги чаҳорбоғ тарҳига бўйсунган ҳолда қурилгани маълум. Чорбоғ юқорида кўрганимиздек, тўртбурчак шаклида, кўпчилиги тўрт дарвозали бўлиб, улар орқали бориладиган оромбахш гуллар ҳиди анқиган йўллар чорбоғ ўртасидаги қаср ёки ишратхонага олиб борган.

Амвр Темур ў. пайтахти Самарқандни обод ва гўзал шаҳарга айлантириш учун уни янги девор билан ўраб олди. Эски ва тор кўчалар ўрнига кенг хиёбонлар, майдонлар барпо этилди. Шаҳар марказидан унинг асосий Оҳанин дар

возасигача савдо расталари қурилди. 1399 йилнинг май ойидан бошлаб шу дарвоза яқинида катта хотини Сароймулк хонимга атаб катта жоме масжидини қуриш бошланди. Бибихоним масжидининг тўрт юздан ортиқ мармар устунни, тўрт минораси бўлган. Амир Темур яна Қусам ибн Аббос қабри тепасига мақбара қурдириб, унга Шоҳи Зинда деб ном берди. Кейинчалик темурий маликалари мақбаралари ҳам шу ердан ўрин олди. Амир Темур қурдирган яна бир меъморий ёдгорлик Гўри Амир мақбарасидир. Бу мақбара унинг Анқара жангида шаҳид бўлган набираси Муҳаммад Султон ибн Жаҳонгир учун қурилган. Мақбара уста меъмор Муҳаммад ибн Маҳмуд Исфаҳоний томонидан қурилган бўлиб, унда яна Амир Темур, Мирзо Улугбек, Шоҳруҳ Мирзо ва Мироншоҳларнинг ҳам сағаналари мавжуд.

Соҳибқирон томонидан бунёд этилган яна бир меъморий ёдгорлик Тошкент яқинидаги Зангиота мақбарасидир. Мақбара ансамбли дарвозахона, минора, масжид, мадраса, хонақоҳ, шийпон ва ҳовуздан иборат.

Амир Темур Туркистондаги Хожа Аҳмад Яссавий мақбара сини 1398 йили қурдиради. Манбаларга кўра, Жаҳонгирнинг ўзи бўлажақ мақбара лойиҳасини тузишда қатнашади. Бу ансамбл 35 хонадан иборат. Амир Темур қурдирган яна бир меъморчилик обидаси Оқсаройдир. Уни онаси Некузбиби ша рафига 1404 йили Шаҳрисабзда қурдирган. Оқсарой ҳақида тарихчи Абдураззоқ Самарқандий қуйидагиларни ёзган: «Амир Темур ишга яроқли бўлган урганчиликларнинг ҳаммасини Мовароуннаҳрга кўчириш учун буйруқ берди. Хоразмлик усталар баланд ва салобатли сарой қурдилар. Ҳозир у Оқсарой номи билан машҳурдир». Испан элчиси Клавихо Оқсаройнинг гўзаллигини эҳтирос билан таърифлаган: «Бу бино зарҳал ва ложувард билан қопланган бўлиб, у ерда саройнинг шунчалик бўлинма ва оромгоҳларини кўрсатадики, улар ҳақида жуда узоқ сўзлаш мумкин. Сарой зийнатлари олтиндан ва бошқа ранглардан ҳайратомуз услубда шилланган».

Оқсарой 29 йил давомида қурилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг ёзишича, сарой ичидаги хоналар улкан ҳовли атрофида жойлашган. Ички томонида ҳарам ва Амир Темурнинг хонаси бўлган. Ушбу саройнинг энг ноёб хусусияти шуки, сарой томи сепасида мармардан ҳовуз қурилган бўлиб, унга Тахти Қорача довонидан қўрғоқини қувурлар орқали сув оқиб келган. Сарой пештоқидаги ёзувга кўра, унинг меъмори табризлик уста ва нақшош Муҳаммад Юсуф бўлган.

Соҳибқироннинг яна бир меъморий ёдгорлиги Шайх Бур ҳониддин Соғаржий мақбарасидир. У Рухобод номи билан машҳурдир. Мақбара масжид, минора ва дарвозахоналардан иборат.

Амир Темур Самарқанд шухратини оламга ёйиш мақсадида унинг атрофида гўзал қўрғонлар бунёд этади ва уларга Европа ва Осиёнинг машҳур давлатлари пойтахтлари номини беради: Бағдод, Париж, Шероз, Машҳад, Миср, Дамашқ, Султония.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Ҳазрати Соҳибқирон қайси юртга бормасинлар, ўша ерда ҳеч бўлмаса, бирор иморат қурдирганлар, Амир Темур Бағдод, Дорилфатҳ, Дарбанд, Иссиққўл қалъаларининг девор ва истеҳкомларини қайта қурдирадилар. Мўғуллар хуружи вақтида вайрон этилган Байлақон шаҳрини қайта тиклайдилар. Арис дарёсидан наҳр чиқариб теварак-атрофидаги чўлларни обод этадилар. Наҳрга Жўйи Барлос номи берилади.

Тарихчи Ибн Арабшоҳ Амир Темур қурдирган қасрлар деворларидаги суратлар ҳақида маълумот беради. Унинг ёзишича, Самарқанд атрофидаги чорбоғлар ичидаги қасрлар, саройлар Эрон, Дашти Қипчоқ, Ҳиндистондаги жанглар, шаҳарларни қамал қилиш саҳналари, султонлар, ҳукмдорларнинг Соҳибқирон томонидан қабул қилиниши, унинг олимлар билан суҳбати, пенкаш келтириш саҳналари, оммавий сайрлар, базм, оёв қилиш, ўғил ва набираларининг суратлари билан қопланган экан. Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» асарида Ботн Шамол саройидаги тасвирлар ҳақида батафсил маълумот беради. Испания элчиси Клавихо Соҳибқирон саропардаларидан бирини тасвирлар экан, қуйидагича диққатга сазовор тафсилотларни беради: «Саропарда гумбази устида қанотларини ёзиб нимагадир човут солмоқчи бўлиб турган бургут шакли бўлиб, у қумушдан ясалган, олтин суви югуртирилган. Қуйи рақда 3 томонга қанотларини пусиб қочмоқчи бўлиб турган уч лочин шакли ўрнатилган. Мазкур қумуш қушлар шакли ниҳоятда моҳирлик билан ясалган.

Клавихо Амир Темурнинг ўз саройида баландлиги одам бўйича келадиган олтин дарахт қурдирганини ёзади. Олтин шохчалар, барглар орасида ёқут, зумрад, феруза, лаъл, марварид «мева»лар кўриниб турган. Шохларида бири қанот ёзаётган, бири энди учмоқчи бўлган турли рангда товланиб турувчи олтин қушчалар ҳам бўлиб, баъзиларининг тумшуклариди лаъл ёки марварид тошлари бўлган.



## АМИР ТЕМУР САРОИИ ОЛИМ ВА ФОЗИЛЛАРИ

Амир Темуր замондаги мусаввирлар ҳақида ҳам жуда кам маълумотларга эгамиз. Амир Темуր саройида машҳур мусаввир Абдулҳай ижод этгани маълум. Абдулҳай мусаввир Султон Увайс (1356—1374) замонда Бағдодда ўқиган ва ижод этган Устод Шамсиддин (бошқа манбаларда Хожа Абдулқодир) нинг шогирди эди. Амир Темур 1393 йили Бағдодни олганида уларнинг наққошлик санъатидан фойдаланиш, пойтахтидаги мусаввирлар сафини янги истедод эгалари билан бойитиш мақсадида наққош Абдулҳай ва Устод Шамсиддинларни Самарқандга олиб келади. Берлинда сақланаётган бир мураққада Абдулҳайнинг мўйқаламига мансуб икки сурат бор: ўрдак сурати ва жанг саҳнаси. Мазкур суратлар тўлақонли ва ҳаққоний чиққанлиги билан Абдулҳайнинг моҳир ҳунар эгаси эканлигидан далолат беради. Парижда Ротшильд коллекциясида сақланаётган Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асари нусхасида ҳам Абдулҳай чизган суратлар бор. Қўлёзма 1486 йилнинг январида Султонани Машҳадий томонидан кўчириб таомланган. Мазкур қўлёзмада уч сурат бўлиб, сурат ҳошиясидаги эслатмадан уларнинг иккитаси Беҳзодники, бири Абдулҳайники. Абдулҳайга мансуб сурат «Туя минган сайёҳ ва пиёда дарвеш» деб номланади. Санъат шунос олимлардан Г. А. Пугаченкова ва Л. Ремпеллар мазкур суратни ўрганиб чиқиб, у Абдулҳай ишидан Беҳзод қўли билан кўчирилган нусха, деган хулосага келдилар. Чунки қўлёзма кўчирилган пайтда Абдулҳай ҳаёт эмас эди. Тасвирнинг ишончли чиққани, жонлилиги, ҳар бир чизиқ, нуқтанинг мустаҳкам ва ўринли қўйилгани суратнинг Беҳзод мўйқаламига мансублигидан далолат беради. Тасвирдаги ранго рангликнинг бирмунча чекланганлиги Абдулҳайга хосдир.

Шайх Саъдий ҳикоясига қараганда: «Ҳожийлар қофиласи (саёҳатчилар карвони) билан Куфадан бир яёғ (яёв) фақир бош очуқ, яланг оёқ хиромон йўлга кирди.

Бир тевага минган тоғир келиб анга айтяпти: «Эй фақир, қайга кетарсан? Бу йўл катта йўл дурур, ҳалок бўлурсан, қайткил».

Фақир айтти:

Нечаким минмакка ҳозир тевам йўқ.  
Юрурман шодмен қорним, кўзум тўқ.  
Қулун даъват қулубтур ҳожа эвга,  
Менинг сендан яқин бил ҳожатим йўқ.

Шуни айтти даги қадам йўлга урди. Қачонким, қофилла Маҳмуд нахласинга етти эса, ул тожир ўлум ҳолина тушуб етти. Фақир ёстуқи устуна келиб айтти: «Алҳамдулиллоҳким, мен яёғ юруб, заҳмат чекиб ўлмадим; даги сен тева устинда ўтуруб ўлдунг».

Суратда саҳро, сарғиш қум, у ер-бу ердаги ўтлар, тиканлар, орқароқда қум тепаликларининг паст-баланд кўринишлари; ўнг бурчакда унчалик катта бўлмаган тепаликлар, қуғуқ буталар. Икки чайла ва очиқ эшикли ўтов бу жойнинг кўчманчилар овули эканлигидан далолат беради. Тасвир марказида югуриб кетаётган туя, унинг устида оёғи осмонда бўлиб қолган сайёҳ. Унинг ағдариллиши тўсатдан бўлгани ҳаққоний ифодаланган; салласининг учлари елкасига ўралиб қолган. Овул аҳли бу ҳолдан турлича таъсирланган: ёш жувон қурқўвдан ўзини орқага ташлаган, унинг гилам устидаги эри чўп билан сайёҳни кўрсатиб турибди. Қўлида ўқ-ёйи бор эркак билан ёш бола қўл чўзишиб, саросима билан боқиб туришибди, фақат икки бола ўйинга берилиб кетиб, воқеадан беҳабар. Чайла орқасида бир киши ва ўрта ёш аёл эшагини суғормоқда. Чап бурчакда эшак устидаги дарвеш тўсатдан бўлган ҳодисани бамайлихотир кузатиб келмоқда. Унинг ёнидаги хизматкори эса ҳайрат бармоғини тишлаб турибди.

Мазкур сурат Абдулҳай мўйқаламига мансуб бўлса ҳам, ундаги кишилар ички дунёсини очишга ўрниш ва тасвирланаётган нарсанинг ниҳоятда аниқ бажарилганлиги Беҳзоднинг мазкур суратдан нухса кўчиришда ижодий ёндашганидан дарак беради.

Абдулҳай наққош 807/1404—2 йили Табризда вафот этади. Самарқандда яшаб ижод этган машҳур наққош ва мусаввир Пир Аҳмад Боғишамолий ҳам мусаввирликни шу Устод Абдулҳайдан ўрганган эди. Шайх Муҳаммад Тамимий ҳам мусаввирлик соҳасида шу Хожа Абдулҳайнинг шогирди бўлган.

Хожа Абдулқодир Гўянда (вафоти 1434 й.) Амир Темур ва темурийлар даври олим; мусиқачи, ҳаттот ва мусаввир. Исфаҳон яқинидаги Ноин қишлоғида туғилган. Олдин Ироқ ҳокими Султон Увайс Жалоийр (1356—1374) саройида Бағдодда ишлайди. Султон Увайс вафот этгач, Хожа Абдулқодир билан Қутб Ноин Табризда Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ хизматида бўлади. Алишер Навоий «Мажолисун-нафос»да қуйидаги ҳикояни келтиради: Мироншоҳ Мирзо Табризда ҳокимлиги даврида ичимликка кўпроқ берилганини Амир Те

мурга етказишади. Хабарчилар мазкур ҳолнинг асосий айбдорлари Мироншоҳ Мирзонинг уч надимидир. Улардан бири Хожа Абдулқодир, иккинчиси Мавлоно Муҳаммад Коҳий ва яна бири устод Қутб Нойиндир, дейдилар. Амир Темур тавочиға уларнинг бошини олиб келтиришни буюради. Тавочи бориб иккисини ясоққа (лашкаргоҳ) келтиради. Хожа Абдулқодир улар қўлидан қочиб, қаландар бўлиб, ўзини девоналик кў солиб, мулкдан мулкка ўтиб юради.

Қутб Нойини дорга олиб кетаётганларида у бир муллавачча қўлидан бир варақ қоғоз олиб, уни най шаклида ўрайди ва дорга бориб етгунича бир куйни шу қоғоз ёрдамида чалиб боради. Халқ орасида ҳозир ҳам мавжуд бўлган мусиқанинг «Пешрави дор» усули мазкур куй асосида яратилган, дейишади.

1393 йили Амир Темурнинг Ироққа иккинчи бор юриши пайтида Хожа Абдулқодир Бағдод шаҳрида эди. Бу ўринда Алишер Навоийнинг қуйидаги фикрларини қайд этиб ўтиш ўринлидир. «Хукм бўлдиким, тутиб келтурсинлар. Ул ҳазрат (яъни Амир Темур) тахтда эрдиларким, Ҳожам фақирни девоналикка қўймай, судраб тахт илагига келтурдилар. Андин бурунким, сибат ҳукм бўлгай, чун Хожанинг камолотидан бири қуръон ҳифзи ва қироат илми эрди, филҳол бийик ун билан қуръон ўқимоқ бунёд қилдики, ул ҳазратнинг ғазаби лутфқа мубаддал бўлуб, фазл ва камол аҳли сори боқиб, бу мисраъни ба вақт ўқудиким:

**Абдол зи бим чанг бар мусҳаф зад**

**(Қаландар қўрқувдан қуръонига ёпишди).**

Андин сўнгра Хожага тарбият ва илтифотлар қилиб, ўз олий мажлисида надим ва мулозим қилди. Идрок ва фаҳм аҳли билурким, йиллар, балки қариларда мундақ латиф сўз воқеъ бўлмас».

Бошқа бир ривоятга кўра: Амир Темур Ироқ сари юриш қилганда, Хожа Абдулқодир бир туялар қарвони билан унга пешвоз чиқади. Хожа Абдулқодир ҳар бир туя бўйнига маълум бир пардада овоз чиқарадиган қўнғироқ таққан. Қарвон юрганда қўнғироқлар овозининг мажмуъи латиф бир куй бўлиб (Ироқ мақомида) эшитилган. Амир Темур бу ҳолни кўриб, амири Лорни чақириб, сабабини сўрайди. Амир Лор олий ҳукмдордан аввало олдин куй ижодкорининг қонидан кечишни илтимос қилади. Сўнг Амир Темурга: Хожа Абдулқодир сизга ўзини тавитиб, завқли оҳанг— ўзига хос мусиқа тавоси билан пешвоз чиқмоқда, деб изох беради.

Амир Темур вафотидан сўнг мусаввир Хожа Абдулқодир Шоҳруҳ Мирзо саройида яшайди. «Муסיқа тўғрисида рисола» номли машҳур асар муаллифи Дарвеш Али (XVII аср)нинг ёзишича, Хожа Абдулқодир моҳир мусаввир бўлиб, муסיқада ўн икки мақомнинг яратувчисидир. У юз йилдан ортиқ умр кўриб, 838 (1434—1435) йили Ҳиротда вафот этади.

Амир Темур саройида бир қўлли чаптаст хаттот Умар Ўкта ижод этгани маълум. Унинг моҳир хаттот бўлганини исбот этадиган қуйидагича нақл бор: Бир куни Умар Ўкта ўзи кўчирган Қуръоннинг бир нусхасини Амир Темурга тақдим этади. Қуръоннинг у кўчирган нусхаси шунчалик кичик эдики, ҳатто узукнинг кўзига ҳам жо бўладиган тарзда эди. Амир Темур хаттот маҳоратига қойил қолиб, уни тақдирлаш тартибига:

— Сен Олло таолонинг сўзларини шундай майда ҳарфлар билан битишга қандай журъат этдинг?— деб жеркиб беради.

Шунда Умар Ўкта буюк жаҳонгир учун Қуръоннинг бошқа нусхасини тайёрлашга киришади. Мазкур нусхани шунчалик катта ҳажмда тайёрлайдики, унинг ҳар бир ҳарфи катталлиги билан ярим газ келар эди. Қуръон кўчирилиб бўлгач, Умар Ўкта уни улкан аравага ортиб Амир Темур ҳузурига равона бўлади. Бундан хабар топган Амир Темур ўз аъёнлари билан унга пешвоз чиқиб кутиб олади. Хаттотга унинг туҳфаси учун катта кимматга эга бўлган олтин беради. Санъатшунос олим Ф. Р. Мартин темурийлар даврига доир тасвирий санъат намуналаридан Париж, Лондон музейларида сақланаётган нусхаларини кўздан кечириб, Лондонда Мистер Томпсонга тегишли кўлёзмада (1410 йили ёзилган) 39 та сурат борлигини айтади. Мазкур кўлёзма улкан тўплам бўлиб, темурийзода Умаршайхнинг ўғли Искандар учун тайёрланган. Ф. Р. Мартин Самарқанд ва Ҳиротда кўчирилган темурийзодаларнинг илк даври тасвирий санъат обидаларини таҳлил этиб, бу давр санъатининг Осийнинггина эмас, бутун дунёнинг катта ютуғи эканини қайд этади.

Темурийлар сингаги санъатни қадрлаган ҳукмдорлар Ўрта Осиёда бўлмаган, деб таъкидлайди Ф. Р. Мартин. Мазкур муаллиф ва бошқа бир қатор европалик санъатшунос олимлар Мирзо Бойсунгур, Шоҳруҳ Мирзо, Улуғбек ва Султон Ҳусайн Мирзо сингаги темурийзодаларни буюк китоб ошиқлари, илм фан жонқуярлари сифатида таъриф этади. Темурийларнинг ўзидан 50 га яқин шоир ва олим чиққанлиги

улар фикрининг далилидир. Темурийлар замонда яратилган китоблар ўз илмий қиммати ва етук бадийий нафислиги билан Европанинг ҳар қандай қимматбаҳо ва гўзал китобларини йўлда қолдирган.

Амир Темур замонда яшаб ижод этган моҳир мусаввирлардан яна бири Пир Аҳмад Боғишамолийдир. Санъатшунос олимлар унинг таҳаллусини Самарқанддаги Боғи Шамол чор боғининг қасрини нақшлар ва суратлар билан безаган (1397 йил)дан кейин олганлигини ёзадилар. Тазкиранависларнинг ёзишига кўра, у эллик ёшида вафот этган. Боғи Шамол қасрини безаганда навқирон йигит бўлган деб ҳисобласак, у XIV асрнинг 70 йилларида туғилиб, XV асрнинг 20 йилларида вафот этган дейиш мумкин.

Салтиков—Шчедрин номидаги Петербург кутубхонасида Абдурахмон Ҳомийнинг 1549 йили кўчирилган «Силсилатуз-заҳаб» дostonи (инв. № 434)га Пир Аҳмад Бағишамолийнинг мўйқаламига мансуб бир сурат илова қилинган.

Бу қўшалоқ суратда ов саҳнаси тасвирланади: олтин рангдаги осмон билан тоғ манзараси кўзга ташланади; тоғ чўққилари зангори, малла ва пушти рангларда, арча ва буталар билан қопланган. Тоғ оралиғида архор, оҳу, кийиклар ва бекиниб ётган қоплон устига харсанг ирғитмоқчи бўлган айиқ бор. Қисқаси, одам оёғи тегмаган бир тоғ ёнбағри. Овчилар ҳайвонларни ана шу ён бағирга ҳайдаб келишган; 5-6 суворий оҳу ва кийикларни ов қилишмоқда. Умуман, манзара чиройли ва ишонарли чиққан.

Амир Темур замонда тасвир этилган китоблардан шоир Хожа Кирмоний (1281—1352)нинг бир дostonи қўлёзмаси Британия музейида сақланмоқда. Дostonда Эрон шаҳзодаси Ҳумой билан Хитой боғдихони Ҳумоюн ўртасидаги муҳаббат куйланади. Мазкур дoston 1395 йили настаълиқ ёзувининг ихтирочиси Мир Али Табрзий қўли билан кўчирилиб, ундаги турли безак, нақшлар, турли суратлар 1396 йили Жўнайд наққош томонидан тасвир этилади. Мир Али Табрзий қўли билан кўчирилган бир саҳифа (қитъа) Салтиков-Шчедрин номидаги Петербург давлат кутубхонасида сақланади. Ёзув остида «Мир Али настаълиқ ихтирочиси» деган эслатма ёзув бор.

Темурийлар давридаги ҳўнарпарвар, мусаввирликка ихлос кўйган шаҳзодалардан яна Пирмуҳаммад, Мирзо Искандар, Муҳаммад Жўқий ва Халил Султонларни кўрсатиш мумкин.

Искандар Мирзо Амир Темурнинг набираси Умаршайхнинг

Ўгли эди. 1404 йилда Ҳамадон ҳокими бўлиб, кейин форсда ҳокимлик қилиб турган акаси Пирмуҳаммаднинг буйруғи билан Язд ҳокими бўлади. Пирмуҳаммад қатл этилгач, Шероз ва Исфаҳонни ҳам қўлга олади. 1415 йили Шохруҳга қарши исён кўтариб, ўзи жангда асир тушади. Кейин биродари Мирзо Бойқаро билан бирга учинчи биродари Рустам Мирзога қарши Исфаҳонга ҳужум уюштиради. Бироқ асир олиниб, қатл этилади. Халил Султон эса Жалолиддин Мироншоҳнинг ўғли эди. Уста мусаввир ва шоир. Амир Темур вафотидан (1404) кейин Самарқандда бобоси ўрнига ҳоким бўлади. Шохруҳ Мирзо Хуросонда, отаси Мироншоҳ Озарбайжонда ўз салтанатларини ўрнатганларидан кейин Халил Султон Мовароуннаҳр ҳокими бўлиб қолади. Тўрт йил ҳукмронлик қилгандан кейин амирларидан Оллоҳдод ва Арғунхон бошчилигида унга қарши исён уюштирилади, мулкида фисқ-фасод кучаяди. У оғир бир аҳволда қолганда амакиси Шохруҳ Хуросондан қўшин тортди келиб, фитнани бартараф этади ва Халил Султонни ўлимдан қутқариб қолади. Мовароуннаҳрни ўғли Мирзо Улуғбекка топшириб, Халил Султонни Рай ва Ҳамадон ўлкаларига ҳоким этиб тайинлайди. У ерда икки йил ҳукмронлик этгач, 1414 йилда 28 ёшида вафот этади. Маъшуқаси Шоди Мулкхоним ундан кейин қолиб яшашдан воз кечиб ўзини қурбон этади. Иккаласи бир қабрга қўйилади.

Замондошларининг ёзишича, Халил Султон нозик таъбли олим ва адиб киши бўлган. У тартиб этган шеърый девон ҳозир Истанбулда сақланади. Ўз пойтахти Самарқандни кўкалам зорлаштиришда ўз бобосининг хайрли ишини давом эттирган. Улкан кутубхонада нафис суратли китобларни бунёд этувчи ҳунармандларга меҳрибонлик кўрсатган.

«Ўзбекистон санъати тарихи» китобида Халил Султон сиймосини тасвирловчи икки суръат эълон қилинган. Булардан бири Самарқанд қалъасининг ҳимоя қилинишини тасвирлаган. Мазкур сурат Истанбулдаги Йилдиз кутубхонасида сақланаётган Амир Темур давлат ҳужжатлари орасида сақланади. Ундан қуйидаги мазмун англашилади; шаҳар қўрғони остида оломон; улар калтак, камон, палахмон сўнгари қуроллар билан қуролланган. Шаҳар ҳимояси устидан умумий қўмондонликни бир ёш йигит олиб бормоқда. Унинг тепасида «Халил Султон» деган ёзув бор. Ҳимоячилар орасида хотин-қизлар ҳам бор. Суратнинг Халил Султон Самарқанд ҳокими бўлган давр (1405—1409) да чизилган бўлиши эҳтимол. У уста мусаввир томонидан чизилганлиги кўриниб турибди. Унда

ортиқча ҳашамли нақшлар ҳам йўқ. Кунгирали девор орқаси дан мудофаачилар душман устига ўқ отиб, тош ва ёнувчи моддалар иргитилимоқда. Одамларнинг кийиниши Мовароуннаҳр халқларига хос.

Шунингдек, санъатшунос олим А. Сакисьян коллекциясида шерни камон ўқи билан ярадор қилган суворий йигит сурати сақланади. Суворий ҳолати Пир Саид Аҳмад Богишамолий, чизган ов саҳнасидаги овчи суворийларга, овчининг юз тузилиши, кийими Халил Султонга ўхшаб кетади. Нозик ва кичик бошли от учиб бораётган ҳолда тасвир этилган. Суворийнинг ҳолатида ҳам қандайдир ички куч, совуққонлик бўлиб, олға интилган; унинг қўлидаги ёйдан эндигина ўқ отилган. Нишонга теккан ўқ зарбидан шернинг гавдаси букилиб, ағдарилнш ҳолатида. Аммо шернинг катта куч билан суворийга ташланмоқчи бўлгани сезилиб турибди. Тасвирнинг жонли ва ишонарли чиққанидан у уста мусаввирнинг иши эканлиги сезилиб турибди.

Истанбулдаги мусулмон санъати кошонасида XIV аср охирида тузилган бир тазкира сақланади. У 1398 йил сентябр да хатот Ибн Мансур ибн Муҳаммад Ибн Барақа Ибн Бахтиёр Бағбахоний (Форс вилоятига қарашли Бағбахон қишлоғидан) томонидан кўчирилган бўлиб, унда 12 тасвир бор. Кўпчилик санъатшуносларнинг эътироф этишича, суратлар Амир Темур замонида Самарқандда чизилган. Чунки уларда Самарқандда ўсадиган ўсимликлар, жониворлар сурати кўп бўлиб, Эроннинг жанубига хос табиат манзараларини учратмаймиз.

Нью-Йоркдаги Кеворкианнинг шахсий коллекциясида «Шоҳнома» нусхаси бор. Унинг дастлабки саҳифасида бир ҳукмдорнинг ўз мулозимлари билан тургани акс эттирилган. Улар атрофида хушманзара табиат кўриниши. Суратда қуйидаги ёзув бор: «Ҳазрати хоқони соҳибқирон Хусравн жаҳонгир Мир Темур Гургон, Оллоҳ унинг салтанатини боқий қилсин, 791 йил ҳижрий (1389 йил)».

## АМИР САИИД ШАРИФ

Журжон шаҳрида туғилган. Мадрасани тугатиб Шероздаги Доруш-шифода мударрислик қила бошлайди. Оз фурсатда асрнинг комил фозилига айланади. Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон салтанати замонида Мовароуннаҳрға келиб соҳибқирон суҳбатида бўлади. Мавлоно Саъдуддин Тафтазоний билан

мажлислар ўтказди. 1406 йилгача Самарқандда яшаб, сўнг Шерозга кўчади ва ўша жойда 1413 йили 76 ёшида вафот этади.

## ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО

Халқ орасида Муҳаммад Ҳофиз Бухорий ёки Хожайи Порсо номи билан машҳур. Мир Сайид Роқим ул зот ҳақида шундай ёзади: «Шоҳруҳ Мирзо салтанати замонида Фохирайи Бухоро вилоятида тоат сажжодасини ёзиб, авлиёлар тариқини равшан ҳидоятига айлантирди. Муборак ёшлари саксонга яқинлашиб 1419 йили Мадинада вафот топдилар.

## МИРАЛИ ТАБРИЗИИ

Амир Темур даврининг етук хаттоти. Самарқанддалигида насх ва таълиқ хат услублари асосида настаълиқ хатини ихтиро этади. Буни Султонали Машҳадий ўзининг хаттотлик ҳақидаги рисоласида таъкидлаган:

**Насхи таълиқ агар хафию жалист,**

**Возеъул-асл хожа Миралист.**

1911 йили ҳуснихат ҳақидаги рисоласини чоп эттирган тошкентлик машҳур хаттот Шомурод котиб ҳам бу фикрни таъкидлаган «Хожа Мирали Табризий ихтиро қилган настаълиқнинг таълимот ва қоидалари ҳақидаги рисоласини хатни танувчи замоннинг зийрак кишилари учун бадий асарлар яратувчи табъидан чиқариб эсдалик қолдирган».

Исҳоқхон Тўрақўрғоний ўзининг «Жомеъул-хутут» (Наманган). (1912) рисоласида Мирали Табризий ҳақида шундай ёзади: «Хожа Мирали Табризий насх ила таълиқдан мураккаб бўлган настаълиқ хатини чиқарганлар».

Машҳур хаттот Абдулқодир Муродийнинг ёзишларича, Мирали замонигача таълиқ хати қўлланарди. Мирали настаълиқ хатини ихтиро қилади ҳамда таълиқ хатига насх (бекор қилиш) қаламини уради. Шунинг учун ҳам хатига насхи таълиқ номи берилади.

Мирали Табризийнинг настаълиқ хати ҳақидаги рисоласи тўлиқ ҳолда сақланиб қолмаган. Шомурод котиб ўз рисоласида Мирали Табризий рисоласидан эллик байтча парча келтирган. Рисоланинг бошланғич қисмидаги ҳамд, наът ва хат санъати ҳақидаги таълимотини тушириб қолдириб, фақат ҳарфларнинг нуқта ўлчови асосида ёзилиш қоидаларига оид



қисмигина келтирилган. Мирали Табризий хаттотлик санъатини улуғлаган.

**Дурри садафи баҳри маони хатаст,**

**Ёқути ҳақонини ниҳонни хатаст.**

Мазмуни:

**Маънолар денгизи садафининг дурри хатдир,**

**Ниҳоний ҳақиқатлар ёқути хатдир.**

Мирали Табризийнинг икки шогирди бўлган: Бирин Мавлоно Жаъфар бўлиб, Шохруҳ Мирзо сарой хаттотларининг пешвоси бўлган. Иккинчиси Мир Абдулҳай китоба санъати, иншо ва таҳрирда тенгсиз ҳисобланиб, Султон Абусайид саройида ишлаган.

### АБДУЛҚОДИР МАРОҒИЙ

Абдулқодир ибн Ғайбий-ал-Ҳофиз ал Мароғий (ваф. 1435) — буюк бастакор, мусиқа назариётчиси, 1380 йилларгача Ироқ Султони ал-Ҳусайн (1374—82) надими—яқин кишилардан эди. Абдулқодир ибн Ғайбий ёзишча, у 1397 йилда ал-Ҳусайн саройида замонасининг буюк бастакори, мусиқа назариётчиси Ризоуддин Ризвоншоҳ ташаббуси билан 100000 динорли мукофот учун ўтказилган мусобақада қатнашиб, ғолиб чиқади (Бодлеян кутубхонаси қўлёзмаси, 282 рақам, 94-саҳифа).

Амир Темури 1393 йилда Бағдодни забт этган вақтида ўз пойтахти Самарқандга олиб кетган машҳур олимлар, меъморлар, санъаткорлар орасида Абдулқодир ибн Ғайбий ҳам бор эди. Ибн Ғайбий ўша вақтда соҳибқироннинг беш хонадаси ва энг буюк муқарриби (яқин кишиси) бўлади. Абдулқодир 1397 йилда Амир Темури саройида хизмат қиларди. 1399 йилда у Табризда Амир Темурининг дарвеш ўғли Султон Мироншоҳ (ваф. 1408) саройида бўлган. Бу шаҳзоданинг марғуб ўлмаган ҳоли ва ҳаракати (кайф-сафога берилиб, давлат ишларини ташлаб қўйиши—М. М.)га таъсир этган айбдорлар сифатида Ҳутбиддин Нойий, Ҳабиби-Удий, Ардашер Чангий каби санъаткорлар замонасининг энг яхши мусиқашунослари бўлишига қарамай, Амир Темури фармони билан ўлимга ҳукм қилинади. Вақтида таҳликадан хабардор этилган Абдулқодир дарвеш қаландар қиёфасида Табризни тарк этади ва Бағдодга бориб, эски ҳомийси Султон Аҳмад Жалойир

ҳузурида паноҳ топади. Амир Темур 1401 йилда Бағдодни қайта фатҳ этганда, Абдулқодир яна унинг қўлига асир бўлиб тушади. Соҳибқирон уни Самарқандга олиб кетиб, яна ўлимга ҳукм этади. Аммо бу гал Абдулқодир ўлими олдидан Қуръон сураларини шундай ажойиб оҳангда ўқий бошладики, бундан таъсирланган соҳибқирон уни афв этиб, ўлимдан асраб қолди ва яна ўз ҳузурига хизматга олди. Абдулқодир соҳибқирон Амир Темур вафотидан сўнг (1404) унинг ўрнига Самарқанд тахтига ўтирган (шеъроят ва мусиқани дилдан севган) Халил Султон (1404—1409)нинг яқин дўстларидан бири бўлиб қолди. Кейинроқ Шоҳруҳ ва Улуғбекнинг Халил Султон устидан ғалабасидан сўнг Абдулқодир кўпгина буюк санъаткорлар қатори Шоҳруҳ саройига (Ҳиротга) таклиф этилади. Шоҳруҳ саройининг шуҳратини оширган атоқли санъаткорлардан бири Абдулқодир ибн Ғайбий эканлиги тарихий манбаларда қайд этилади.

«Равзатул-жаннат» асари муаллифи Муиниддин Исфизорий Абдулқодир ибн Ғайбийни мусиқийшунос, шоир ва расом деб таърифлайди. Абдулқодир хаттот сифатида ҳам машҳур эди. У «Мусиқийдаги санъатидан ташқари, кечмиш замонларнинг шаън-шавкатини юксалтирган», «Мусиқий назарияларида энг салоҳиятли бир муаллиф» Ибн Ғайбий ва Сафиъиддин Абдулмўмин биринчи даражали мусиқа назариятчилари сифатида зикр этилади.

Абдулқодир ибн Ғайбий 1405 йилда ёзган буюк асари «Жомеъул-алҳон» («Оҳанглар тўплами»)ни ўғли Нуриддин Абдурахмонга ҳадя этган. У 1413 ва 1418 йилларда бу асарни қайта кўздан кечириб тўлдирган. Асарнинг Абдулқодир дастхати билан битилган бир нусхаси Истанбулда, Нури Усмоғия кутубхонасида сақланмоқда. (№3644). Шу қўлёзмада 1415 санаси билан Султон Шоҳруҳга бағишлов битилган. Бу асарнинг бошқа нусхалари бор. Абдулқодирнинг Бодлеян кутубхонасида сақланаётган «Мақосидул-алҳон» («Оҳанглар мақсуди») асари Султон Шоҳруҳнинг ўғли Султон Бойсунғурга бағишланган. Шу асарнинг Лейден дорилфунунда сақланаётган нусхаси 1421 санаси билан Туркия подшоҳи Султон Мурод II учун ёзилган. Абдулқодирнинг «Канзул-алҳон» («Оҳанглар хазинаси») номли яна бир асари XV—XVI аср Шарқ мусиқаси нота ёзиш усулларига бағишланган. Афсуски, бу асарнинг ҳеч бир нусхаси ҳозирча топилмаган. Ибн Ғайбийнинг «Шарҳул-адвор» («Мусиқа мақомлари шарҳи») асари

Нури Усмония кутубхонасида, «Китобул-адвор» асари Лейден дорилфунунида сақланади.

Давлатшоҳ Ёзишича, Абдулқодир ибн Ғайбӣи мусиқӣи назария ва амалиясида ҳам беназир эди, ўзи уд чаларди, биринчи даражали бастакор эди. Чунинчи, у 1379 йилда Султон Хусайн Жалойир саройида рамазон ойида ҳар кун бир куй ёки ундан бир парча басталаган экан.

Абдулқодир ибн Ғайбӣи 1435 йили Ҳирот аҳолисини қириб ташлаган мўдҳиш вабо касаллиги даврида вафот этган.

Абдулқодирнинг кенжа ўғли Абдулазиз ҳам бастакор бўлиб етишди. Унинг «Нақоватул-адвор» («Мусиқа мақоматидан сочмалар) китоби турк подшоҳи Султон Меҳмед II (1451—1481)га бағишланган. Бу асарнинг ягона нусхаси Истанбулда Нури Усмония кутубхонасида сақланади. Абдулқодирнинг набираларидан бири Маҳмуд ҳам турк Султони Боязид II (1481—1512) салтанати даврида яшаб, у ҳам «Мақосидул-адвор» китобини ёзганки, бу асар қўлёзмаси ҳам Нури Усмония кутубхонасида сақланади.

## САЪДИДДИН ТАФТАЗОНИИ

Саъдиддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний йирик фиқҳ олими бўлиб у ҳақда Мир Сайид Роқим қуйидагиларни ёзади:

«Агарчи у фазлу афзалликлар шажари, донишу камол самараси тўртинчи иқлимда жойлашган Ироқ замини obu ҳавосидан намо топган бўлса ҳам, рубъи маскундан иборат етти иқлим талабалари унинг фазилатлари соясидан баҳраманд, унинг мақоли самарасидан маҳзуз ва баруманддирлар. Ул зоти олий таваллудлари санайи 722 ҳижрий (милодий 1322) йилдадир. Ун олти яшарлигида санайи 738 ҳижрий (милодий 1338 йил март) шаъбон ойида Фариванд вилоятида Зинжоний китобига шарҳ ёздилар. «Шарҳи талхисул-мафотиҳ»ни санайи 752 ҳижрий сафар (милодий 1351 йил апрель) ойида Ҳирот вилоятида ёздилар. «Китоби эҳзор»ни санайи 752 ҳижрий (милодий 1351) йилда Гиждувон вилоятида ёздилар. «Шарҳи рисолаи Шамсия»ни санайи 753 ҳижрий жумодил-охир (милодий 1352 йил июл) ойида Жом вилоятида ёздилар. «Шарҳи танкиҳ» асарини санайи 757 ҳижрий зулқаъда (милодий 1356 йил ноябр) ойида Туркистон вилоятида ёзиб тугалладилар. «Шарҳи ақоийд» асарини санайи 775 ҳижрий шаъбон (милодий 1374 йил январ-феврал) ойида ёздилар. «Рисолайи кабиратул-иршод

дар илми наҳв»ни санайи 778 ҳижрий (милодий 1376) йилда Хоразм вилоятида ёздилар, «Мақосид ул-калом» ва «Шарҳи мақосид» асарларини санайи 784 ҳижрий зулқаъда (милодий 1383 йил январ) ойда Самарқанд вилоятида ёзиб тамомладилар. «Таҳзиб ул-калом» ва «Мифтоҳул-улум» учинчи қисми шарҳи» китобларини санайи 786 ҳижрий (милодий 1384) йилда Самарқанд вилоятида ёздилар. «Шарҳ дар таълифи фатовнул-ҳанафия»ни санайи 786 ҳижрий зулқаъда (милодий 1384 йил декабр — 1385 йил январ) ойда Ҳирот шаҳрида ёздилар. «Шарҳи мифтоҳил-фиқҳия шофиъий»ни санайи 790 ҳижрий (милодий 1388) йилда ёздилар. «Шарҳи талхизи жомиъи ҳанафий»ни санайи 791 ҳижрий (милодий 1389) йилда Сарахс шаҳрида ёздилар.

### МАВЛОНО ШАРАФУДДИН АЛИ ЯЗДИЙ

Мавлоно Шарафуддин Али Яздий илми зоҳир ва илми ботинда ўта маҳоратли эди ва ҳеч сўзсиз давр яғонаси эди. Хусусан, ҳайъат илмида шундай эрдилар, ки илоҳий файз офтобининг нури партави унинг сийнаси устурлоби лавҳидан тобон, дили ҳайъатининг расадбандида фалаклар моҳиятлари аҳволи равшан ва намоёндыр. Хотирини саҳифасида ранж рақамлари дастёрсиздыр; зоҳир назарида қалам рақами марҳум ва таҳвим шакллари ҳар қандайига мафҳум ва маълумдыр.

Байт:

Партави офтоби файз футуҳ,  
Аз стурлоби сийна гашт вузуҳ,  
(Файзли офтоби нури,  
Сийна устурлобида намоён).

Ул зотнинг касирул-баракот мусаннифотлари кўпдыр. Масалан: «Канзул-мурод», «Ҳулали-мутарраз», «Ҳақойиқут-тахомил», «Муваддин», «Шарҳи қасидаи бурда», «Девони ғазал» ва саноқсиз қасидалари бор. Санайи 858 ҳижрий (милодий 1454) йилда унинг ҳаёти мунир тўлин оиди камолот сипеҳри авжида эди.

Ўлим булутини уни мунҳасиф этди. Унинг мунаввар марқади дарулибод Язддадыр. Мазкур санада, 858 (милодий 1454) йилда Мирзо Бобур ибн Бойсунғар Мирзо ибн Шоҳруҳ Баҳодир ва Султон Абусаъид ибн Мирзо Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳ ўртасида фидавсмонанд Самарқанд вилоятида қутбул-ақтоб ҳазрати Хожа Аҳрор, қаддаса сирраҳу ризочилиғи билан сулҳ битими тузилди.

## МИРЗО БОЙСУНҒУРНИНГ НИГОРХОНАСИ ВА НАФИС САНЪАТ АКАДЕМИЯСИ

Амир Темурнинг вориси Шоҳруҳ замони (1409—1447)да Ҳирот шаҳри темурийлар даврининг сиёсий марказига айланди, янги бинолар қурилди. Шаҳар умумий тузилиши қайтадан лойиҳаланиб кўрамлаштирилди. Бу даврда шаҳарда ўнтадан ортиқ мадраса бўлган. Чиройли чорбоғ ва саройлар қурилиб, уларнинг деворлари ажиб нақшлар, китоба (деворга Қуръондан парча ёки байтларни турли ёзувда нақшдор қилиб ёзиш) ва суратлар билан безатилган.

«Навоий, Ҳомий ва Беҳзод давридаги Ҳиротни, XV асрнинг иккинчи ярми Ҳирот маданий юксалиши ва гуллаб-гилнаши сарчашмаларини Шоҳруҳ Мирзо Ҳиротидан қидириш керак».—деб ёзган эди шарқшунос М. М. Дьяконов. Шунга айтиш керакки, Шоҳруҳ Мирзо (1409—1447) ўта диндор киши эди. У ўз фарзандларидан ислом дини қонун-қоидаларига тўла бўйсуннишни талаб қилар эди. Шунга қарамай, у илм-фан ва маданият тараққиётига ҳам бош қўшди. Маъмурий ва маиший биноларнинг кўплаб қурилиши, меъморчилик, санъат ва адабиётнинг ҳам тараққиётида бурилиш ясади. Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Султон Иброҳим ҳам моҳир ҳунармандларга жаҳон тасвирий санъат намунаси ҳисобланган китоблар туздирди.

Ҳирот тасвирий санъат мактаби номи билан шухрат қозонган улкан нафосат ижодхонаси Шоҳруҳ Мирзо замонида ташкил топди. Бу ишда унинг ўғли ва вазир Мирзо Бойсунғурнинг хизмати каттадир. Унинг отаси Шоҳруҳ ва онаси Гавҳаршодбегимлар ҳам ўз замонининг маорифпарвар кишилари эдилар. У Шоҳруҳнинг учинчи ўғли эди. Уша давр тарихнависларининг ёзишича, Бойсунғур (799 й ҳ. 21 зулҳижжа — 1397 й. 16 октябрда) дунёга келиб, ўқиш ва ёзишни жуда барвақт ўрганди. Абдураззоқ Самарқандий унинг 37 йилу 4 ой умр кўргани ва 838 ҳижрий йил жумодил-аввал ойининг 8 кунин (10 декабр 1434 й.) вафот этганини ёзади.

Бойсунғур 17 ёшга тўлганда Шоҳруҳ Мирзо унга Тус, Машҳад, Абивард, Шумулқон, Ҳабушон, Инсо, Мозандарон, Астробод, Журжон вилоятларининг ҳокимлигини топширади. 1416 йили у отасининг вазирлиги мансабига кўтарилади. Ёш бўлишига қарамай, у давлат ишларини моҳирлик билан олиб боради. Отаси сафарга кетганда, унинг ўрнига ноиблик ҳам

қилар эди. Биродари Улуғбек сингари Бойсунғур ҳам илми ва фазилатлари билан танилади.

Замондошлари Бойсунғур Мирзони ақлу заковатли ҳунарпарвар киши сифатида таъриф этадилар. Алишер Навоий у ҳақда «Бойсунғур Мирзо хуштабъ ва сахий ва айём ва ҳунарпарвар подшоҳ эрди. Хаттот ва наққош ва созанда ва гўяндадин мунча беазир кишиким, анинг тарбиятидан орога кирди, маълум эмаским, ҳеч подшоҳ замонида пайдо бўлмиш бўлгай, улча имкони бор. Оламни хушлуқ била ўтказди»,—деб ёзади.

Бойсунғур Мирзо Ҳиротда улкан кутубхона таъсис этди. Унда қирқ нафар етук ҳунарвар; хушнавис хаттот, Мавлоно Жаъфар Табризий раислигида китобат билан машғул бўлиб, китобатга лозим бўлган варроқлик, саҳҳофлик, тасвир, тазҳиб, тажрид, вассоллик, зарафшонлик ва бошқа нафосат бандий санъат ижоди билан банд эдилар.

Уша давр тарихнависларининг эътирофига кўра, шу 40 нафар ҳунарвар ўз ҳамдаст ва ҳампешалари билан ҳар бири замон ажибаси, даврон нодираси бўлган.

Мирзо Бойсунғур ташкил этган китобхона ва нигорхонасида қуйидаги наққош ва хаттот, мусаввирлар ишлар эди:

Мавлоно Шамс Бойсунғурий—хаттотликда Бойсунғур Мирзонинг устози, олти нав ёзувни мукамал билган етук хаттот. Машҳад шаҳрида қурилган иморатларнинг кўпчилиги китобатларини у ёзган. Бойсунғур Мирзо буйруғи билан у шоир Мавлоно Шамсиддиннинг девонини кўчиради. Девон ниҳоятда гўзал ёзув билан кўчирилиб, тасвир этиладики, Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, бу хаттот Шамс Бойсунғурий, шоир Мавлоно Шамс ва унинг мазкур девони шаънига қасдалар ёзилган. Мавлоно Шамснинг қачон ва неча ёшда вафот этгани маълум эмас.

## АМИР ХАЛИЛ ҲАРАВИЙ

Халил Ҳаравий Бойсунғур Мирзо тарбиясини олганлардан. Унинг қўли билан чекилган Амир Темур суврати бизгача етиб келган; саҳрода шоҳ чодир, уднавоз соз чалмоқда. Ислимий нақшли ҳошияда «Халил Мирзо Шоҳруҳий» сўзлари битилган. Бойсунғур Мирзо устод Саййид Аҳмад наққош, Хожа Али Мусаввир, устод Қавомиддин мужаллидларга Султон Аҳмаднинг гоятда гўзал тузилган қитъа ва сувратлардан иборат безакли тазкира—жўнган нусха кўчиришини топшира-

ди. Жўнгнинг ёзувларини Жаъфар Табризий, жилдини Қавомуддин мужаллид, уни нақш ва тасвирлар билан безашни Амир Халил амалга ошириши лозим эди. Жўнг тугашига оз фурсат қолганда Бойсунғур Мирзо вафот этади. Унинг катта ўгли Аловуддавла Мирзо отасининг бошлаган ишини ниҳоясига етказиш мақсадида мазкур жамоани ўз кутубхонасига чорлайди. Табриздан Хожа Ғиёсиддин Пираҳмад зарқўбни келтириш учун элчи жўнатади. Хожа Ғиёсиддин келиб жўнгни безайди. Амир Халил эса иккиланиб қолади: «Инсоф кўзи билан бу жаннат бўстонларига баҳо берди. Инсоф кишисидек ҳакам бўлди ва тасвирлаш ҳимматини тарк этмоқ истади».

Шу аснода Улуғбек Мирзо Хуросонни забт этади. Мавлоно Шаҳобуддин Абдулла (Абдулла Таббоҳ Ҳаравий), Мавлоно Заҳириддин Азҳар ва китобхонанинг бошқа аҳлини ўзи билан Самарқандга олиб келади. Уларга илтифотлар кўрсатиб, ўзига суҳбатдош этади. «Уларга ўзининг фазилатинишон замони тарихини китобат этишни топширди. Кундан-кун, соатма-соат уларга ўз лутфу эҳсонини ошира борди. Шафқат ва иноятини шу даражада кўпайтирдикки, ул подшоҳнинг ҳунарварлик расм русуми ва фазилатпарварлиги йўсинини шарҳлашга шикаста рақам қалам тили ожиздир», дея ёзди Дўстмуҳаммад.

### ШОҲ ҚОСИМ АНВОР (1355—1433)

Муинуддин Али Шоҳ Қосим Анвор Табризнинг Сароб мавзедан. Уч яшарлик чоғларида ул зотнинг дил гунчалари илоҳий иноятдан гул очиб илми ладунний (худо ато этган ва дилга солган илоҳий илм) ҳосил қилган эди. Бу ҳақда Шоҳ Қосим Анворнинг ўзлари ҳам ишорат қилганлар:

Маро илми азал дар сийна доданд,  
Ажаб илми, вале дарсе надоданд.  
Маро сесола ҳоле гашт маълум,  
Ки шайхе чилларо дилраси надоданд.  
(Менинг сийнамга илми азални солганлар,  
Ажаб илми дарсини бермаганлар,  
Уч ёшда эдим, шундай ҳол юз берди,  
Чилла ўлтирган шайхга ҳам кўрсатмадилар).

Шоҳ Қосим Анвор Шоҳруҳ Мирзо саройи сўфий олимларининг пешвоси бўлиб, форс ва туркий тилда ижод қилган. Ижоди билан исломнинг халқ онгини заҳарлашдан иборат ақидаларга қарши курашган. Жабр-зулм, ҳақсизлик ва адолатсизликка қарши кураш руҳида дoston («Билимлар дўсти») ва ғазаллар битган. Оддий халқ орасида муридлари кўп бўлган. 1426 йилда Шоҳруҳ Мирзога қарши фитнага қатнашганликда айбланиб тўхмат билан Самарқандга бадарға қилинади. Бизгача унинг бир девони «Анисул-ошиқин» маснавийси етиб келган.

Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафонс» тазкирасини шу зоти шариф зикри билан бошлайди: «Аввалги мажлис жамоати маҳодим ва азизлар зикридаким, бу фақир аларнинг шариф замонининг охирида эрдим ва мулозаматлари шарафига мушарраф бўлмадим. Ул жумладин солиқин атвор ва қошифи асрор яъни ҳазрати, Амир Қосим Анвор, қаддаса сирраҳудур. Ҳар неча аларнинг рутбаси шоирлик поясидин юқориқроқдур ва валоят аҳли зумрасида васфдин тошқариқроқ, аммо чун ҳақойиқ ва маориф адосида назм либоси дилпазирроқ учун илтифот қилур экандурлар, таяммун жиҳатидан бу мухтасарни аларнинг шариф исмлари билан ибтидо қилинди... Чигатой мирзодалари, балки улус эводалари мурид бўлиб, ҳужум қила бошладилар\*». Равишлари пок эрди ва нафаслари оташнок. Эл бағоят алар назмларига мейил ва шеърларин ўқумоқ ва битимакка роғиб бўлдилар.

Матлаъ:

Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,

Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок?

(Риндмиз, ошиқмиз, жаҳонни ёқувчи ёқавайронлармиз,

Сеннинг ғаминг давлати турганда дунё фикридан не  
ғамимиз бор).

Бу фақир аввал назмеким, ўрганибмен бу сўнгги матлаъдур. Ҳамона уч ёш билан тўрт ёшнинг орасида эрдим, азизлар ўқумоқ таълифи қилиб, баъзи ҳайрат изҳор қилурлар эрди...

Ул ҳазратнинг муборак марқади Жом вилоятда Харжурд қасабасидадур. Ва фақир ҳам ул остона жорубкашларидинмен».

Мавлоно Жаъфар Табризий - Бойсунғур Мирзо китобхонасининг раиси. У настаълиқ хатининг ихтирочиси Мир Алининг шоғирди эди. Хаттот Хилватийдан хушнависликни ўрганади. Настаълиқ хатида ўз даври ягонаси ҳисобланган. Машҳур хаттотлардан, Мавлоно Азҳар, Мавлоно Шаҳобиддин, Абдулла Мар-

\* Яъни изларидан қолмас эдилар.



варид ва Мавлоно Шайх Маҳмудлар Жаъфар Табризийнинг шогирдлари бўлганлар.

**Шоҳий Сабзаворийнинг** асли исми Оқмалик—йирик олим, котиб, мусаввир ва шоир. Мусаввирлик соҳасидаги маҳорати ҳақида бир замондош шоир шундай ёзади:

**Гар ба Чин нусхайи тасвир зи пешу ту баранд,**

**То чиҳо рўйи диҳад дар фанни худ Монийро,**

**(Сенинг чизган тасвирларингдан бир нусхасини**

**Хитойга элтсалар,**

**Моний ўз фанида нимаси учун юз кўрсатади).**

Амир Оқмалик ибн Жамолиддин Ферўзқўҳий Шоҳий Сабзаворий 1385 йилда туғилиб 1454 йилда вафот этган. У мусиқа илмини ҳам эгаллаган. Уд асбобида ўзи яратган куйларни моҳирона ижро этган. Бойсунғур Мирзо мажлисларида у ўз латиф ахлоқи, ҳусни ва билимдонлиги билан ажралиб турган. Бойсунғур Мирзонинг кичик ўгли Абулқосим Бобур Астрободда ҳокимлиги чоғида ўзи қурдираётган Гулафшон кўшкени тасвирлар билан безаш учун Амир Шоҳийни таклиф этади. Шў муносабат билан Амир Шоҳий Абулқосим Бобур хизматида қолади. Бу ҳақда Амир Шоҳий шундай ёзган эди:

**Ту шаҳриёри жаҳон, мо ғариби шаҳри туйим,**

**Ватан гузашта, бе хонумон, зи баҳри туйим,**

**(Сен жаҳон шаҳриёри (шоҳи), биз шаҳринг ғарибимиз,**

**Ўз ватанини ташлаб, хонумонсиз бўлганимиз—**

**сен туфайлидир).**

Тазкиранавислар Амир Шоҳийнинг етти ёзувни мукаммал билгани ҳақида ёзадилар. Унинг бир шеърини девони маълум.

Қавомиддин Шерозий (вафоти 1444)—Шоҳруҳ Мирзо замонининг машҳур муҳандиси, меъмори ва тарроҳи. Ҳиротдаги Гавҳаршод мусаллоси ва мадрасаси. Гозургоҳдаги Абдулла Ансорий мақбараси, Ҳиротнинг юз чақирим ғарбида жойлашган Гавҳаршод мақбарасининг бунёдкоридир. У Шоҳруҳ замонида қурилган барча иншоотлар сарқори бўлган. Алишер Навоийнинг ҳикоя қилишича Шоҳруҳ Мирзо унга бир иморат ҳусусида эътироз қилиб, бир йилга уни хизматдан четлатади. Подшо марҳаматига яна эришиш мақсадида уста Қавомиддин ўша кунлариёқ бир тақвими истихроҷ (календарь) тузиб келтиради. Воситачи орқали Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига кириб, тақвими унга кўрсатади. Таажжубда қолган Шоҳруҳ Мирзо ушбу байтни ўқийди:

Ту кори заминро нику сохти,  
Ки бо осмон низ пардохин.  
(Сен ер биноларини жойига қўйиб қурдинг,  
Яна уларни осмон илми билан безадинг).

Мавлоно Муҳаммад Паҳлавон ибн Абдулло Котибий — Бойсунғур Мирзо даргоҳида ўсиб, тарбия топган ўз даврининг етук хаттоти, мусаввири ва шоири. Бойсунғур Мирзо уни ёшлигида Нишопурдан келтирган ва Боғи Сафед чорбоғидан жой берган.

Зайниддин Воспфий Котибийнинг Ҳиротга келишини қуйдагича ҳикоя қилади: Бир куни Котибий Боғи Сафедга кириб келса, Бойсунғур Мирзо ўз ҳужрасида дўстлари ва ҳамсуҳбатлари билан ўлтирар эди. Бойсунғур Мирзо баланд қомат, бақувват жуссали, аммо йиртиқ дастор ва эски кийимда кириб келаётган кимсани кўриб сўради:

— Кимсан?

— Шоирпеша одамман. Нишопурдин келаётирман.

— Шоир бўлсанг дасторинг ва қоматингга яраша байт ўқиғил.

Қадди баланд дорам, дастори пора-пора,

Чун ошиёни лаклак бар қуллайи манора.

(Қаддим баланд, лекин дасторим пора-пора,

Теласида лайлак уя қурган минораман).

Бобо Савдойи бу байтни эшитиб паришонҳол бўлиб қолди. Чунки у Бойсунғур Мирзонинг махсус надими, замонасининг маликушшуароси эди. Бойсунғур Мирзо Котибийдан яна шеър эшитиш ниятида Шайх Сўзаний девонини очиб ундан қуйидаги матлаъни ўқиди:

Токай зи гардиши фалаке обгинаранг,

Бар обгинаҳойе тоат занем санг.

(Ложувард фалак гардиши дастидан,

Тоат шишаларини токайгача синдирамиз).

Бойсунғур Мирзо эртага шу байтга қасида ёзиб келишлар деб шоирларга буюради. Бобо Савдойи ташвишда қолади, аммо дўстлари унга таскин берадилар: «Ғам ема, биз бугун Котибийнинг ҳужрасига бориб, уни тун билан машғул этамиз. Қасида ёзишга улгура олмайди». Мавлоно Котибий Шайх Сўзаний байтини эшитиши биланоқ, унга тўрт байт жавоб ёзди. Лекин Бобо Савдойининг дўстлари Котибий билан тун бўйи суҳбат қуриб, қасидани давом эттиришга имкон бермадилар. Тонг отгач, Мавлоно Котибий ўша тўрт байт шеърини кўтариб,

Бойсунгур Мирзо ҳузурига Боғи Сафедга равона бўлади. Шоирлар ўз қасидаларини ўқиб бўладилар. Навбат Котибийга келганда у ўша тўрт байт шеърига қараб даврада катта бир қасидани ёддан, бадиҳа тарзида айтади. Бобо Савдойи Котибийнинг ҳозиржавоб шоирлигига қойил қолиб дейди:

Мешунидам, ки марди майдони,  
Чун бидидам ҳазор чандони.  
(Сени марди-майдон деб эшитар эдим,  
Қарасам минг чандон ортиқ экансан).

Унинг «Мажмаъул-баҳрайн» «Ҳусну ишқ», «Муҳиб ва маҳбуб», «Гаҳром ва Гуландом» сингари дostonлари бўлган. Устози Бойсунгур Мирзога бағишланган қасидалари ҳам мавжуд. У умрининг сўнгги йилларини Астрободда кечириб, 1435 йили ўша ерда вабодан вафот этади.

## МАВЛОНО ЗАҲИРИДДИН АЗҲАР ТАБРИЗИИ

Жаъфар Табризийнинг шогирди. Хаттотлик соҳасида у устозлар устози лақабини олган. Вояга етгунча Ҳиротда яшаган. Сўнг Султон Абусаиднинг мулозими бўлган. Кўп шаҳарларга саёҳат қилган. Кейин Бойсунгур Мирзо китобхонасида ишлаган. Машҳур хаттот Султонали Машҳадий унинг шогирдидир. 1475 йили Қуддус шаҳрида вафот этади. Азҳар Табризий кўли билан кўчирилган кўлёмаларнинг баъзилари бизгача етиб келган.

## БОИСУНГУР МИРЗО

Турли фан арбобларига ҳомийлик қилган Бойсунгур ўз замонасининг етук хаттоти эди. У Боғи Сафед чорбоғида жойлашган ҳамда мармар ва қимматбаҳо тошлардан чиройли қилиб безатилган қасрида доимо шоир, тарихнавис, мусаввир ва файласуфларни тўплаб мажлис ва суҳбатлар ўтказарди.

Бойсунгур Мирзо китобхонасини йирик нафис санъат академияси деса ҳам бўлади. Чунки бу ерда фақат китоб кўчириш билан шугулланибгина қолмай, нодир кўлёмаларнинг илмий-танқидий матнини тиклаб, тасвирли мураққаъ (альбом)лар ҳам тузганлар.

Бойсунгур Мирзо наққош Устод Саййид Аҳмад, Хожа Али мусаввир ва жилдсоз Қавомиддин Табризийга Аҳмад Бағдодий мураққасини кўчиришни буюради. У Амир Темір томонидан Самарқандга келтирилган Абдулҳай мусаввирнинг шогирди

эди. Аҳмад Бағдодий томонидан тузилган суратлар мураққаси ўша пайтда ягона нусха бўлиб, баъзи суратлар давр зайли билан ўз латофатини йўқота бошлаган эди. Бойсунғур Мирзо учун кўчиртириладиган мазкур мураққага машҳур хаттот Мавлоно Фаридуддин Жаъфар қасида ёзади ва ёзувларини кўчиради. Жилд яшашни Устоз Қавомиддинга, безаш иши Амир Халилга топширилади. Аммо мураққа кўчирилиб тамом бўлмасдан Бойсунғур Мирзо дунёдан ўтади. Мураққани кўчиртиришни унинг ўғли Аловуддавла Мирзо давом эттиради.

Бойсунғур Мирзо китобхонасида нодир қўлёзмалар тўпланиб, кўчирилиб китоб ҳолига келтирилар эди. Бойсунғур бошлиқ ҳуҷар эгалари Фирдавсий «Шоҳнома»сининг турли қўлёзма нусхаларини тўплаб биринчи бор тўлиқ ва мукаммал нусхада кўчирдилар. Мазкур қўлёзма Жаъфар Табризий томонидан 1425-1430 йиллари кўчирилиб, мусаввирлар уни йигирмата сурат билан тасвир этадилар. Бойсунғур Мирзо «Шоҳнома»нинг бу нусхасига муқаддима ёзади ва адабиёт тарихида «Бойсунғур муқаддимаси» номи билан машҳурдир. Ўша даврда кўчирилган «Калила ва Димна»нинг нодир нусхаси (унда 35 сурат бор. 1460 йилда кўчирилган) ва «Шоҳнома» айни замонда Техрондаги Гулистон саройи музейида сақланмоқда.

Бу қўлёзмалардаги суратлар муаллифи кўрсатилган бўлмаса ҳам, Шоҳруҳ Мирзо замонн тасвирий санъат обидаси сифатида гувоҳлик бериши мумкин.

Бойсунғур Мирзо фан ва санъат аҳлини доимо қўллаб-қувватлаб келар эди. Замондошларининг ҳикоя қилишига кўра, Мавлоно Маъруф хаттот Шоҳруҳни ярадор қилишда қатнашган ҳисобланиб, ўлимга ҳукм этилган эди. Аммо Бойсунғур уни кафилликка олиб, ўлимдан қутқаради.

Бойсунғур Мирзо нозик табиатли, мусиқани севувчи бўлгани ҳам маълум. Қўйидаги ҳодиса Алишер Навоийнинг Бойсунғур Мирзо тўғрисидаги фикрларини тасдиқлайди: «Етти иқлимда беназир» ҳисобланган Хожа Юсуф Андижоний Бойсунғур саройида ҳушовоз ашулачи ва мусиқашунос бастакор сифатида шўрат қозонган эди. Бойсунғурнинг Шерозда ҳукмронлик қилиб турган иниси Султон Иброҳим Мирзо бир неча бор одам юбориб катта олтин нақдиналар ваъда қилади ва Хожа Юсуфни унинг қошига юборилишини илтимос қилади. Бойсунғур Мирзо эса Султон Иброҳимга қўйидаги байт билан жавоб қайтаради:

**Мо Юсуфи худ намефурушим,  
Ту сими сияхи худ нигаҳдор.  
(Қора чақаларинг ўзингга бўлсин,  
Биз ўз Юсуфимизни сотмаймиз).**

Хатотлик тўғрисидаги рисоаларда Бойсунғур Мирзо олтинчи ёзувни мукамал билгани, айниқса сулс ёзувига моҳирлиги таъкидланади. Машҳаддаги унинг онаси шарафига қурилган Гавҳаршодбегим масжидидаги китобалар Бойсунғур Мирзо томонидан бажарилгандир. Ўшанда у 20 ёшда эди. Ишлаган нақшлари ва китобалари поёнида у қуйидаги сўзларни битади:

**«Бойсунғур ибн Шоҳруҳ ибн Амир Темур Кўрагон, санайи 828/1425 йил».**

Бойсунғур китобхонасида яратилган ўша давр тасвирий санъати дурдоналари бўлмиш тасвирли китоблар сўнгги пайтларгача топилмасдан келарди. Ғарбий Европа ва Шарқ санъатшунос олимларининг тадқиқотлари натижасида мазкур қўлёзмалардан баъзиларининг сақланаётган жойлари аниқланди (Шоҳруҳ китобхонаси), гарчи турли мамлакатларга тарқалиб кетган бўлса ҳам, умидсизликка тушмаслик керак. Бу китобхона китобларининг баъзи жилдлари топилажагига шубҳа йўқ», —деб ёзган эдилар Ғарбий Европа санъатшунос олимлари Биньйон, Вилькинсон ва Базил Грейлар 1933 йилда.

Мазкур олимлар, санъат ихлосмандларининг умидлари зое кетмади. Туркия, Эрон ва Афғон олимларининг тадқиқотлари натижасида Бойсунғур китобхонасида яратилган китобларнинг аксари Истанбул ва Теҳрон музейларида сақланаётгани аниқланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича «Курьер» журналининг 1957 йил январ сониди Теҳрондаги Гулистон саройи музейида сақланаётган шундай нодир китоблардаги тасвирлардан баъзиларини тўлон қилинди.

Эронда Бойсунғур нафис санъат ижодхонасида яратилган нодир «Жўнг» (хушхатда кўчирилган шеър ва сувратлардан иборат баёз мураққа) сақланаётгани аниқланди. Жўнг Мавлоно Азҳар Табризий томонидан безатилган экан. Бойсунғур Мирзо вафотидан сўнг унинг шогирдлари жўнгни Шоҳруҳ Мирзога тақдим этадилар.

Замондошларининг ҳикоя қилишича, Бойсунғур Мирзо отаси учун ҳуснихат билан сулс ёзувида бўйи икки ярим метр келадиган бир Қуръон битади. Шоҳруҳ унинг туҳфасига Хуросон ўлкасининг бир йиллик хирожини бахш этади. Машҳур инглиз олими Эдуард Броун Бойсунғур Мирзони жаҳоннинг энг китобдўст кишиси ҳисоблаб, уни нафис китобнавислик мактаби асосчиси сифатида таърифлайди.

Тарихчи Хондамир Мирзо Бойсунғур тарбияти ва риояти билан хушнавис, мусаввир, наққош ва жилдсозлар етиштиди улар

натта иззат ва ҳурматда ўз ишлари билан машғул эдилар, деб ёзади.

Абдураззоқ Самарқандий Бойсунгур Мирзо ташкил этган китобхона борасида қуйидагиларни ёзади:

«Мавлоно Шамсиддин Ҳаравий ўз шоғирди бағдодлик машҳур хаттот Мавлоно Маъруфий ўз тарбияси ҳусни билан шу мартабага етказдики, кўп ёзувларни билиши билан котиблар қибласи Ёқут Мустаъсимий номини олди, жаҳон олимлари унинг ёзувини Ёқутники ўрнида қабул қилдилар, шунингдек Мавлоно Жаъфар Табризий ёзув навъларида, хусусан настаълиқда Хожа Мир Али Соний эди. Бугунги кунда Мавлоно Жаъфарнинг шоғирдлари Мавлоно Заҳриддин Азҳар, Мавлоно Шаҳобиддин Абдулла ва Мавлоно Жамолиддин Шайх Маҳмудлар аср беназирларидирлар. Такаллуфсиз, бу жамоат амал ва олти хил ёзувда замон ибн Муқласи ва Ёқутидирлар.

Бошқа фанларда, айниқса қалам тортиш ва қаламнигорлик фанининг бир қисми бўлган тасвир ва тазҳиб сингари мушкул ҳунарларда қусурликдан аъло даражадан ҳам гоятда ўтказиб юборди.

Ба суратгари чун бароранд даст,  
Шавад ақл мадҳушу фарзона маст,  
Намоянд сад сеҳр жоду шикор,  
Зи як нуки мў ҳамчу мужғони ёр.  
Дар оҳанги тазҳиб ва жадвал кунанд,  
Ва гар шамае лавҳу бар корашон.  
Ва гардун борад бахти бедорашон.  
Мулкашон диҳад тухфа аз рўйи меҳр,  
Зари анжуму ложуварди сипеҳр.  
(Суратгарлик ишига қўл урганларида  
Оқиллар беҳуш, фозиллар маст бўладилар  
Ёр мужгонидек мўйқаламларининг ҳар нуки  
Жоду овлайдиган юз сеҳрни намоён этарди,  
Тазҳиб ва жадвал тортиб, ҳал берганларида  
Қуёш сингари ҳунар кўрғазар эдилар.  
Ишларидан бир лавҳаси агар юз кўргузса,  
Гардунга бедорлик бахт ёғарди,  
Мулклари, яъни яратган асарлари қуёш юзидан,  
Юлдузлар зарини-ю коинот ложувардини тухфа  
берарди).

«Дарҳақиқат, Ҳирот мактабида ғинонӣ (лирик) наққошлик шундай жило топдики, ҳунармандлар ўз ҳунарларини шу мактабда камолга етказдилар. Ҳирот мактабининг асосини Шоҳ-

руҳ ва Бойсунғур Мирзо қўйганлар», — деб ёзади Эрон олими Рукниддин Ҳумоюн Фарруҳ.

Мамлакатда иқтисодий юксалиш, маданий тараққиёт шу даражага бориб етдики, қўшни мамлакатлар Шоҳруҳ давлати билан дўстона сиёсий ва савдо алоқалар ўрнатилган манфаатдор эканликларини изҳор этадилар. Масалан: 1412 йил апрел ойи охирида Ҳиротга Хитой подшоҳидан элчилар келиб, икки мамлакат ерларида савдогарлар ўз ихтиёрлари билан юришларига шароит туғдиришни таклиф қилади. Шоҳруҳ ҳам Хитой подшоҳига жавоб хаги ёзиб: «Савдогарлар хавф-хатарсиз бориб келишлари учун бундан сўнг бутун йўллар очиқ бўлади ва бу маъни мамлакат ободонлигининг сабаби бўлсин», — дейди.

Маълумки, 1419 йили Шоҳруҳ Мирзо саройига Хитой подшоҳидан яна элчилар келади. Элчилар Шероз ҳокими Иброҳим Султон (1414-1435), Хоразм ҳокими Амир Шоҳмалик ва Самарқандда Мирзо Улуғбек ҳузурда ҳам бўладилар. Хитой элчилари ўз Ватанига қайтар экан, улар билан бирга Амир Шоди Хожа бошчилигида Шоҳруҳ Мирзо номидан элчилар ҳайъати ҳамроҳ қилиб юборилади. Темурийлардан ҳар бири ўз номидан элчиларга ўз одамини қўшади. Масалан Мирзо Иброҳим Султон—Амир Ҳасан билан Паҳлавон Жамолни, Мирзо Суюрготмиш Адоқ ҳокими—Арқадоқни, Амир Шоҳмалик—Ордувонни, Бадахшон шоҳлари ўзларидан Хожа Тожиддинни Мирзо Шоҳруҳ элчиларига ҳамроҳлик қилиш учун ажратадилар ва Хитойга жўнатадилар. Мирзо Бойсунғур ҳам Шоди Хожа бошчилигидаги элчиларга Султон Аҳмад ва Гиёсиддин наққошлардан иборат ўз элчисини ҳамроҳ қилади. Мирзо Бойсунғур ўз элчиларига «ҳар бир шаҳар ва вилоятда йўлларнинг қандайлиги, вилоятларнинг сифати, шаҳарларнинг қондалари, подшоҳларнинг улуглиги, уларни идора қилиш усуллари ва сиёсатлари, қурилишларнинг ажойиботларига...» онд нимани кўрса, рўзнома тариқасида ёзиб боришни буюради.

Хитой элчилари билан кетаётган саёҳатчилар Самарқанд орқали ўтадилар. Мирзо Улуғбек бу жамоат шарафига катта тўй бошлайди ва бир ой уларни иззат ва ҳурматда меҳмон қилади, ўзидан Султон Шоҳ билан Муҳаммад Бахшини элчиларга ҳамроҳ этиб Хитойга қузатади.

Элчилар 1422 йил 30 августда Хитойдан қайтиб келадилар. Гиёсиддин наққош Мирзо Бойсунғурга ёзиб келган сафарномасини тақдим қилади. Мазкур сафарнома мазмун тарихчилар Ҳофизи Абрў ва Абдураззоқ Самарқандий асарларида келтирилган.

Кейинроқ Гиёсиддин наққошнинг шу хотиралари турк тилида Истанбулда «Ажойибул-латойиф» номи билан чоп этилган. Яна шуни таъкидлаш керакки, Гиёсиддин наққош ёзиб келган сафарномасида Хитойда тасвирий санъат тараққиёти ёки унинг Бойсунғур ташкил этган нафис тасвирий санъат академиясидан устунлиги ҳақида гапирилмаган. Ўз ҳунарига доир наққошлик буюмлари ёки тасвирлар борасидаги танқидий фикрларнинг деярли йўқлиги бизни айтиши даврида Хитойда тасвирий санъат Ўрта Осиёдагидан устун бўлмаган деган хулосага олиб келади.

Бойсунғур Мирзо ижодий камолоти етишган чоғда, жуда барвақт, 37 йилу 4 ой умр кўриб, ҳижрий 837 йил жумодил-аввал ойининг 8 куни (22 декабрь, 1433 йил) касалликдан вафот этди. Бутун Хуросон шаҳзодага чуқур қайғу билан мотам тутди. Уни онаси Гавҳаршод қурдирган мадраса саҳнига дафн этиш мўлжалланган эди. Ўша куни бутун Ҳирот аҳолиси қора либос кийиб кўчага чиқди. Унинг жасади қўйилган тобут мадрасага келтирилганда, жанозасига йиғилган халқ тўлқини Боғи Сафеддан Гавҳаршод мадрасасигача чўзилган эди. («Қора кийган халқ оҳу фиғони дудидан бутун йўллар ҳижрон қоронғулигига айланди»), —деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий. Шоҳруҳ Мирзо ўғли учун 40 кун аза тутди. Ҳар куни икки моҳир шоир шаҳзода шаънига марсия ўқиган. Шулардан Воҳидий тахаллусли шоир Мавлоно Сайфиддин наққош марсияси қуйидаги сўзлар билан бошланган:

**Шаҳзода Бойсунғурни олижанобку?**

**Жамшид-рочи омаду Афросиёбку?**

**{Олижаноб шаҳзода Бойсунғур қани?!**

**Жамшид дунёга нима учун келган эди-ю,  
Афросиёб қани?!}**

Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Иброҳим Мирзо ҳам шеъринида, ёзув ва наққошликда даврининг машҳури эди. У 1409-1414 йилларда Балх, Таҳористон вилоятининг, 1414-1423 йилларда эса Луристон, Шероз ўлкасининг ҳокими бўлган. Машҳур олим Шарафуддин Али Яздий унинг устози ва тарбиячиси эди. Шарафиддин Али Яздийнинг Амир Темур тарихини тўла равишда ўз ичига олган «Зафарнома» тарихий асари Иброҳим Султон учун ёзилган эди. Иброҳим Мирзо Ёқут Мустаъсимийнинг хаттотлик тўғрисидаги таълимотини эгаллаб, олти хил ёзувни мукамал ўрганган. Тарихнависларнинг ҳикоя қилиш ларича, Шероздаги кўпгина иморатлар китобаси Иброҳим Султонга тааллуқли бўлган. Унинг Шероздаги Дорус-сафо,



Дорул-айтом сингари мадрасаларни нақшлар ва китобалар билан беагани маълум. Шерозда Иброҳим Султон анчагина подир китобларни ўз қўли билан кўчирган. Уларга хилма-хил безаклар, тасвирлар солган ва XV аср хаттотлиги, тасвирий санъатини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган. Аммо кейинроқ Шерозда ҳокимлик қилган Ёқуб Зулқадар (1503-1590) мазкур мадрасаларни вайрон ва нафис тасвирий санъат ёдгорликларини нобуд қилади. Қози Аҳмаднинг ёзишига қараганда, Иброҳим Султон Шероздаги Шайх Саъдий мақбарасига унинг бир ғазалини 1431 йили мрамарга ўйиб ёзган. Бундан ташқари, унинг бир нусха Қуръон кўчиргани маълум. Иброҳим Султон Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишига қараганда, 1430 йили, бошқа манбаларга кўра 1434 йили вафот этган. Демак, Бойсунғур Мирзо ташкил этган нафис китоб тузиш мактаби сингари тасвирий санъат корхоналари барча теуурий шахзодалар саройида мавжуд бўлган, деган хулосага келиш мумкин. Бироқ Самарқандда Бойсунғурнинг иниси Улуғбек саройида нафис тасвирий санъатдан кўра кўпроқ фанга эътибор берилиб, аниқ фанлар: фалсафа, риёзиёт фанлари соҳибларига ҳомийлик устун турар эди. Бу билан биз Самарқандда тасвирий санъат тараққиётини инкор этолмаймиз. У ердаги тасвирий санъат равнақидан далолат берувчи тарихий факт ва ҳужжатлар мавжуд. 1447 йили Шоҳруҳ Мирзо вафотидан сўнг Улуғбек Ҳиротдан мусаввирлардан Мавлоно Шаҳобиддин Абдуллани ва Мавлоно Заҳриддин Азҳарни Самарқандга олиб келгани маълум. Мазкур мусаввирлар Улуғбек ҳокимиятига доир тарихий асарни тасвир этишга киришадилар.

Тарихнавис олим Мирза Ҳайдарнинг ёзишича, Абусаид замони (1451-1456) да Самарқандда мусаввир устод Мансур яшагани маълум. Мўйқаламининг нозиклиги ва мустаҳкамлиги жиҳатидан у билан фақат ўғли Шоҳ Музаффаргина рақобат қила олар эди. Бу иккала мусаввирларнинг Ҳиротда баракали ижод этгани маълум. Бундан англашиладики, Абусаид 1458 йили Ҳиротни олгач, Мансур билан Шоҳ Музаффар ҳам шу ерга келтирилган. Сабаби, XV асрнинг II ярмида Мовароуннаҳрда нотинчлик кучаяди. Натижада, ҳунар аҳли бошқа юртларга бош олиб кетишга мажбур бўладилар. Тарихдан уларнинг Ҳирот, Шероз, Табриз ва бошқа томонларга ўтиб кетганлари маълум. Бу жиҳатдан Мирза Ҳайдарнинг Туркияда Султон Боязид (1481-1512) замонида тасвирий санъат равнақи мовароуннаҳрлик мусаввир Бобо наққош номи билан боғлиқ эканлигини ёзиб қолдириши катта аҳамиятга эга. Санайи 828 ҳижрий (милодий 1425) йилда Улуғбек Мирзо Самарқандда

мадраса иморатини бино қилди, ки ақл муҳандиси вақт асоҳ ақл қиёси билан унинг юксаклиги кайфиятига ета олмади; Фикрат муҳосибни илми масоҳат қондаси юзасидан унинг сатҳлар ва жасомат чопқир отининг огоҳи бўлмасди. Ҳайҳот, унинг шукуҳ тоғи фалаклар биноси устухонбандидан сукун (осойиш) олганди! Азаматнишон баланд пештоқи вазминликда Ер куррасини титратарди.

#### Лимуаллифа:

**Че арш пояйи мақомини дар тамошоян,  
Ба нимаин роҳ бимонд назари тамом аз кор  
(Арш унинг томошасида турганча қолди,  
Ярим йўлда, кўзлари қотиб).**

Пештоқининг абруйи (коши) зумуррад чарх саҳнидаги қавси фараҳдан нишонадир. Офтоб рашкини келтирган шамсалари ложувардий сипеҳр юзидаги хуршид гуноҳига тикилган кўзлардир.

#### Лимуаллифа:

**Шаммаш зари хуршид ҳар че меболат,  
Ҳамон қадар филики ложувард бурда ба кор.  
(Унинг озгинаси ҳар ҳолда офтоб зарлари,  
Ложувард фалак шу қадар уни истифода этган).**

Олий даражали шарафларини Қудрат меъмори Кайвон айвонининг муқарнаскарлигини бир дастур бўйича басталаган. Зарнигор кошинларини Қазонинг гулдаст наққоши азалий фалак юлдузлари билан мадохил тарҳини чеккан.

Тўрт олий гумбази моҳир ҳукамо унсурлар сонига мослаб ҳайъатгарликда тўрт жиҳатда очган. Рангин тўрт гулдастаси Ложувард ва кумушдан хатти мустақим сингари тўрт зовияда унинг ҳавоси сатҳида қойим барпо этган. Бу олий мадраса ва баланд бино икки қаватлидир. Ҳар бир равоқда ҳужра ошиёнаси, ҳужрада икки туйнук икки баланд ҳиммат талаба учун; балки икки шаҳбоз вақт панжағиройлигини ишга солиб маъноларни осонликча ўз забардастликлари билан осонгина сайд эта олулар. Ёки шикорий сайёдлар мисоли тақсилнинг бепоён водийсида ваҳший матлаб илмларни имо каманди билан ўзларига ром қилурлар. Санайи 1113 ҳижрий (милодий 1701) йилгача бўлган фурсатда ул анқо овловчилардан одамлар орасида номидан бўлак ҳеч нарса боқий қолмади. Бугунги кунда хоналарда яшаётган талабалардан ошёнаси равоқларда бўлган ҳеч ким қолмаган. Аҳоли аҳлидан ҳеч бир кишининг шум бойқуш уясида бўлак иқомат макони йўқ. Мударрис бузургла-

ридан тўрт гумбази олийдан бўлак нарса қолмаган. Улар ҳам яланғоч бошларини кўтариб турмоқдалар. Санайи 832 ҳижрий (милодий 1429) йилда Самарқандда садду баст деганлар. Аввал бошлаб расад иморатини қурдилар. Марҳум аллома Қозинода Румий ва Мавлоноин олами ваҳид Гиёсиддин Жамшид, инсоний мушкулотлар калималари жомеъи Мавлоно Муъини. Муъини Кошоний ва Мавлоно Салоҳиддин Мусавийлар мадади билан у ишга тушди. Расадхона амали асносида булар ҳам бирининг ҳаёти юлдузи бадри мунирдек ҳусуф пардасида қолди. Дарҳол олам салтанатпаноҳи ҳукму ҳайъат илмларида айни олими муҳаққақ ва мудаққиқ мавлоно Али Қушчилар ҳамкорлигида охирига етказдилар. Чунончи, Ҳалокухон салтанати даврида Хожа Насриддин Тусий билан Мавлоно Нажмуддин Али Котибий зижжи Жумий ёздилар ва Мароғада расад боғладилар. Шундан кейин ҳеч бир киши расад бағлаёлмади. Улуғбек Мирзо санайи 841 ҳижрий (милодий 1437) йилда зиж рақамларини кашф қилдилар. Аммо унинг ҳаёти рўзномаси охирлашганда ва толеъи юлдузи истиқомат авжидан ерганганда санайи 853 ҳижрий рамазон ойининг саккизинчи куни (милодий 1449 йил 25 октябрда)да Қазо қаҳрамони султон Абдуллатиф ибн Улуғбек Мирзонинг ношуккур амирларидан Аббос қўли билан шаҳодат қизил гулнини ҳидлатди ва у аъло жаннат боғининг гулзори сари йўл олди. Фозиллар таърихлар ёздилар. Таърих:

Улуғбек баҳри улуми ҳукм,  
 Ки дини набиро аз-у буд пушт.  
 Зи Аббос шаҳди шаҳодат чашид,  
 Аз он гашт таърих: «Аббос кушт».

## ГИЕСИДДИН ЖАМШИД КОШИЙ

(1385—1430).

Улуғбек Мирзо устозларидан. Унинг «Талхисул-мифтоҳ» («Ҳисоб калити»), «Таърибуз-зиж» («Зижнинг арабчаси»), «Зижжи Хоқоний», «Тўғарак ҳақида рисола», «Хорда ва синус ҳақида рисола» каби асарлари мавжуд. Гиёсиддин Жамшиднинг шаҳон фани тарихидаги ўрни беқиёсдир. У математикада пи сонларининг ўн олти белгисини, Ньютон биномини, ўнлик касрларни ва тўртинчи даражали тенгламаларни назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этган.

## ҚОЗИЗОДА РУМИИ

(1360—1437).

Самарқанд академияси фозиллари пешволаридан. Унинг хоразмлик олим Чағминий асарига ёзган шарҳи («Шарҳи мулаххас фил-ҳайъа»), 1994 йили П. Г. Булгаков таржимасида Тошкентда чоп бўлди), Шамсиддин Самарқандийнинг геометрияга доир рисоласига шарҳи («Шарҳи ашколоти таъсис») бизгача етиб келган. Улуғбек Мирзо истеъдодига тан берган алломалардан.

XV асрнинг II ярмига келиб, Самарқанд, Хирот, Бухоро сингари Ўрта Осиё шаҳарларида илм-фан ва санъат янада тараққий этди ва мазмунан камолот даражасига етдики, бу давр Алишер Навоий ва Беҳзод номи билан боғлиқдир.

### КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД ВА УНИНГ ТАСВИРИЙ САНЪАТ МАКТАБИ

Темурийлар даври тасвирий санъатининг Шоҳруҳ Мирзодан кейинги тараққиёти Камолиддин Беҳзод номи билан боғлиқ. Санъатшунослар мазкур даврни шарҳлаганда «Беҳзод ва унинг мактаби» деган иборани ишлатадилар. Бу бежиз эмас, албатта.

Беҳзод Шоҳруҳ Мирзо замонида Бойсунғур Мирзо томонидан асос солинган тасвирий санъатнинг Хирот мактабини такомилга етказди. У ҳеч бир такрорланмайдиган нафис ва мазмунан бой ажойиб тасвир намуналари яратиб, ўз номини абадийлаштирди. Беҳзоднинг шахси тўғрисида гапирганда, у ҳақда тўқилган бир афсонани келтириш ўринлидир. Маълумки, 1514 йилнинг августида Жанубий Озарбайжондаги Чолдирон текислигида Эрон шоҳи Шоҳ Исмоил (1501—1524) билан турк Султони Султон Салим I (1512—1520) ўртасида катта жанг бўлади. Шоҳ Исмоил жангга кетиш олдида: «Ким билади, тақдиримда нима бор. Жангда душман ғолиб келса, ўларман ёки қочиб қутуларман. Эрон мамлакати вайрон ва талон-торож қилинар. Бироқ Беҳзоднинг Султон Салим Румий қўлига тушишини асло хоҳламайман» деган андишаларга боради ва Беҳзодни қандайдир бир горга беркитишни буюради. Шундан сўнг, Беҳзодни худойи таоло паноҳига топширдим, деб ўзи жангга кетади. У жангдан қайтиб келиб, сарой аъёнларидан сўраган биринчи гапи: «Беҳзод тирикми?»—деган савол бўлган. Шоҳ Исмоил учун ўз мулки ва хазинасининг хавфсиз-

лигидан кўра, Беҳзоднинг саломатлиги муҳимроқ бўлган. Мазкур ривоят, гарчи ҳақиқатдан йироқроқ бўлса ҳам, Камолиддин Беҳзоднинг бебаҳо, ноёб ҳунар эгаси эканлигининг, катта шухрат соҳиби бўлганлигининг бир гувоҳидир.

Беҳзод 1455 йили Ҳиротда ҳунарманд касиб онасида дунёга келди. Наққошлик ва мусаввирликка бўлган қизиқиш унда жуда эрта уйғонди. Ингитча ота-онасидан ёшлигидаёқ жудо бўлди. Султон Ҳусайн Мирзо китобхонасининг раиси Мавлоно наққош ёш Беҳзодни шогидликка олади. Унга устоз бўлади.

Мавлоно Мирак наққош ҳиротлик бўлиб, уни Саид Мирак ёки Хожа Мирак ҳам деб аташарди. У ёшлигида ўқсоз бўлган. Мадрасада ўқиб Ҳуръонни ўрганади, сўнг хаттотликни эгаллайди. Отаси дунёдан ўтгач, ўқ-ёй ясаб, кун кўра бошлайди. Иморатларга китоба ёзиш билан ҳам машғул бўлган. Мусаввир сифатида танила бошлагандан кейин у Султон Ҳусайн Мирзо китобхонасига бошлиқ қилиб тайинланади. Султон Ҳусайн даврида қурилган иморатларнинг аксари китобаси шу Мавлоно Мирак наққош қўли билан бажарилган. У ўз ҳунарига шунчалик меҳр қўйган эдики, замондошларнинг ёзишига қараганда, у бир йиллик ишни бир ойда ҳам бажара оларди. Ривоят қилишларича, Алишер Навоий ташаббуси билан Ҳиротдаги масжиди жоме қайта тикланаётган пайтда бу ишни тезроқ битириш зарур бўлиб қолади. Бироқ Мавлоно Мирак, нима уундир, китоба ишини пайсалга сола бошлайди. Ишга Алишер Навоий аралашадию, Мирак наққош масжидни безаш ва китоба ёзиш ишларини 15 кунда бажаради. Масжиди жомени ҳозирги кунларда ҳам зиёрат этгани келган ҳар бир сайёҳ ёки меҳмон Мавлоно Миракнинг мазкур ноёб санъатига таҳсинлар ўқиб кетишади.

Мавлоно Мирак наққош китоб безаш билан ҳам шугулланган. Британия музейида Низомий Ганжавийнинг бир «Хамса»сида унинг қўли билан чизилган беш сурат бор (Китобдаги қолган суратлар Беҳзод қаламига мансуб).

Беҳзод Мавлоно Мирак, Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Мирзо сингари маърифатпарвар олимлар даврасида тарбияланиб, тезда моҳир санъаткор наққош ва мусаввир сифатида танилди. У ўз давригача бўлган тасвирий санъат соҳасида эришилган ютуқларни мукаммал эгаллади ва мусаввирликда юксак инсоний фикрлар ва бошқа илғор гоялар билан сугорилган ҳаётий тасвирлари билан тезда шухрати орта борди. Мавлоно Беҳзод олдин Алишер Навоий китобхонасида ишлади. Мазкур даврда у ўз касбидаги санъаткорлардан ҳам маҳорат, ҳам гоявий йўналиш ва услубда анча илгариллаб кетди. Шайхрий

мунозара ва ижодий мажлисларда, анжуман ва йиғилишларда Беҳзоднинг ҳам асарлари муҳокама қилиниб, ҳар ким ўз мулоҳазасини баён этар ва ҳал қилувчи фикрни Алишер Навоий айтарди.

Навоий ва Беҳзод замондошларидан Зайниддин Восифий ўзининг «Бадойиул-вақоъ» асарида Беҳзод чизган Навоийнинг бир суратини шоир ва унинг маслакдош дўстлари орасида муҳокама этилишини ҳикоя қилади. Бу ҳол Беҳзоднинг доимо Алишер Навоий ва унинг яқин фикрдошлари диққат-эътиборида бўлганининг исботидир. Унинг мураббийси Алишер Навоий, гарчи у ҳақда аниқ бир фикр қолдирмаган бўлса ҳам, дўстларидан бирига ёзган бир мактубидан ўша давр мусаввирлари орасидаги Беҳзод мавқеини яққол тасаввур қила оламиз:

«Фироқномаким юборилибдур тасвир қилилсун деб, ани тасвир қила олур киши Устод Беҳзоддир ва бу яқинда Устоди мушорунилайҳни (Султон Ҳусайн) Мирзо тилаб оладилар; ўз қошларида боғда хужра ясатиб иш буюрадилар. Яна андоқ кишики, ул китобатқа, муносиб иш қила олғай—йўқ эрди». Ҳа, Султон Ҳусайн Мирзо наққошлик ва мусаввирликда камолот чўққисига кўтарилган бошлаган Беҳзодни ўз саройида ишлатишни лозим кўради ва уни ўз китобхонасининг раиси қилиб тайинлайди. Бу мансабни топшириш тўғрисидаги ёрлиқнинг матни Хондамирнинг «Номан номий» асарида келтирилади: «Ҳирот китобхонасининг бошлиғи (мансаби) учун Устод Камолиддин Беҳзод номига берилган нишон...

Ижод ва яратиш корхонаси мусаввирининг иродаси, еру осмон нигорхонаси муҳаррирининг қудрати билан... ҳукм қилурмизки, аср подири, мусаввирлар пешвоси.... Устод Камолиддин Беҳзод Ҳумоюн (яъни подшоҳ) китобхонаси аҳлига; котиб, наққош, музаҳҳиб, жадвалкаш, ҳалқор ва заркўбларга, шунингдек, мазкур ишларга мансуб бўлган оллоҳ паноҳидаги бутун мамлакат жамоатига бошчилик мансаби топширилсин. Таҳрир этилди 839 й. 27 жумодинаввал (1487 й. 22 июнь)».

Швед санъатшунос олими Ф. Мартин Камолиддин Беҳзоднинг Султон Ҳусайн Мирзо чорбоғидаги ижодхонасини қўйидагича тасвирлайди: «Шарқ қуёши Беҳзод учун қурилган шинам хужрани нурга гарқ этди. Бу ерда наққош пастаккина қия курси (ююитр) устида энгашиб ишларди. Курсининг тортма қутчаларида шох асарлар яратиш учун зарур бўлган ҳамма нарса муҳайё. Бундай асарларни Европа санъат қошоналари XV аср Италия ва Нидерландия мусаввирларининг нодир асарларини қандай тарзда жазман бўлиб қидирган бўлсалар, шун

чалик иштиёқ билан қўлга киритишга интилишлари шубҳасиз. Тўғри, Беҳзод европалик мусаввирларникидек кенг ва қулай устахонага эга бўлмаган. Унинг иш жойи оддийгина бир ҳужра бўлиб, оқ мрамор деворлари моҳир Шарқ хаттотлари томонидан Қуръон калималари билан музайян этилган. Ҳужрада бўрё тўшалган. Бурчакда гилам устида бир нечта ёстиқ. Бу меҳмон ёки мухлислар учун қўйилган эди. Ҳужра орқаси боғ, сокин сувли ҳовуз, ундан нарироқ—гулзор ва дарахтзор. Шафтолдилар пишиб, ишкомдаги олтин товланган узум бошлари сийрак барглари орасидан мўралашарди. Ҳужра атрофида атиргуллар чамандек очилиб ётарди. Минглаб турли-туман гулларнинг қийгос очилганидан улар кўринмасди. Шу муҳитда Беҳзод ўлтириб, нозик мўйқалами билан сурат чизарди. Нозик мўйқаламини ундан илгари ҳам, кейин ҳам ҳеч ким мусаввир Беҳзодчалик ишлатишга муваффақ бўла олмаган». Беҳзод қўли билан тасвир этилган қўлёмалар бизнинг замонимизгача етиб келган. Улар Америка, Европа ва Ўрта Осиё мамлакатларининг кутубхона ва музейларида сақланади. Бизгача етиб келган тўғриси, ҳозирги кунларгача нашр этилган Беҳзод асарларининг аксари, унинг Султон Ҳусайн кутубхонасига бошлиқ бўлгандан кейинги даврга тааллуқлидир. Беҳзоднинг дастлабки яратган асарлари Шайх Саъдий (1184—1291)нинг Лондондаги Честер Битти кутубхонасида сақланаётган «Бўстон»ига чизилган суратлар бўлиб, улар 1478 йили бажарилган.

Қоҳирадаги Миср Миллий кутубхонасида сақланаётган Саъдий «Бўстон»ининг бошқа бир нусхасидаги Беҳзод қаламига мансуб тасвирлар унинг ижодий камолоти ва такрорланмас Беҳзод даҳосининг ёрқин далилидир. Мазкур асар Султон Ҳусайн Мирзо учун Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган бўлиб, уни Ёри музаҳҳиб нақшлар билан безаган. Қўлёмма 1488 йилнинг июнида кўчирилиб бўлинган. Суратлар билан безаган йилларини уларнинг баъзиларига қўйилган саналардан биламиз. Булардан энг кейинги сана—1489 йилдир. Уч суратда «Амалият-абди Беҳзод» деган ёзув бор. Китобнинг дастлабки саҳифаларига чизилган қўшалоқ сурат асар мазмунига алоқадор эмас. Унда Султон Ҳусайн Мирзо сурати чекилган бўлиб, унинг базм пайтидаги ҳоли тасвирланади. У боғдаги саропардада тахтада ўлтирибди, тасвирнинг сўл томонида машшоқлар, ўнг томонида товоқ ва патинларда свқат келтираётган ходимлар, бировни калтаклаб эшикдан қуваётган эшик оға акс эттирилган. Асар мазмунига доир суратлардан бири, шунинг билан бирга, энг машҳури Эрон шоҳи Дороннинг йилқичи сарбонлар қаршисидан чиқиб қолиши саҳнасида.

Катта маҳорат билан чизилган мазкур суратга назар ташлар экансиз, файласуф шоир Шайх Саъдийнинг шу мавзуга оид ҳикояси мусаввир томонидан мазмунан яна бойитилганини кўрамиз. Эрон шоҳи Доро ов қилиб юриб, ўз шерикларидан адашадн ва йилқибонлар қаршисидан чиқиб қолади. Тўсатдан пайдо бўлиб қолган қуролли суворий йилқибон ва ҳайвонларнинг тинч машғулотини бузган. Мусаввир йилқибон ва йилқилар ҳолатини усталик билан тасвирлаган. Кекса йилқибоннинг ўзи томон келаётганини кўриб, Доро уни душман гумон қилди ва қўлидаги ўқ-ёйини шайлайди.

Бу душман урушмоққа келди нетай?  
Узоқдан бир ўқ била нобуд этай.  
Шу дам тўғрилаб унга тортди камон,  
Деди, бир нафасда қилай бенишон.

Ҳамма ўз машғулотини тўхтатган. Ҳатто ўтлаб юрган йилқилар бу ҳолга лоқайд эмас. Доро отиб ўлдирмоқчи бўлган кекса йилқибон шоир томонидан тилга киритилади:

Дедик, эй шоҳи олампаҳо,  
Замонангга кўз теъмасик, қил нигоҳ,  
Мен—ўз йилқичинг, бунда қанча замон,  
Кўп йилқиларингни боқарман ҳамон,

Йилқибон шоҳга таъна сўзларини ёгдиради:

Керак бўлганида менга қайси от,  
Танийман уни мингта от ичра бот,  
Ўз йилқиларимни танийман шу хил,  
Ўз йилқичинг: сен ҳам, шаҳо, менча бил!

Тасвир марказида турган ва қўлларини шоп қилиб олдинга чўзиб турган, қадди беҳад букчайган кекса йилқибоннинг пишқи ва мустаҳкам жуссаси хушбичим, ёш подшоҳ савлатига нисбатан маънодор ва ўткир шарҳланган. Шоирона манзара, ҳикоя мазмунини ёритиб берувчи саҳна турли хил ранглар ёрдамида жонлантирилган. Бу ерда рассом фақат нақш услубларигагина эътибор бермай, бевосита турмуш кузатишларини ҳам эътиборга олган. Доронинг йилқичилар орасидаги тасвирини кузатар эканмиз, Заҳрирдин Мухаммад Бобурнинг Беҳзод ижодида кузатган баъзи хусусиятлар ҳақидаги фикри бенихтиёр эсга тушади: «Мусаввирлардан Беҳзод эди, мусаввирлик ишни бисёр нозук қилди. Вале, соқолсиз элнинг чехрасини ёмон очадур. Ғабғабини кўп улуг тортадур. Соқоллик кишини яхши чехрали, қушойлик қиладир». Бизнингча Беҳ-



зод томонидан меҳнаткаш халқ вакиллари меҳр-муҳаббат билан, гўзал бўёқларда тасвирланган. Бу ҳол Беҳзоднинг ўз давридаги мусаввирларга қараганда гоёвий етуклигидан дарак беради. Беҳзоднинг бунчалик камолотга етишувида буюк шоир Навоий ва унинг атрофидаги илғор фикрли фан арбобларининг таъсири сабаб бўлган, албатта. Бу унинг ҳар бир миниатюрасида сезилиб турибди. Мазкур миниатюралардаги қиррали улкан тоғлар, арчазор, яшил ўтлоқ ва зилол суви оқиб турган ариқ, наслдор отлар, йилқичилар ва суворий шакллари тасвирида турли-туман ранглар воситаси билан уйғунлашиб, ягона сирли бир табиат манзараси ҳосил бўлган. Тасвирдан Беҳзоднинг табиатни, хусусан, унинг гўзал манзараларини севиши, уни тўғри қабул қила олиши табиат манзарасини бадний ва айнан тасвир қила олганлигидан ҳам кўриниб турибди.

«Бўстон»нинг Қоҳира нусхасидаги қолган уч тасвир бино ичида кечмиш воқеаларни акс эттиради. Суратларнинг бирида масжидда намоз ўқиш пайти тасвирланади. Мазкур суратлардаги биз учун энг муҳими—бинокорлик, меъморчилик услублари, бино деворлари ва пештоқларининг турли кошчили нақшлар ва гуллар билан безатилиши, уларнинг жозибали манзара кашф этишидир. Бу уста наққош ва мусаввир заковати ва даҳолигидан, албатта. Беҳзоднинг дастлабки шоҳ асарларига яна Низомийнинг Британия музейида сақланаётган «Хамса»сининг 1442 йили кўчирилган нусхасидаги суратлар киради. Бу нусхада Беҳзод чизган тўрт сурат бўлиб, 1493 йили бажарилган. Ҳаммасида Беҳзоднинг имзоси бор. Суратлар бадний тузилиши жиҳатидан етук ва тўлақонлиги, нафис яратилганлиги билан кишини ўзига мафтун қилади. Бўёқ ва мазмуниданги оҳангдорлик, ҳарбий мазмундаги саҳналарнинг драматизм ва жонлиги мазкур суратларнинг муҳим белгиларидир. «Бўстон» ва «Хамса» асарларига чизилган суратларни кўздан кечирганда, Беҳзод мўйқаламининг ақл бовар қилмайдиган даражада нозиклигига шубҳа қолмайди. Мирза Муҳаммад Ҳайдар шунга қарамай «Беҳзод Шоҳ Музаффардек нозик даст бўлмаса ҳам, ammo унинг қаламидан мустаҳкам эди. Беҳзод тарҳда ва шахсларни жойлаштиришда, ўз ўрнига кўйишда ундан бехтар эди»,—деб ёзади. Замондошлари Беҳзоднинг бадний ва гоёвий маҳоратига тан бериб, унинг дастлаб хомакни эскизлар чизиб олишини, кейин уларнинг аҳамият билан жойлаштиришини ҳикоя қиладилар.

«Хамса»нинг мазкур нусхасида Лайли ва Мажнуннинг мад-

расадаги севги саҳнасини тасвирловчи сурат бор. Тасвирнинг олдинги қисмида гилам устида мударрис ва талабалар, ёзув ашёлари ва хизматкор ҳабаш. Лайли билан Мажнун орқароқда, юқорироқда тасвирланган. Атрофларида бошқа талабалар, Мажнун Лайлига шеър ўқимоқда.

Низомий «Ҳамса»сининг Британия музейида сақланаётган бошқа бир нусхасида (Ф. Мартин фикрича) Беҳзоднинг 16 та чизган сурати бор. Бу нусхада бобирийлар сулоласидан Жаҳонгир султон (1605—1627) нинг дастхати бўлиб, суратлар асосан Беҳзод, Мавлоно Мирак ва Қосим Али томонидан ба- жарилганлиги қайд этилган.

Низомий Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин» достонида қу- йидаги мисралар мазмунига Камолиддин Беҳзод ва унинг шо- гирдлари чизган қатор суратлар мавжуд:

Тавофи зад дар он фируза гулшан,  
Миёни гулшан оби дид равшан.  
Чу товуси уқоби боз баста,  
Ҳазарви бар лаби кавсар нишаста.  
(Хисрав) фируза рангли гулшани кезиб юриб,  
У унда равшан сувли чашма кўрди,  
Ҳовуз бўйида товусдек лочин боғлиқ турарди,  
Чашма лабида эса қирғовул ўлтирарди).

Шоир икки ёшнинг баҳорда илк бор учрашувини кўтаришчи бир руҳда тасвирлаган. Чаманни у фируза рангда, сувни шаффоф кўрсатиб, Ширинни қирғовулга, Шабдиз номли оти- ни товусга, чашманинг сувини Кавсар чашмасига ўхшатади. Мусаввир бу кичик деталларни бадний тасаввур кучи билан, табиат маззарасига содиқлик билан кенгайтиради, шоирнинг бу тугал мисраларда кўрсатмаган ва балки назарда тутган бор нафосатни тасвир этади. Низомий «бир фируза рангли гулшан» жумлаларига мусаввир ўзинга хос бўлган олий ҳис- латлар кучи билан севги ва унга муносиб табиат гўзаллик- лари лавҳасини намоён эта олади; қирмизи чечакли дарахт, чўғдек хилма-хил лолалар, турли-туман гуллар фируза ран- ги заминда кўзга ташланади. Само муҳаббат саҳнасига мос қизғин рангда; Хисравни, отини папагини мовийга мойил оқ, кийимининг тўқ жийда рангида берилиши шеър оҳангига уй- гун бўлиб тушган.

Маълумки, Урта Осиё тасвирий санъати кўпроқ китоб би- лан боғлиқ бўлгани учун ҳам, унинг алъанавий ўзинга хос ба- дний ифода воситалари, ранглар уйғунлиги, бадний тинчсол, мазмун ва мавзун асос этирадиган услублари бордир. Балки,

шунинг учун ҳам мусаввир ҳажм эътибори билан бошқа шахслардан фарқланмаган Ширин тимсолини ўнг томонда бериб, унинг фавқулодда гўзаллигини тасвир этмоқ ва томошабин назарини тортмоқ учун даврнинг мусаввирлик хусусиятларидан маҳорат билан фойдаланган. У Ширинни зоҳиран жуда ҳам гўзал тасвир этиши лозим эди. Бунинг учун ўша давр тасвирий санъат хусусиятлари имкон бермасди. Бу масалани мусаввир ранглар ва уларнинг тазоди (бир-биридан кескин фарқ этиши йўли) билан ҳал этади. Шириннинг гавдаси лавҳада шаффоф рангда, бу ранг билан зиддият ташкил этган сув кумуш рангда безатилган. Мусаввир Шириннинг гўзаллигини янада бўрттирмоқ учун Хисравни ҳайрат бармоғини тишлаган ҳолда тасвирлаган. Ҳолбуки, бу хусусият шоир шеърида акс этмаган.

Европалик санъатшунос олимлар Беҳзоднинг Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сига чизган суратларига юқори баҳо берадилар. Бу асардан 1467 йили Султон Ҳусайн Мирзо хазинаси учун Шерали Хаттот настаълиқ ёзувида нусха кўчиради. Ҳар бири икки саҳифалик олтига қўшалоқ суратларда 1490 йил кўрсатилган. Қўлёзмада жами бўлиб 12 та тасвир бор. Демак, уни XV асрнинг 90-йилларида тасвир қилинган дейиш мумкин. Қўлёзманинг 69 саҳифасида шоҳ Жаҳонгирнинг 1605 йилда ўз қўли билан ёзган қуйидаги сўзларини ўқиймиз: «Бундаги саккиз сурат Беҳзод қўли билан чизилган. Китоб менга бобом Ҳумоюндан қолган. Тахтга чиққан куним ёздим—1037, йил, ҳ. —1605. Жаҳонгир иби Акбар».

«Зафарнома»нинг мазкур нусхаси ҳозир Балтимордаги Жон Хопкин университети кутубхонасида сақланмоқда (АҚШ). Европалик олимлардан Р. Этингаузен ўзининг ислом қомусига ёзган мақоласида барча суратлар Беҳзод мўйқаламига мансублигини ва улар Беҳзод ижодиётининг илк даврда яратилганлигини ёзган. Инглиз шарқшунос олими Т. В. Арнольд 1930 йили мазкур «Зафарнома» нусхасидаги суратларни рангли ҳолда алоҳида китоб тарзида нашр этади. У ўз китобида «Зафарнома»даги Беҳзод чизган суратларга хос хислатлар ҳақида гапириб, Беҳзод суратгарлигида кўм-кўк буцазорлар билан замин сатҳи зийнатланган бўлиши, манзаранинг жонли ва жонибали чиқиши ундан олдин ўтган ва замондош мусаввирларникидан афзалроқ чиқади, деб ёзади.

Мазкур қўлёзмадаги Беҳзод чизган суратлар турли тарихий воқеалар, жанг ҳолатлари, саройдаги қабул маросими, Самарқандда бинокорлик ишлари ва бошқаларни акс эттириб, фақат китоб мазмунига тааллуқли суратлардир. Булардан биринчи

қўшалоқ сурат Амир Темурнинг боғда ўтказаетган қабул маросимини тасвирлайди: ўнг томондаги саҳифада Амир Темур ва унинг яқин кишилари, сўл томонда тантанали қабул маросимига келган турли мамлакат элчилари ва сарой мансабдорлари. Улардан иккитаси курсида, ҳар хил кийимли, яна бештаси Амир Темур қаршисида тавозе билан туришибди. Элчилардан бир тўдаси эшик ёнида тўпланишган. Амирлар ортида турган ходимлар орасида кўп ҳабашлар ҳам бор. Ана шу саҳнада ўнлаб кишининг тасвири бўлишига қарамай, мусаввир ўз мақсадига эришган, кишилар сурати жонли ва тасвирдаги мазмун тушунарли ва ишонарли чиққан. Бу ҳол, юқоридики қайд этилганидек, фақат Беҳзод ижодиётида мавжуддир.

«Зафарнома»даги иккинчи сурат Урганч қалъасининг Амир Темур қўшинлари томонидан қамал қилинишини тасвирлайди. Тасвирда баланд, мустаҳкам қалъа, ёнида тоқ чирмашган улкан чинор... Мусаввир жангнинг энг қизғин пайтини танлаб олган: қалъа ҳимоячилари кунгирали баланд тик девор устидан душман устига ўқ ёғдириб, катта харсанг тошлар ирғитишмоқда. Аммо Амир Темур аскарлари қалъа дарвозасига кираверишдаги кўтариб қўйилган осма кўприкни туширишга муваффақ бўлганлар. Илғор қисмдаги суворийлар қалъа ичкарасига кириб бормоқда. Баъзиларига ўқ тегиб, отдан ағдарилган. Қалъа ҳимоячилари орасида хотин-қизлар ҳам бор. Тасвирнинг аниқлиги, жангчи ва отларнинг тез, чаққон ва шиддат билан ҳаракат қилиши, жонлилиги сезилиб туради. Жанг шиддати чинор шоҳлари, барглари ҳам титратаётгандек туюлади.

Учинчи сурат тоғдаги жанг манзараси. Амир Темур қўшинлари Олтин Ўрда хони Тўхтамиш (1381—1395) нинг қўшинидан қолган-қутганларини тор-мор келтирмоқда. Мусаввир Амир Темур қўшини, унинг тузилиши, қўроллари ва афзалликларини билган ҳолда, унинг ҳар қандай шароитда ҳам жанг қила олиш қобилиятини кўрсата олган. Аскарлар тоғнинг чиқиб бўлмайдиган, тик, чуқур дараларига тўрт-беш жангчини замбилда чилвир билан туширмоқдалар. Бу Беҳзоднинг ниҳоятда кўзатувчан моҳир мусаввир бўлганлигининг яна бир исботидир.

Кейинги суратда Самарқанддаги Амир Темур ташаббуси билан авж олдирилган бинокорлик ишлари тараннум этилади. Фақатгина шу Беҳзод асарлари туфайлигина асрлар бўйи жаҳон халқларини ўз муҳташамлиги ва кўрки билан ҳайратга солиб келган меъморчилик обидаларининг ҳақиқий ижодкорлари кўз олдимизда намоён бўлади. Улар оддий меҳнаткаш халқ вакиллари; тарих саҳифаларида уларнинг номи деярли

қолмаган бўлса ҳам, ўзларидан ўлмас ёдгорлик қолдирдилар. Бу меъморчилик обидалари ўтмиш маданиятимиз тараққиётидаги бир босқичнинг жонли гувоҳидир.

Расмларнинг бирида Бибихоним мадрасасини бунёд этиш қараёнидан бир лавҳа берилган. Усталар ўзига тегишли иш билан банд, улар турли ҳолатларда, тинимсиз меҳнат қилаётгандек. Бинонинг асосий қисми нафис гуллар билан безатилган, айвон эса қуриб бўлинган; пастда ишчиларнинг бир қисми девор юзасини қоплаш учун ишлатиладиган оғир мрамар тахталарни ташимоқдалар, бошқалари бўлса, ғишт терувчилар учун лой тайёрламоқдалар. Энг юқорида қўлида бир шаклни (бино модели бўлса керак) ушлаб турган киши бор. Бу бионинг бош меъмори бўлса керак.

Иккинчи суратда бионини пардозлаш жараёни тасвирланган. Дурадгор тахта қирқиб, рандаламоқда. Тош йўнувчилар мрамар тахталарни ўйиб, нақшлаш, сиркор плиталарга нозик чиқиқли гул тушириш билан банд. Назоратчи улардан бирини калтакламоқда. Олдинда мрамар тахталар ортилган арава... Тасвирда қурилиш материаллари ортилган фил ва қурилишда иштирок этаётган негр (ҳинди)ларни кўрамиз. Ҳиндистонлик уста ва ишчилар, филлар Темур Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришидан сўнг бу ерга олиб келинган. Тасвирнинг аниқ ва ҳаётийлиги наққошнинг Ҳиротда Алишер Навоий ташаббуси билан авж олдирилган қурилиш ишларидан илҳомланганининг далилидир. У тасвирлаган кўпчилиги номаълум бинолар ва асирларнинг оғир меҳнати туфайли Самарқанд ва Ҳирот Шарқда энг гўзал шаҳарлар сифатида шўҳрат топди. Навоий Фарҳоднинг яратувчилиқ меҳнатини қўйлаган бўлса, моҳир рассом бунини тўғри англади ва халқ меҳнатини шарафлади. Бу жиҳатдан Беҳзод Урта Осиё халқлари санъати тарихида биринчи инсонпарвар, реалист рассомдир.

Санкт-Петербургдаги халқ кутубхонасида Амир Хисрав Деҳлавийнинг икки нусада сақланаётган «Лайли ва Мажнун» достони ва Беҳзод чизган суратлар бор. Қўлёзмаларининг бирида (инв. № 395) унинг иккита сурати бўлиб, улар ниҳоятда нафис бажарилган: бири Лайли ва Мажнуннинг мадрасада ўқиш пайтини тасвирлайди, у 1495 йили бажарилган. Бу ерда ҳам бионинг меъморий беағи, нақшлар жуда аниқ ва гўзал ишланган. Миниатюрада етти киши тасвирланган бўлиб, саккизинчи талаба ўрнида тўшак вазифасини бажарувчи тўн тўшалган. Иккинчи сурат боғ манзарасини тасвирлайди: ер олтин рангда, сийрак оқ булутли зангори осмон. Жуда бой ва нозик нақшли гилам устида бир чол ўлтирибди. Икки киши

Лайли ва Мажнунни гиламга таклиф қилишмоқда; тўқ сариқ рангли кийимдаги ҳабаш қул ердаги турли идишлар ёнида чўк тушган. Яна қизғиш сариқ кийимли икки қиши бор. Дарахт ва тоғ ён бағри тасвири турли-туман кийимлар билан уйғунлашиб, жонли манзара ҳосил қилган.

Султон Ҳусайн Мирзонинг боғ сайрини акс эттирувчи сурат (Теҳрондаги Гулистон саройи санъат қошоносида) ҳам Беҳзод ижодиётининг қимматбаҳо дурдоналаридан биридир. Бу асар 1935 йили Санкт-Петербургда бўлиб ўтган Эрон санъати кўргазмасида ҳам кўрсатилган эди. Суратда Султон Ҳусайн ўз канизаклари билан боғда, қўлида бир дона атиргул билан гуллаб турган дарахт остида. Хотинлар Султон Ҳусайн Мирзо мулозаматида: бири чанг чалмоқда, бири лаълида май тўла кўзача ва қадаҳ билан, иккитаси Султон Ҳусайн ўрнини тартибга солиб, хўшбўйликлар сепишмоқда. Қолганлари ҳам эҳтиром кўрсатишиб, хизматга шайланиб туришибди. Боғ манзарасининг сўлимлиги суратда ўз аксини топган. Бу ерда Беҳзод ўзининг табиат манзарасини тасвирлашдаги ўз даври учун ноёб маҳоратини яна бир бор исбот этган.

Париждаги шахсий коллекцияда Султон Ҳусайн Мирзо тасвири сақланади. Бу тасвир Беҳзод мўйқаламига мансуб бўлиб, мазкур нусха аслидан унинг шогирдлари қўли билан кўчирилган. Тасвирда Султон Ҳусайн Мирзо шоҳона кийимда тасвирланиб, унинг барча хислатларини ифодалашга ҳаракат қилинган. Важоҳатидан кучли ирода, жисмоний қувватга эга бўлганлиги сезилиб туради. Тўладан келган гавдаси, ҳорғин юзи, қисқроқ кўзи, узукли нозик қўллари тасвирдаги ҳукмдор умрининг кўп қисми фақат майшат билан ўтганлигига далилдир. Беҳзод Султон Ҳусайн Мирзонинг ички дунёсини ва ташқи кўрнишини реал тарзда тасвирлай олган. Бу тасвир Султон Ҳусайннинг хулқ-атвори, шакл ва шамойили тўғрисидаги Бобир фикрларига ҳам жуда мос келади: «(Султон Ҳусайн) кийик кўзли, шер андом бўйлук киши эди. Белидан қуйи ингичка эди. Бовужудким, улуг ёш яшаб, оқ соқолли бўлиб эди, хуш ранг, қизил яшил абришимни кияр эди. Қора кўзли бўрк кияр эди, ё қалпоқ...».

XV асрнинг 80-90-йилларида яратилган Беҳзод мўйқаламига мансуб суратлар яна бошқа кўпгина қўлёзмаларда ҳам мавжуд.

Мир Алишер Навоийнинг «Хамса»си 1485 йили Султон Ҳусайн Мирзонинг ўгли Бадиуззамон учун кўчирилган; у тўрт жилддан иборат бўлиб, ҳозирда Бодлеян кутубхонасида сақланмоқда.

Амир Хисрав Деҳлавийнинг 1485 йили Муҳаммад Ибн Азҳар томонидан кўчирилган «Хамса»сидаги тўрт сурат Беҳзодга тааллуқлидир. Мазкур суратлар 1912 йили швед шарқшунос олими Ф. Г. Мартин томонидан Мюнхенда чоп эттирилган эди.

Парижда (Ротшильд коллекцияси) сақланаётган Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асари 1486 йил январида Султон Али Машҳадий томонидан кўчириб тамомланган.

Мазкур уч асарга чизилган суратлар Беҳзоднинг биз юқорида кўрган «Бўстон» асаридагидек тўлақонли бўлмай, европаллик олимлар фикрича, улар Беҳзоднинг дастлабки ишларидир.

XVI асрнинг дастлабки йиллари яратилган Беҳзод мўйқаламига мансуб суратлардан мусаввирнинг юксак камолоти, шунинг билан бирга, ҳиссий кечинмаларининг мураккаблаша бошлаганлиги кўзга ташланади. Шу билан бир қаторда, бу санъатларнинг мазмуни Беҳзод ички дунёсида пайдо бўла бошлаган руҳий маъюслигини изҳор этади.

Бу бежиз эмас, албатта. Унинг буюк мураббийси ва устози Алишер Навоийнинг юраги уришдан тўхтади (1501 йил, январ), ҳимоячиси Султон Ҳусайн Мирзо 1506 йил 5 май куни вафот этди. Шундан кейин амирлар ўртасида бошланиб кетган низолар Муҳаммад Шайбонийхонга Ҳиротни осонликча қўлга киритишга (1507 й. май) анча ёрдам берди. Ана шу нотинчликлар Беҳзод ижодига ҳам салбий таъсир этди. Заҳрирддин Муҳаммад Бобур Шайбонийхоннинг Ҳиротни ишғол қилиши ҳақида ёзар экан, «яна Мулла Султон Али Машҳадий била Беҳзод мусаввирнинг тасвир ва хатига қалам кнубиб, ислоҳ қилди», дейиши бежиз бўлмаса керак.

Беҳзод Шайбонийхон хизматига ўтди, XVI аср бошларида Беҳзод ижодида мазкур ҳодисалар чуқур ўйчанлик, нозик лирик кечинмаларни ифодаловчи саҳналарда ўз аксини топди. Бундай суратлар Хисрав Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида (Санкт-Петербургдаги халқ кутубхонаси инв. № 394) мажуд. Бу китобдаги суратлар, биричидан, Беҳзоднинг янада юксак ижодий ва инсоний камолотидан дарак берса, иккинчидан, унинг тасвирлари мазмунан бойиб бораётганини билдиради. Китобнинг 23 саҳифасида Беҳзоднинг Лайли ва Мажнуннинг саҳродаги висол чоғини тасвирловчи сурати ўрин олган. Саҳро, Лайли ҳижрон азоби туфайли ҳолдан кетган севгилиси бошини авайлаб тиззаси устига қўйган. Инсон азобиға табиатдаги тинч ҳаёт ҳамоҳангдек. Саҳро қаъридан ўтган зил-лал сувли анҳор қирғоқлари турли-туман гулларга бурканган.

Харсанг тошлар орасидан чиққан кўм-кўк буталар икки ошиқ севгиси барҳаётлигидан гувоҳлик беради. Сахро ҳайвонлари: шер, қоплон, оҳу, шақал, туя ошиғу маъшуқ юрагини гарқ қилган улкан севги кучи билан сеҳрлангандек сукутда. Улар гўё ҳамдарддек. Рухий кечинмалар оҳанги ранглар воситасида улкан мўйқалам соҳиби томонидан моҳирона тасвирланган. Беҳзод замондошлари бу расмдан кўплаб нусха кўчирганлар. Ҳатто шу манзара тасвири туширилган гиламлар ҳам пайдо бўлган эди.

Замондошлари Беҳзоднинг ҳажвий мавзуга оид суратлар чизганини ҳам ҳикоя қиладилар. Жумладан, Зайниддин Восифий шундай ёзади: «Устоди моҳируласноф ҳамиша суввари мухталифа ва нуқуши муганаввиани ўзи билан сақлаб эди, ҳожат вақтида ишга сураар эрди ва аксар Амир Бобо Маҳмуд суратинким, даргоҳи олампаноҳ Султон Ҳусайн Мирзонинг азимшаън, бузург рафиуламакон, сутург кубаросидан эрди. авзоъи мухталифа билан тасвирин чекар эрди».

Беҳзод ўз давригача бўлган тасвирий санъат ютуқларини қунт билан эгаллади ва санъатнинг мазкур турида реалист ва инсонпарвар сифатида гавдаланди. Шундай экан, Беҳзодга замондош муаллиф, Зайниддин Восифий: «Подшоҳи мағфури мабрур Султон Ҳусайн Мирзо.. бу санъат ҳунармандлари ва бу ҳуруфт сеҳрофаринлари орасидан устод Беҳзод наққошниким, етти иқлим мусаввирлари таслим бошин онинг олдида қуйи солур эрдилар ва мусалламлик даъвосини барчалари ўз ихтиёрлари бирлан онга тобшурур эрдилар, они Моний соний лақаб бердилар»,—деб ёзиши бежиз эмас эди.

Беҳзод асарлари тасвирнинг ҳаққонийлиги ва жозибадорлиги билан кишига завқ бахш этади. Халқ ёзувчиси, академик Ойбек образли қилиб: «Беҳзод чизган расмдаги ҳар бир нуқта кўз каби жонли»,—деган эди.

Мазкур асар қўлёзмасининг 5, 9, 21-саҳифаларидаги Беҳзод чизган тасвирларда руҳий маъносилик ҳам ранглар жиловиди, ҳам мазмунида сезилиб туради. Мазкур суратлар Лайли ва Мажнуннинг мадрасада дарс ўқиш пайти, Мажнуннинг саҳрода жониворлар орасидаги ҳолатларини тасвирлайди. Беҳзоднинг шу даврда яратган асарларига яна боғда нонуштага ҳозирлик манзарасини тасвирловчи сурат ҳам киради. Бунда биргина қуюқ баргли улкан чинор, бир мевали дарахт билан серфайз мевазор тасвирини моҳирлик билан тасвирлаган. Белларига сочиқ қистиришиб олган сарой хизматчилари аъёнлар нонуштасига керакли мева, ичимликлар ҳозирламоқдалар; бу ерда аслзода назоратчи ҳам турибди. Боғ девори орқасида



бошида мева тўла сават кўтарган ҳинди қул ҳам кўринади. Олдинги қаторда ўнг томонда турган қассоб жонлиқ сўйини учун назоратчидан топшириқ олган. Тузатишган хонтахта устида «амали Беҳзод» деган ёзув бор.

Беҳзод Шайбонийхон хизматида экан, унинг суратини чеккан. Тасвирда Шайбонийхон оддий, лекин ҳашамли кийимда, катта қора ёстиққа сунган ҳолда ўлтирибди. Унинг олдида турган ёзув ашёлари: сиёҳдон, қалам, китоб Шайбонийхоннинг ўқимишли киши бўлганлигини кўрсатиш учун. У жисмоний бақувват, салобатли. Оғзининг қимтилганлиги ва қўлларининг керилиб туриши шу маънони ифодалаб туради. Шайбонийхон кийимида ортиқча безаклар йўқ, кийим қимматбаҳо бўлса ҳам, Султон Ҳусайн суратидагидек нақшинок эмас. Бу сурат ҳам асл нусхадан кўчирмадир. Беҳзод қўли билан чизилганлиги ва кимнинг тасвири эканлиги ҳақидаги ёзув бундан гувоҳлик беради. Шайбонийхоннинг мазкур сурати Америкада шахсий мажмуада сақланади.

Шайбонийхон 1510 йили Марв ёнида Эрон сафавийлари қўшини билан бўлган жангда мағлуб бўлиб ўлдирилгандан кейин 1512 йили Эрон шоҳи Исмоил Сафавий (1502—1524) Хуросонни босиб олди. Қизилбошлар аҳолининг сафавийларга ғараз кўзи билан қараган қисмини аёвсиз қиргин қилди. Натижада Ҳирот тасвирий санъат мактаби ўзининг илгариги, те мурийлар давридаги мавқеини йўқотди. Шоҳ Исмоил Беҳзодга катта имтиёзлар ваъда қилиб, ўз пойтахти Табризга олиб кетишга уринди. Камолиддин Беҳзоднинг 1522—1523 йилларгача Ҳиротда яшаганлигини исбот этадиган тарихий далиллар мавжуд. Заҳриддин Муҳаммад Бобур Ҳиротда бўлганида 1519 йилнинг 25 апрелида Беҳзод ҳузурда бўлганлигини ёзди (Бобурнома, Тошкент, 1960, 301-саҳифа).

1522 йилнинг 24 апрелида Шоҳ Исмоилнинг Беҳзодни Табриз кутубхонасининг китобдори этиб тайинлаш тўғрисидаги фармони чиқди. Мазкур фармоннинг матни Хондамирнинг «Номаи номий» асарида тўлиқ келтирилади. 1914 йилда бу ҳужжатни шарқшунос олим Мирзо Муҳаммад Қазвиний Парижда чиқадиган «Ревью ду монде мусулмон» журнали (126-жилд)да эълон қилади. Шоҳ Исмоил фармонининг инглиз тилига таржимаси Томас Арнольднинг 1928 йили Лондонда чоп этилган «Ислом дунёсида тасвирий санъат» деган асарида келтирилади. Биз мазкур фармоннинг қуйида форс тилидан таржимасини келтираемиз: «Камолиддин Беҳзод номига берилган шаҳаншоҳ кутубхонасининг бошлиғи вазифаси. Ижод ва яратиш корхонаси мусаввирининг иродаси шулки, «у сизни

яратди ва хушсурат этди» калимасига биноан у нақш ва ғаройиботлар кўргуздикки, башарият одамлари имкон саҳифасига сурат чизган қудрат қаламига офарин ўқишди, «Биз сизни замин ҳукмдорига ёрдамчи этдик» сўзига қараганда, инсон зотининг бошқа маҳлуқотдан суратда зиёда тасвирланиши унинг ҳикматли бармоқлари таҳрири экан, бизнинг Ҳумоюн зотлимиз номидан Уторуд қалами билан Хуршид ҳал берган саҳифа узра замин халифаси фармонига имзо чекилди. Кўк гумбазидек варақларни бизнинг фатҳ ва зафаримиз белгилари бўлган «Рўзнома»нинг китобат қилишда кўк гумбазидек ложувард варақларни нуқра юлдузлар билан афшон, қирмизи шафақ жадвали билан мунаққаш ва муайян этиб, шунга муносиб ва лойиқ кўриндики, олижаноблик дил лавҳи Оллоҳнинг ярқироқ нури билан тарҳ этилиш суратларининг зоҳир бўлиши хайрхоҳлик белгилари экан, у шу тахлитда мусаввир бўлди, ҳар бир зарурат бахтли саркор ҳоким қарамли заруратидан, ҳар бир иш жаҳонбонлик қорхонасининг азим ишларидандир. Ҳунармандликда доно, ишбилармонликда фазилатлилар қаторида, тарроҳликда ўткир зеҳн, бўёқ беришда нафис табиат, тарҳ кашф қилишда унинг ҳар қандай турига қодир, нақш ихтиро этишда фаросатини ўз тахтасида зоҳир этди. Матлуб ва мақсуд чехрасидан ниқоб пардасини оча олади.

Аср нодираси, мусаввирлар пешвоси, музаҳҳиблар етакчиси устод Камолиддин Беҳзодким, унинг чехра очувчи мўйқаламидан Моний жони хижил бўлди, суратга оро берувчи қаламидан «Артанг» лавҳалари хижолат чекди; шунга биноан унга шу нарса тааллуқ ва лозим топилсинким, пайваста қаламни ижроси вожиб фармонга бош чектириб, халифа нишонли подшоҳ остонасининг мулозимати марказига унинг қаламини паргормисол мустаҳкам қўйиб, Хисравона лутф ва шоҳона марҳамат бажо келтириб, ҳукм этамизки, олиҳазрат китобхонаси аҳли: котиб, наққош, музаҳҳиб, жадвалкаш, ҳалқор, заркўб, ложувардшўй ва худо паноҳидаги мамлакатнинг мазкур ҳунарларга мансуб бўлган бошқа жамоати унинг ихтиёрида бўлсинлар. Пок дилли амирлар, монанди йўқ вазирлар, олампа ноҳ даргоҳидаги ноиблар, осмон сингари боргоҳ элчилари, султон хизматидаги мубоширлар, умуман, девон ишлари мутасаддилари, шоҳ китобхонаси аҳлиси ва мазкур жамоат, хусусан, мазкур устод зиммасига муставфий ва калонтарлик ишини топширилган ҳисоблаб, китобхона ишларини адо этишни унинг зиммасига юклатилсин. Ушбунинг ижроси муҳри ва тасдиқи билан мўътабар саналсин; сўзлари, келтирадиган са-

вобли натижалари шаҳаншоҳ кутубхонаси ишлари бўйича ҳукмлар бобида деюлурким, рад этиш, ўзбошимчалик зоҳир этилмасин, шунингдек, вазифалардан заҳурларини юқорида зикр этилганларни махсус ҳисобласнилар.

Устод яна амонат сурати ва диёнат чеҳрасини хотири лавҳига ва мунаввар мусаввирлиги дили саҳифасига чизмаслиғи лозим. Ушбу хизматга ростлик йўли билан киришуви, икки-юзламачилик майлидан ўзини йироқ тутиб, содиқлик ва савоблик қондасидан четланмаслиги керак, атрофдагилари ҳам шу йўлдан борсинлар. Мазкур шаҳаншоҳ ҳукми муҳри ва имзо билан мунаққаш этилгач, олий мансабдорлар воқифлигига эътиمود тутилсин. Таҳрири 27 жумодил-аввал, 928 й. ҳ. (1522 йил, 24 апрель)».

Беҳзод билан бирга Табризга унинг бир гуруҳ шоғирдлари ҳам кўчиб бордилар. Булар ичида Султон Муҳаммад, Қосим Али Чеҳракушо, Абдулазиз Исфаҳоний, Шайхзода Хуросоний ва бошқалар бор эди. Қози Аҳмад Мир Мунши ўзининг тасвирий санъат ва ҳаттотлик намояндалари тўғрисидаги рисоласида: «Устод Беҳзод фаолиятининг равнақи Мирзо Султон Ҳусайннинг қувончли кунларидан шоҳ Таҳмосп (1524—1576) ҳукронлигининг биринчи кунларигача давом этди»,—деб ёзади Маълумки, шоҳ Таҳмосп 11 яшарлигида тахтга чиқди. Тарихчилар уни жуда ҳам тантиқ ва қаттиққўл бўлганини ёзадилар. Қози Аҳмаднинг юқоридаги фикрига қараганда, кексайиб қолган Беҳзоднинг ёш Таҳмосп замонида осойишталиги бузилган ва Табризни тарк этиб, она юрти Ҳиротга кўчишга мажбур бўлган.

Беҳзод ҳаётининг сўнгги йилларига оид шоҳ асарларидан бири туяларнинг олишувини акс эттирадиган суратдир. Мазкур суратнинг асл нусхаси Истанбулдаги Гулистон саройи санъат кошонасидаги мураққаъ (альбом)да сақланмоқда (63-саҳифасида).

Мураққаъ Беҳзод ҳаётлигида унинг асарларидан тузилиб, унга машҳур тарихнавис олим Хондамир муқаддима ёзган эди. Муқаддима матни Хондамирнинг «Номайн номий» асарида келтирилади.

Мазкур икки туянинг олишуви сурати 1931 йили Лондонда ташкил этилган Эрон санъати намоишида кўрсатилган эди. Тасвир орқасида шоҳ Жаҳонгирнинг дастхат эслатмаси ҳам бор. Суратда оқ ва қора туя олишмоқда; икки киши уларни иларидан тортиб, а. ратишмоқчи. Кузатувчилар ва туялар ҳолатидан ҳақиқий «жанг» бўлгани англашилади. Мусаввир мураккаб ҳаракатларни ҳам усталик билан тасвир эта олган.

Бу сирли саҳифанинг сирли ўнг бурчида тўрт бурчак ичида қўлидаги ёзув бор:

Ин руқъанест мураққан хилқат, мушъир аз мазмуни «Афало янзуруна илай-ул-ибли кайфа хулиқат»ки, қалами шикаста ниҳод, фақири номурод Беҳзод баъд аз вусули умри бе даражае ҳафтод бе тажрубае қави дар ин амр уфтод. «Вал-масъулу мин аллаҳил афву филмаод».

(Ушбу (тасвир) яратилган мураққасидан бир парча бўлиб. (Қуръон оятининг), улар туяларнинг қандай яратилганига қарамайдиларми?» (деган) мазмунига ишора қиладик, шикаста қаламли, номурод фақир Беҳзод умри етмиш ёшга етгандан кейин кучли тажриба натижасида шу ишга қўл урди. Охира кунда уни Оллоҳдан афв этиш сўралади).

Беҳзод Табриздалигида яратган ижод дурдоналаридан яна бири чиройли турунж ичида баҳор манзараси муҳитида чол ва ёш йигит тасвиридир. Мазкур асарнинг асл нусхаси 1524 йили вазир Малик Аҳмад учун тузилган бир баёзда берилган. Баёз Вашингтондаги Фрея санъат галереясида сақланмоқда. Бу икки сурат санъатшунос олимлар фикрига қараганда, 1525 йилда яратилган. Тасвирдан мазкур асарнинг Ҳиротда чизилганлиги кўриниб турибди. Чунки сафавийлар даврида улар қўли остидаги мусаввирлар чизган суратлар Урта Осиёда яратилган суратлардан фарқ қилган. Масалан, Табризда тасвир этилган лавҳаларда албатта учидан узун қизил таёқчаси бўлган дастор кийган кишилар бўлган.

Маълумки, XVI аср бошларида Эронда диннинг шиъа мазҳаби ривожланди. Мазкур мазҳабдаги сафавийлар махсус дастор қилиб юришган. Бу дастор кўринишида узун, 12 қовурғали (шиаларнинг 12 имоми шарафига) бўлиб, энг учига қизил таёқча ўрнатилар эди. Бу қизил таёқча гўё Қарбало даштида шаҳид этилган Имом Ҳасан билан Имом Ҳусайн қонининг рамзидир. Табризда чизилган Беҳзод портрети (Истанбул кутубхонасида сақланади) бу жиҳатдан характерли. У мазкур дасторда сал букчайган, ориқ бир қиёфада тасвирланган. Ҳақиқатда эса, Беҳзод миниатюраларида сафавийлар дасторида тасвирланган бирор киши расмини учрата олмаймиз.

Юқорида зикр этилган икки туянинг олишуви саҳнасини тасвирловчи лавҳанинг 1931 йили Эрон санъати намойишида 1525 йили чизилганлиги қайд этилган эди. Бунга кўра, Беҳ-

зод 1455 йили туғилган бўлиб чиқади. Умрининг охириги йилларини Беҳзод Ҳиротда кечиради.

Беҳзоднинг вафоти тўғрисида ҳам турли фикрлар мавжуд. Табризда яшаган наққош Дўст Муҳаммад ибн Сулаймон Ҳаравий ўзининг Баҳром Мирза альбомига ёзган шарҳида (951—1544) Беҳзоднинг ўлими тўғрисида Дўст Ҳошимий томонидан ёзилган «Назар афкан бе хоки қабри Беҳзод» деган таърихни келтиради. Бунга қараганда, Беҳзод 942—1536—37 йили вафот этган. Дўст Муҳаммад яна Беҳзодни Табризда шоир Камол Хўжандий қабри ёнида кўмилган, дейди. Бизнингча, бу фикр ҳақиқатдан йироқ. Қози Аҳмаднинг фикрича, у Ҳиротда ўлган бўлиб, қабри Кўҳи Мухтор (Мурод тоғи) мавзенинг хушманзарали жойида. Хатираси (қабри) нафис нақшлар ва тасвирлар билан безатилган.

Равшан ҳаётини манзара, кишилар тасвиридаги жонлилик, меҳнаткаш ҳалқ ҳаётига, унинг машаққатли меҳнатига кўпроқ мурожаат қилиш, ортиқча дабдабанинг йўқлиги Беҳзод яратган тасвирий санъат асарларининг ўзига хос хусусиятларидир.

Ном чиқарган ҳар қандай моҳир уста сингари Беҳзоднинг ҳам ўнлаб шогирдлари бор эди. Масалан, унинг энг яқин шогирди Қосим Али устозидан қолишмади ва замондошлари томонидан юқори баҳоланди. Тарихчи Ҳайдар Мирзонинг ёзишича, Беҳзод шогирдлари Қосим Али Чехракушо (портретист) дан ташқари Мақсуд ва Мулла Юсуф каби наққошлар бўлганини, Али Мустафо Шайхзода Хуросоний ва Ога Мирак бўлганини, Қози Аҳмад эса Дўст Девона ва унинг отаси Музаффар Али бўлганини эслаб ўтади. Қози Аҳмад Қоҳирада сақланаётган Саъдийнинг миниатюралари «Бўстон»ини (1488) яратишда Беҳзодга ёрдам берган Ёри Музаҳҳибни ҳам Беҳзоддан таълим олган дейди.

Сафавийлар даври тарихчиси Искандар Мунший Беҳзоднинг Табризда етиштирган шогирдларидан бири Музаффар Али бўлганини таъкидлайди.

## ШОҲ МУЗАФФАР

(1481—1505)

Мирза Ҳайдар «Тарихи Рашидий» асарида Султон Ҳусайн Мирзо замонидаги мусаввирлар ҳақида ёзар экан, уни биринчи бўлиб тилга олади. Шоҳ Музаффар ҳақида у қуйидагиларни ҳикоя қилади: «Шоҳ Музаффар устод Мансурнинг ўғлидир. Султон Абусайд замонида бундан бехтари бўлмаган. Муқад-

лами борик (ингичка) ва нозикликда тенги йўқ эди. 24 ёшида вафот этди. Умримиз муддатида саккиз мажлисни тамом қилди. Санъат устодлари уни гоёта ҳурмат қилишар эди. «Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асаридан мусаввир ўтмишдошимиз Шоҳ Музаффар ҳақидаги қўйидаги қайдларни топамиз: «Яна Шоҳ Музаффар эди, тасвири кўп нозук қилур эрди. Ташъирни (яъни шаърни-сочни) худ гузаро нозик қилур эди. Хили умр топмади. Яна бир таснифи бор, ул таснифи тасаввуфтадур, ёмон эмас.... Тарққий маҳалида—ўқ оламдин борди (яъни вафот этди)». «Тарихи Рашидий» ва «Бобурнома» асарларидаги мазкур қайдлар Шоҳ Музаффарнинг тасвир ва хаттотлик соҳасида ўзига хос оригинал истеъдодга эга бўлганини, ўз даврининг моҳир мусаввирларидан бўлганлигидан далолат беради.

### МАҲМУД МУЗАҲҲИБ ёки ШАЙХЗОДА МАҲМУД

Шайхзода Маҳмуд машҳур наққош ва мусаввир. Ҳусайн Бойқаро саройида ижод этган ва Беҳзоддан ва Ога Мирақдан таълим олган. Шайбонийхон 1507 йили Ҳиротни олгач, Маҳмуд Музаҳҳиб Самарқандга кўчади ва бу ерда ҳам ижодий иш билан шуғулланади. Унинг Ҳиротда яшаган чоғидаги асарлари бизгача етиб келмаган. XVI асрнинг 30-40-йилларида чизган суратларидан ўттизга яқини кашф этилган. Маҳмуд Музаҳҳиб қаламига мансуб бўлган шоир ва буюк мутафаккир Алишер Навоий сурати машҳур. Зайниддин Восифийнинг ҳикоя қилишича, Беҳзод Навоий ҳаётлигида унинг суратини чизган. Аммо бу сурат бизгача етиб келмаган. Зайниддин Восифий ёзади: «Машҳурдурким, Амири Кабир Амир Алишернинг фирдавс ойна, осмон зийнатли мажлисига мусаввир Беҳзод бир саҳифа келтурди. Сурати ҳол андоқ эрдиким, боғчайи ораста қилиб эрдиким, нечча гуно-гун дарахтлар билан қопланган ва онинг шоҳисорида хушсурат қушлар сурати тортилган ва ҳар тарафда ариқлар оқиб, гуллар очилган. Мир Алишернинг марғуб сурати андоҳким, асога таки қилиб турган».

Бундан кўринадики, Беҳзод чизган сурат Маҳмуд Музаҳҳибникига ўхшаб кетади. Шунинг учун Маҳмуд Музаҳҳиб Беҳзоднинг мазкур саҳифасидаги шоир Алишер Навоий суратинигина кўчириб олган бўлиши мумкин. Суратга баъзи аниқликлар киритгани учун у сурат остига ўз номини ёзиб қўйган. Мулоҳазаларимиз ҳақиқат бўлса, Алишер Навоий чехраси тўғри тасвир этилган бўлиб чиқади. Чунки Маҳмуд Музаҳҳиб ҳам Беҳзод сингари шоир Алишер Навоий билан бирга бўлган.

Мазкур сурат 1931 йили Лондонда ташкил этилган Эрон санъати кўргазмасида намоиш этилган эди. Ҳозир Техронда шаҳаншоҳ кутубхонасида сақланади. Навоий суратини кўздан кечирар эканмиз, у уста санъат эгаси томонидан чизилганлигига шубҳа қолмайди. У шоирнинг кексалик чоғларини тасвирлаб, чеҳраси анча маънодор чизилган. Унинг кўзлари жонлидек, кимнидир диққат билан тинглаётгандек. Сурат юқорисида «Сурати Амири Кабир Мир Алишер» деган ёзув бор.

Маҳмуд Музаҳҳибнинг бошқа асарлари ҳам, моҳирлик билан бажарилган бўлиб, устози Камолиддин Беҳзод услубини эслатиб туради. Санъатшуносларнинг эътироф этишига қараганда, Маҳмуд Музаҳҳиб 1565 йили (ёки 1570 йиллари) Бухорода вафот этган. Тарихнависларнинг ёзишича, мусаввир Абдулла Хуросоний деган унинг истеъдодли шогирди бўлган. Маҳмуд Музаҳҳиб қаламига мансуб суратлар Абдурахмон Жомийнинг «Тухфатул-аҳрор» (1499 йили Султонали Машҳадий томонидан кўчирилиб, кейинроқ тасвир этилган. Ҳозир Париждаги кутубхонада сақланмоқда), Низомийнинг «Хамса»си (Британия музейида) ва бошқа қўлёзмаларда сақланиб қолган.

## ҚОСИМ АЛИ ЧЕҲРАКУШ

Қосим Али Чеҳракуш (портрет чизувчи) Беҳзоднинг шогирди, моҳир мусаввир ва хаттот. У Ҳирот Исмоил Сафавий (1502—1512) томонидан 1510 йили босиб олингач, Сейстон вилоятига кетиб, мударрислик қила бошлайди. 1522 йили Беҳзод Табризда шоҳ кутубхонасининг китобдори этиб тайинланганидан кейин, Қосим Али ҳам унинг ёнига кўчиб боради. Тарихнавис Хондамир у ҳақда қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Ул жаноб фузало умдаси ва уламо жумласи ўлдигидан зоти карам ва саҳоват била тамом имтиёзлик эрди. Ёшлиги айёми нбтидосида ўта олий ҳимматин илму дониш касбига мутасарриф тутуб, олтинни ҳал қилмоқ ва заркашлиг сифати ва қуввати била сарафрозлиг қўл берди. Зўҳду иршод сифати... била ҳажжул ислом ўткармак... ва исломнинг муқаддас равзаси (Макка) тавофи лавозимин биткармакка фонз бўлиб, яхши амал ғайрин этмайдур эрди. Нафасининг солимлиги камолидан андеша қалами била ҳайрихоҳлигинин ўзга ним нақшин ориғ кўнглининг сўрови мавжубинча ўзининг маълум (ўрганган) ватани (Ҳирот)дан сафар қилиб, Сейстон жонибига таважжуҳ кўргузди. То бу вақтгача (яъни «Равзатус-сафо»нинг еттинчи жилди ёзилаётган 1523—1524 йилларгача) ул

вилоятда овқат кечирур, эъзоз ва икром камоли била мударислиғ маснадиға тамкин буюриб, дарсғўйлиғ маросимин бажо келтурур».

## МАВЛОНО ҲОЖИ МУҲАММАД НАҚҚОШ

Султон Ҳусайн Мирзо саройининг машҳур олими, наққош ва мусаввири, турли ҳунар эгаси, шоири, Ешлиғидан Алишер Навоий қўлида тарбияланади. Алишер Навоийнинг вазирлик чоғларида унинг китобдори бўлган. Ҳожи Муҳаммад Наққош ихтирочи олим эди. Унинг замондоши тарихнавис олим Мавлоно Хондамир Ҳожи Муҳаммад Наққош ва у ясаган соат ҳақида шундай ёзади: «Мавлоно Ҳожа Муҳаммад турли фанлар ва илмлар соҳасида катта маҳоратга эгадир. Ёзунинг устига у гаройиб ҳаёлот нақшларини ва турмуш ҳаётининг ажойиб суратларини рўзгор лавҳига чизар эди; тасвир ва тазҳиб фанида тамом маҳоратлиқдир.

Ўз азиз умрининг бир неча муддатини чинни пиширмақ ишига сарф қилиб, кўп тажриба этгани ва беҳад машаққат чекканидан сўнгра, у яратган чиннисозлик корхонасида пиширган идишлари ранги ва сифати билан Хитой чиннисидан қолишмасди. Мавлоно Ҳожи Муҳаммад ихтироларидан бири сандуқли соатдирки, уни олий Ҳазрат Алишер Навоий китобхонасида ясаганлар. Шу сандуқ ичида бир сурат ясаганки, кундан бир соат ўтганда, (у сурат) қўлида ушлаб турган чўп билан олдида ўрнатилган нақорага ура» эди. Икки соат ўтгандан кейин икки навбат шу ҳаракатни қайтарар эди. Шу залда оқшом ва кундузнинг барча соатларида ул амални бажо этур эди».

У шоир Алишер Навоий қўл остида узоқ муддат ишлади, ижод этди. Навоий уни «Мажолисун-нафис»да катта ҳурмат билан тилга олади: «Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Машҳаддиндур. Кўпроқ авқоти бу фақир била мусохибдур ва фарзанд ўрнигадур, балки андин ҳам азизроқ. Аҳлоқда малакийдур, башар сурати била келган ва атворда фариштадир, инсон ҳайъатида зуҳур қилғон. Таъби софий ва тафаккури барча диққатларга вофий (яъни қодир)».

Мавлоно Хондамир келтирган маълумотларга қараганда, Навоий Астрободга сургун қилинган, Мавлоно Ҳожи Муҳаммад форс, Ироқ ўлкаларини мусофирликда кезади, Шу пайтларда Султон Ҳусайннинг ўғли Бадиуззамон Мирзо Балх вилоятида ҳоким эди. Мавлоно Ҳожи Муҳаммад унинг хизмати-га боришга мойиллик билдиради. 1499 йили Бадиуззамон



Мирзо отасига қарши исён кўтариб, Ҳиротни муҳосира қилганда Ҳожи Муҳаммад шаҳзода Бадиуззамон ҳузурига келади. Шаҳзода уни Балхда ўзининг китобдори қилиб тайинлайди. У ерда Ҳожи Муҳаммад бир неча вақт ижод этади: наққошлик ва мусаввирлик билан шуғулланади. Умрининг охириги йилларини ўзи ўсиб вояга етган шаҳри Ҳиротда кечиради. Муҳаммад Шайбонийхоннинг Хуросонга ҳужуми пайтида, 1507 йили шу ерда вафот этади.

## ДАРВЕШ МУҲАММАД ИБН МУҲАММАД МУМИН

Султон Ҳусайн Мирзо замонининг машҳур мусаввир ва наққоши. Беҳзод нигорхонаси (нафис тасвирий санъат асарлари яратиладиган ва китоб тузиладиган корхона)нинг наққоши. У ёшлиқдан Беҳзодга шогирд тушади. Шарқнинг машҳур рассоми, наққошидан мазкур санъатлар сирларини ўрганади ва етук ҳунар эгаси бўлиб етишади. Дастлаб у Хуросондаги манзиллар ва саройлар нақшидаги зарар етган жойларини таъмир (тузатиш) иши билан шуғулланган. Сўнграқ у Ҳиротда Беҳзод хизматига ўтган. Алишер Навоийнинг таъкидлашига кўра, Беҳзод нигорхонасига кўргазмага қўйилган санъат асарларининг аксари шу Дарвеш Муҳаммад томонидан бажарилган. Султон Ҳусайн вафотидан сўнг у Форс ўлкасига кўчади; ундан эса Ҳиндистонга ўтади ва бобурийлардан Ҳумоюн саройида катта эътиборга молик бўлади. Бобурийлар ҳам ўз салаф ва ақраболари темурийлар сингари нафис тасвирий санъат ошиқлари эдилар. Вазир ва муншийлари ичида ҳам мусаввир ва наққошлар кўп эди. Чунончи, машҳур тарихчи Мирза Ҳайдар Ҳумоюн саройида бўлган чоғда мусаввирликни севиб қолиб Дўст Муҳаммадга шогирд тушади. Ўз устозининг иззату эҳтироми зўрлигини кўради, ўз асари «Тарихи Рашидий»да уни меҳр билан тилга олади: «Фақирнинг устоди Мавлоно Дўст Муҳаммад Музаффаршоҳнинг шогирди эди. (Мўй) қаламининг нозик (борик) лиги мислсиз эди. Шоҳ Музаффардан ҳам ўтар эди. У найзасининг учида бир шерни кўтариб турган суворий суратини солган эдики, мазкур сурат бир гуруч донаси остида жо бўларди». Бундан маълум бўладики, Дўст Муҳаммад «Тарихи Рашидий»нинг ёзилиши замоннда, яъни 953. й. ҳ. (милодий й. билан 1546—1547 й.)да ҳаёт бўлган.

## БАДИУЗЗАМОН МИРЗО

Бадиуззамон Мирзо насъталиқ ва бошқа хатлар устаси; темурийзода Султон Ҳусайн Бойқаронинг катта ўғли, Сейстон

ва Балх (1495—1505) ҳокими, Алишер Навонийнинг мухлиси ва шогирди. Отасидан кейин тахтга эга бўлган (1506) бўлса-да, бир йилдан сўнгра кўчманчи ўзбеклар хони Шайбонийхон томонидан мулки олиниб, Эрон шоҳига илтижо этади ва бир тўда санъат аҳллари билан Табризга кетади. Туркия Султони Салим Табризни 1514 й. истило этганда уни Истанбулга олиб кетади. Кейинроқ, 1517 йилда ўша ерда вафот этади. Замондош тарихчи ва олимларнинг ёзишича, Бадиуззамон яхшигина ҳаттот ва мусаввир бўлган. Навоний «Мажолисун-нафонс» асарида унинг тўғрисида шундай ёзади: «Бадиуззамон Мирзо ҳусни сурат ва ҳусни сийрат била ораста, жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била пийроста йигитдур».

### СУЛТОН МУҲАММАД

Султон Муҳаммад наққош ва мусаввирликни Султон Ҳусайн замонида эгаллади. Султон Ҳусайн вафотидан сўнг мамлакатда бесаришталик авж олгач, у Табризга кўчади. У ерда Султон Муҳаммад Ҳирот тасвирий санъат мактабида олган билимлари асосида қатор шогирдлар етиштирди. Ўғли Устод Маҳди Ҳаравий ва Шоҳ Исмоилнинг ўғли Таҳмосп шулар жумласидандир. Беҳзод вафотидан сўнг Табризда унинг тасвирий санъатдаги анъаналарини давом эттирди, наққошлик ва тасвирда ўз устози Беҳзод услубига содиқ қолди. Афғон олими Али Аҳмад Наимийнинг ёзишига қараганда, Султон Муҳаммад XVI асрнинг сўнги чорагида вафот этган.

Султон Муҳаммад қўли билан чизилган суратларни кўздан кечиран эканмиз, уларда Ҳирот тасвирий санъат мактабига хос белгиларни кўраемиз.

### АБДУЛЛА МАРВАРИД КИРМОНИЙ

Лақаби Шаҳобиддин ибн Хўжа Шамсиддин Марварид. Баёний таҳаллусида шеърлар ҳам ёзган. У машҳур хаттот ҳам эди. Олдин Султон Ҳусайн саройида мунший бўлиб ишлайди. Вафоти 941 й. ҳ.—1516 йил. Унинг шеърлар девони, «Тарихи Шоҳий» ва муншооти маълум.

### МАВЛОНО МУЗАФФАР АЛИ

Музаффар Али табризлик наққош. Устод Беҳзоднинг жиани (синглисининг ўғли). Мавлоно Ҳайдар Алининг ўғли. Наққошлар тўғрисидаги тазкира муаллифи Содиқий китобдор наққошлик ва мусаввирликни Мавлоно Алидан ўрганган. Шоҳ Таҳмосп Музаффар Алининг ишларини Беҳзодникидан устун

кўяр эди. Мавлоно Мир Али ва Мавлоно Султонали сингари ёзув устодларининг қитъаларини кўчирганда уларнинг ёзувидан ҳеч бир фарқ қилмас эди. Содиқий китобдорнинг ёзишига кўра, у шатранжни ғойибона ва моҳирлик билан ўйнар экан, Қазвинда вафот этган.

### ХУЖА АБДУЛАЗИЗ

Хўжа Абдулазиз наққош, Шоҳ Исмоил I (1501-1524) китобхонасининг наққоши ва мусаввири устод Беҳзоднинг шогирди. Хаттотлик ва наққошлик рисоаларида унинг катта ақл ва билим эгаси бўлганини ёзадилар. Хўжа Қабоҳат Жарроҳнинг ўгли Мирзо Муҳаммад икки-уч наққошлар қаторида уни ҳам олиб Ҳиндистон сари кетмоқчи бўлади. Йўл асносида улар подшоҳ муҳрини тақлид қилиб, юз туманлик бир барот (нақд пул олиш учун ишонч қоғози) ясайдилар. Аммо қўлга тушиб, Таҳмосп қошига келтириладилар. Шоҳ жазо сифатида Хўжа Абдулазиз ва Мавлоно Али Асқарнинг қулоқ ва бурунларини кестиради. Нақл қиладиларки, Хўжа Абдулазиз ўз наққошлиги маҳорати билан ўзига шундай бурун ясайдики, аввалги ўз бурнидан яхшироқ эди.

### АШРАФХОН МИР МУНШИИ

Асли исми Мир Муҳаммад Асқар, Сабзавор шаҳрида туғилган. Султон Ҳусайн Мирзо саройи хаттоти ва наққошларидан. У етти турли ёзувни мукамал билган. Айниқса насх билан таълиқ ёзувида унга етадиган бўлмаган. Кейинчалик у Ҳиндистон подшоси Ҳумоюн саройида катта обрў қозониб, Мир муншийлик (муншийлар бошлиги) мансабига кўтарилади. Вафоти 1565-1566 йилларда.

### МАВЛОНО ЮСУФ

Наққош. Камолиддин Беҳзод шогирдларидан бири ҳақида Зайниддин Восифий қуйидагиларни хотирлаб ёзди: «928 й. ҳ. шаввол ойининг 17 сида, шанба кўни эрдиким, тақдир мусаввири тасвир милки бирла найзадор отлиқ суворий — олам афрўз кўёш, кундуз бабр баёнининг, ҳайъатини саодатли даҳр саҳифасига тортган чоғда, ягона санъат котиби бадойиъ рақам қалами билан нилгун гардун саҳифасини... музайян ва мувашиша қилганда, ҳазрати жамжоҳ, халофатпаноҳ, Сулаймон маконли соҳибқирон, замон Дороси, Фаридун шукуҳли, хуршид асарли жаҳондор, фалак қудратли, давр султонларининг пешвоси, бахтиёрлик фалакининг қутби, жаҳондорлик

доирасининг маркази Абулмузаффар Султон Муҳаммад Баҳодир, худо мулкани жаннат этсин, хиргоҳ ичра шахриёрлик сарири ва комкорлик маснадида иззат ва ҳурмат мақомида қарор тутиб эрдиларким, фазилат ва камолотларнинг мужассами, бадиа расмлар мусаввири, латиф рақамларнинг нафис ижодкори Жамолиддин Юсуфким, наққошлик ва суратгарлик санъатида камолот мартабасида эрди. агар Моний замонида бўлса эрди, ўзининг ҳунарварлик корхонасининг бисотини йиғнар эди, инсоф қалами билан бадиънигор, ғаройиб асарли суратхонаси зайлида битар эдики, Ҳумоюн мажлисига келди ва унинг масҳуби билан бир саҳифа эрдик. суратда навжувон найздор шоҳсувор, унинг найзаси бабр баёнининг манглайига санчилган, нуқра рангдаги арғумоғи унинг салобат ва ҳайбатидан ваҳима кўргузган. Андоқ бир саҳифа эрдиким, агар ул латиф нақшли сурат фалак лавҳида бўлса эрди, ул шоҳсувор қоматидин фалак беша (урмон)сининг шери гардун арсаганин найзадорига паноҳ элтур эрди ва ул бир шершикор нақшининг салобатидан найздор Баҳром рахт иқоматини асад буржига элтур эди, олий мажлис ва жамоага туҳфа қилди эрса зевари таҳсин ва офарин нисори билан сарафроз бўлди».

### МАВЛОНО ШАМСИДДИН

Санайи 901 ҳижрий рабиул-аввал ойида (1495 йил, ноябри) Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад вафот этди. У Султон Ҳусайн Мирзо замони фозилларидан бўлиб, Мавлонозода номи билан машҳур бўлган Мавлоно Усмондир. У Ҳирот вилоятидаги Султония мадрасасининг мударриси, Қози Ихтиёриддин Ҳасан унинг вафоти муносабати билан ушбу таърихни назм қилган:

Алломайи хиттайи Самарқанд, к-он олимпи  
 омили малакхўй,  
 Аз дори фано ба олами қудс зад хаймаву  
 тофт аз жаҳон рўй.  
 Таърихи вафоташ, эй хирадманд аз дониш—  
 манди муштаҳид жўй  
 (Самарқанд шаҳри алломаси, у малакҳислатли  
 омил олимдир.  
 Фано уйидан қудс оламида чодир тикди-ю  
 жаҳондан кўчирди.  
 Унинг вафоти таърихини эй хирадманд машҳур  
 донишманддан сўра).

Санайи 902 ҳижрий раббис-соний ойн (милодий 1496 йил декабри)да Султон Абу Язид ибн Муҳаммад ибн Музаффар

вафот этди. У ҳам Султон Ҳусайн Мирзонинг эътимодли кишилари дан эди.

Санайн 903 ҳижрий зулқаъда ойининг иккинчи куни (милодий 1498 йил, 22 июнь куни) Амир Хованд шоҳ вафот этди.

У «Равзатус-сафо» мусаннифидир.

## ҲАЗРАТИ МАВЛОНО САЪДИДДИН КОШҒАРИИ

Қутбул-ақтоб, ғавсул асҳоб, саъдул-милла вад-дин Мавлоно Саъдуддин қаддаса сирраҳу аслида Кошғар вилоятидандирлар. Суратий ва маънавий камолот касбини Хуросон мамлакатида ҳосил қилганлар. Бузурглик васфларининг шоҳидини шундан яхшироқ билса бўлурки, Ҳазрати Маҳдумий, Мавлоно Абдураҳмон Жомий, қаддаса сирраҳу талаб қўлини ул ҳазрат домани покларига, иродат бошларини ул зот ҳалқайи фатроклари га урганлар. Санайн 859 ҳижрий жулюдус-соний ойининг чаҳоршанба куни (милодий 1455 йилнинг, 21 май куни) фоний дунёдан боқий саройга риҳлат қилдилар. Фойиз ул-анвор мазорлари Ҳирот шаҳридадир.

## МИРХОНД

Халқимизнинг жаҳон фани тарихидан муносиб ўрин эгаллаб асрлар оша ардоқланиб келаётган фарзандларидан бири Мирхонддир. У «Равзатус-сафо» (тўлиқ номи «Равзатус-сафо фи сийрат ул-анбиё вал-мулук вал-хулафо» — «Набилар, султонлар ва халифалар сийратларининг поклик боғи») номли тарихий асарини ёзиб шуҳрат топган. Мирхонднинг отаси Сайид Бурҳониддин Ховандшоҳ асли бухоролик. Кейинроқ у Балхга кўчиб, бу мулкнинг «мутаайин донишманди ва бузурги» (Навой) ҳисобланган. Носириддин ибн Амир Музаффар бир асирида Сайид Бурҳониддин Ховандшоҳнинг хоки Бухорода, Сайфуддин Бохарзий мақбарасига қўйилганини таъкидлайди. Шундан биз Мирхонднинг отаси вафотигача Бухорода бўлган ва ўғли мадрасани шу ерда тугатган, деган хулосага кела оламиз. Чунки Балх ва унинг атроф вилоятларида Шоҳруҳ Мирзо вафотигача нотинчлик, ўзаро феодал курашлари авжига чиққан эди. Султон Ҳусайн 1469 йили ҳокимият тепасига келгач, Мирхонд Ҳиротга кўчади. Набираси Хондамир бу ҳақда шундай ёзади: «Падарпаноҳ жаноб амир Хованд Муҳаммад йигитлик чоғларида илмларни таҳсил қилиш, нафис фазилатларини камолга етказиш учун зўр тиришқоқлик вақунт билан ўқидилар, қисқа вақт ичида билимдонликда давр фозилларининг пешқадами бўлдилар. Уша вақтда ул зот тарих ва ахбор илми-

ни касб этдилар. Дунё аҳволи ҳамда нишонларини тадқиқ қилишга киришдилар...».

Мирхонднинг йигитлигидаёқ илмда камолга етганини Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да ёзади: Мирхонд ёши улуглиги, фазилатларининг беҳисоблиги туфайли гурурли бўлса ҳам, фоний табиат ва хушахлоқликда ундан ўтадиган киши йўқ эди. Алишер Навоий Мирхонддан йирик бир тарихий асар ёзишни илтимос қилади. Мутафаккир шоирга бўлган ҳурмати туфайли Мирхонд бу илтимосни баъзонидил адо этишга киришади. Алишер Навоий унга Халосия хонақоҳида жой ҳозирлатиб, ўзининг бой кутубхонасидан фойдаланиш учун имкон яратиб беради. «Бу фақир илтимоси ила аввали офаринишдин бу кунгача тарихи жомеъ битурким, нисфига етибдур. Иншооллоҳ тугатурига муваффақ бўлғайким, таворих орасида андин муфидроқ (фойдалироқ) тарих бўлмағусидир», деб баҳо беради Мирхонднинг тарихий асарига шоир «Мажолисун-нафоис»да.

«Равзатус-сафо»ни ёзишда Мирхонд Алишер Навоийнинг ҳар тарафлама ёрдамидан баҳраманд бўлди. Хондамир ёзади: «Ихлосманд амир Алишер ҳазратлари ўша китобни ёзиш вақтида ва ундан сўнг зирвардида шуҳрати оғиздан оғизга ёйилган мартабали жаноб бобомни туҳфалар билан тақдирлади, қимматбаҳо инъомлар билан сарафроз қилди... Жаноб бобом ҳидоят хислатлик Амирнинг хайрхоҳлиги туфайли ул нодир асарни тасниф қилишда саъй ҳаракат шартларини ўрнига қўйди ва қисқа муддат ичида етти иклимда тенги бўлмаган ул китобнинг олти дафтарини 900 ҳижрий (милодий 1494) йилда ёзиб тугатди... «Равзатус-сафо»нинг мусаввада ҳолида қолган тугалланмаган еттинчи дафтарни содир бўлган ишлар ва Соҳибқирон (Султон Ҳусайн Бойқаро) даврида юз берган аҳвол туфайли йўқолиб, тамомланмай қолган». «Содир бўлган ишлар» деганда муаррих мамлакатда авж олган феодал урушлар, 1497 йили Мўмин Мирзонинг ўлдирилиши, 1498 йилда ака-ука шаҳзодалар Бадиуззамон ва Абдулмуҳсин Мирзонинг ўз оталари Султон Ҳусайн Мирзога қарши хурушларини ва ниҳоят Мирхонднинг бетоб бўлиб қолишини назарда тутади.

Мирхонд ёзади: «Ажойиб хабарлар ва ғаройиб асарлардан иборат олтинчи жилд поёнига етиб, варақларни қораловчи ривоятни давом эттириб турганда ажиб бир ҳол юз берди. Мушк чочувчи қалам унинг ғариб қолган ҳолига қарамай бу ишни охирига етказишга ундар эди. Гапнинг маъниси шулки, хушхиром қалам тулпори ҳазрати ҳоқони Саъиднинг тахтга чиқиши майдонига етгач мазкур сатрларни рақам қилувчи бахтсиз

кимса жигари ва буйраги ишида заифлик кучайиб, ҳаракат, балки ўлтиришга мажоли қолмади. Масиҳо нафасли табиблар бу кимсасиз ғарибни парвариш ва парҳез қилиш билан тузалилишимга кўз тикиб кўп уриниб, мени шод қилдилар... Ҳаёт нақди азиз туҳфа ва ноёб неъмат экани учун камина ўша жамоа йўриғидан чиқишни жойиз билмадим».

Алишер Навоий ёзилажак асар режасини тузишда Мирхондга бевосита ёрдам беради. «Равзатус-сафо» муқаддимасида ёзилишича, Алишер Навоий асар режасини маъқул топгач, қуйидаги шартларга риоя қилинишни эслатади; бошқа асарлардан воқеалар шарҳини айнан кўчирмасдан ижодий ёндашмоқ, асарни тушунилиши қийин иборалар, мажозий сўзлар билан тўлдириб юбормаслик, ифоданинг аниқ ва равшан бўлишига эришмоқ. Асар етти дафтар, муқаддима ва хотимадан ташкил топиб, ҳар жилд мазмунан бир-бирининг давоми, айна вақтда мустақил ва пишиқ бўлиши лозим эди. Мирхонд асарини 1474 йилда шу олтинчи жилддан, Амир Темур даври тарихини ёзишдан бошлаган. Баъзи манбалардан аниқланишича, асарнинг ёзилишида Хондамир бобосига ҳамкорлик қилган. 1494 йилда еттинчи жилдни унинг ўзи бобоси услубида ёза бошлаган. Бу пайтда Мирхонд ҳаёт эди. Шунинг учун тадқиқотчилар еттинчи жилд ва хотима ҳақида сўз юритганларида бу қисмларни Мирхондга нисбатан берадилар.

Хондамирнинг ёзишича, Мирхонд ҳаётининг кейинги йилларида танҳоликка майл кўргузиб, одамлардан ўзини узоқ тутарди. Ҳирот ташқарисидаги Гозургоҳ чорбоғидан чиқмай қўяди. Дардга чалиниб, аҳволи оғирлашгач, Ҳиротга қайтади, 903 ҳижрий зулқаъда ойининг иккинчи кунн (милодий 1498 йил, 22 июнь) олтмиш олти ёшида вафот этади.

Асарнинг еттинчи жилди ва хотимасини Хондамир 1521 йили ёзиб тамомлайди. «Равзатус-сафо»нинг қисқача мазмуни қуйидагича: биринчи жилд—дунёнинг яратилишидан сосонийлар сулоласининг инқирозигача бўлган давр тарихи, иккинчи жилд—Муҳаммад а. с. ва тўрт халифа тарихи, учинчи жилд—умавий ва аббосий халифалари тарихи, тўрттинчи жилд—аббосийлардан Амир Темур замониғача ўтган ҳукмдорлар тарихи, бешинчи жилд—Чингизхон ва унинг авлодлари даври, олтинчи жилд—Амир Темур ва унинг авлодлари давлатининг Султон Абусаъид вафотиғача бўлган даври тарихи, еттинчи жилд—Султон Ҳусайн Мирзо давлатининг ташкил топиши, гуллаб-яшнаши ва инқирози тарихидан иборат. Хотима қисми темуррийлар давлати ҳудудининг тарихий жўғрофияси ҳақидадир. Ҳар бир жилди тахминан 25-30 босма жузъ келадиган йирик

асарнинг қисқа муддатда ёзилишида аввало Мирхонднинг ёшликдан тарих ва иншога қизиқиб анчагина китоблар мутолаа қилгани қўл келган бўлса, буюк мутафаккир шоирнинг асар ёзилишини кўздан кечириб, муаррихни моддий жиҳатдан қўллаб тургани сабаб бўлган. Алишер Навоийнинг: «Таворис орасида андин муфидроқ тарих бўлмағусидир», деган ишончли эътирофи «Равзатус-сафо»нинг шоир назаридан ўтганлигига ишорадир. Мирхонд ўз асарида фойдаланилган ўн бештача араб тилидаги, йигирма бешдан ортиқ форсча муҳим тарихий манбани санаб ўтади. Бу китобларнинг аксари бизгача етиб келмаган. Шунинг учун бизга маълум манбаларда учрамайдиган тафсилотларни Мирхонд асарида учратишимиз мумкин. Араб халифаси Носирнинг Хоразмшоҳга нисбатан ғаразли ниятлар билан Чингизхон ҳузурига элчи жўнатгани, Чингизхоннинг Марказий Осиё шаҳарларини босиб олиши, мўғуллар давлатининг асосчилари Ўқтой, Ҳайду, Жўчи тўғрисидаги тафсилотлар, Самарқанд сарбадорлари ҳақидаги фикрлар, Улуғбек Мирзонинг 1425 йили жәтелар устига зафарли юриши ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир. «Равзатус-сафо»нинг барча жилдлари Ўрта Осиё халқларининг маданий, сиёсий ва ҳўжалик ҳаётига доир маълумотларга мўллиги бу манба устида кенгроқ тадқиқот олиб борилиши мақсадга мувофиқ эканлигини тақозо этади. Маълумотларга бойлиги ва юксак бадий услубда ёзилганидан асар Мирхондга катта шуҳрат келтиради. Кўпгина тазкиранавислар ва тарихчилар ул зотни катта ҳўрмат билан тилга оладилар. «Равзатус-сафо» мазмундор улкан тарихий мусаббаъ бўлиб қолмай, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий дидларига монанд ва ул зотга манзур бўларли даражада юксак маҳорат билан ёзилган бадий асар ҳамдир. Унда муаррих ўз тил бойлиги, нафис ва фасиҳ иншосини намоиш эта олган. Машҳур шарқшунос И. И. Петрушевский «Равзатус-сафо»ни форсий тилда битилган бадий асарларнинг энг юксак намунасидир, деб баҳолайди.

Асарнинг Шарқ мамлакатларида ўн икки бор чоп этилиши, Оврупода ўтган аср бошларидан буён лотин, инглиз, олмон ва фаранг тилларида чоп этилиб, изчил ўрганилиб келинаётгани Мирхонд асари илмий қиммати эътирофи, қолаверса, унинг ҳомийси ва устози Алишер Навоий даҳосига ҳўрмат ифодасидир.

Ўтган асрда Хива хонлигида «Равзатус-сафо»нинг ҳар етти дафтари етук олимў шоирлар Мунис, Огаҳий ва Рожий томонидан ўзбек тилига таржима қилинди. Катта меҳнат самараси бўлган бу таржима қўлёзмалари Ўзбекистон Республикаси



Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва бошқа шаҳарлар китоб ганжиналарида сақланади.

## СУЛТОНАЛИ — МАШҲАДИИ

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий яшаган даврда Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари мусаввирлик ва наққошликни юксак камолот даражасига кўтаришган бўлса, Султон Али Машҳадий бошлиқ хаттоғлар ўз ҳунарларини нафис санъат мактаби даражасига етказдилар. Шунинг учун ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур: «Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажиб замон эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳирий шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машгуллуғи бор эди, ҳашаматли ва гарази ул эдиким, ул ишни камолга еткургай», деб бежиз айтмаган.

Султон Али Машҳадий ва унинг шогирдлари кўчирган қўлёзмалар етук наққош ва сураткашлар томонидан зийнатланар ва юксак қадрланар эди. айниқса Султон Али Машҳадий ўз замондошларининг юксак баҳосига мушарраф бўлди. Мазкур ҳоли Алишер Навоий ҳам таъкидлаган эди:

**Қиблатул-куттобким, дерлар ани Султон Али,  
Ким қазо қилки масаллик ҳалики ёзмас ғалат.  
Қайси қитъамни-ки ёзди, борди андин шеърлик,  
Эй соларлар жузвдонга ўйлаким бир қитъа хат.**

Ҳозирги кунда ҳам унинг сеҳр яратувчи қаламига мансуб асарлар жаҳон санъат қошоналари ва бисотида авайлаб сақланади. Санкт-Петербурглик санъатшунос олима Г. И. Костигова Султон Али Машҳадийнинг хаттоғлик ҳақидаги рисола-сини тадқиқ этиб, 1957 йилда мазкур рисола фотонусхаси ва рус тилига таржимасини нашр этган эди. Г. И. Костигова рисолаи Султон Али Машҳадий 1514 йили 84 ёшида ёзганлигига эътибор бериб, уни 1433 йилда туғилган деб ҳисоблайди. Аммо баъзи далиллар ва ҳужжатлар Султон Али Машҳадийнинг 1433 йилда эмас, 1437 йилда туғилганлигини исботлайди.

Султон Али Машҳадий «Мураққайи гулшан» (Техрон, Шаҳаншоҳ саройи)да сақланаётган бир қитъасида:

**Маро умри шасту се шуд бешу кам,  
Ҳанузам жавонаст мушкин қалам...**

Яъни умрим 63 га етди, лекин ҳануз мушкин қаламим ёшир, деб ёзиб, сўнгида ҳижрий 904 йил сафар ойи таърихини

қўяди. 904 йил сафар ойи 1498 йил сентябр-октябрига тўғри келиб, у 1437 йилнинг сентябрида туғилган бўлиб чиқади. Ёки Қобулдаги Афғонистон Давлат кутубхонасида сақланаётган Ҳофиз Шерозий девонининг сўнгида Султон Али Машҳадий: «896 йили рабиус-сомий ойининг 20-куни (1491 йил, март) эллик беш ёшимда китобат қилдим», деб ёзиб қўйган. Бундан ҳам унинг туғилган вақти 1437 йил бўлиб чиқади. Қози Аҳмаднинг бошқа рисолаларга қараганда тўла ва мукамалроқ «Гулистони ҳунар» деб номланган хаттотлар ва мусаввирлар ҳақидаги рисоласида Султон Али Машҳадий 1520 йили вафот этган, дейилади. Мазкур рисола рус шарқшуноси, профессор Б. Н. Заходер томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1947 йили Санкт-Петербургда изоҳлари билан нашр этирилган.

Султон Али мадрасада ўқиш билан бирга хат машқ қила бошлайди ва хаттот сифатида танилади. Мадрасани тугатгач, у Самарқанд султони Абу Саид (1451—1469) хизматига келади.

Мирза Ҳайдар Дуғлот ўзининг «Тарихи Рашидий» асарида ёзишча, хаттот Жаъфар ибн Али Бойсунғур Мирзо учун Низомийнинг «Хамса»сини кўчира бошлайди, аммо китоб тугалланмай қолиб, хаттот вафот этади. Абу Саид китобни тугатиш кимнинг қўлидан келишини суриштирганда, барча хаттотлар Султон Али Машҳадийни айтишади. Абу Саид «Хамса»ни кўчириб тугаллашни унга топширади. Султон Али Машҳадий китобни Жаъфар Бойсунғурий услубидаги настаълиқ билан эмас, ўз услубида кўчиради.

Тарихчи олим Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишча, Заҳриддин Азҳар XV асрнинг 30-йилларида машҳур хаттот ҳисобланиб, Жаъфар Бойсунғурийнинг шогирди эди. У Султон Али кўчирган китобнинг бир жузвини кўриб қолиб, Мавлоно Жаъфар услубини нега буздинг, деб койийди ва Султон Алини икки кун ҳибсда сақлайди. Кейинчалик унга зўр илтифотлар кўрсатиб, хаттотликдаги маҳоратига таҳсинлар айтиб, мустақил хаттотлик услубига тушиб олишга кўмаклашади. Султон Алидаги худравлик (хатда ўзича йўл тутиш)ни тўғри тушуниб, унинг ўз ҳунарига ижодий ёндашишини маъқуллайди. Ҳокимият Султон Ҳусайн Бойқаро қўлига ўтгандан кейин (1469—1506) Султон Али Машҳадий Ҳиротга олиб келинади.

Султон Али Машҳадий Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийлар билан ҳамкорликда ишлай бошлайди. Навоий у ҳақда: «Мавлоно Султон Али бу кун Хуросонда ва оламнинг аксар билодида насх таълиқ хатида қиблатул-кутубдур ва китобат

мулкининг қаламрави якқалама анга мусалламдур. Онча ҳа-мида одоб ва гўзида атвор била ораста ва пиростадурким, шар-ҳидин қалам тили ожиз ва ҳусни хулқда назири йўқтур ва таъби дағи хўб воқеъ бўлубтур». деб ёзган эди, «Мажолисун-нафоис»да. Зөҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Султон Али Машҳадий ҳақида илиқ гаплар ёзиб қолдирган: «Хушнавис-лардан агарчи хейли киши бор эди, вале борининг саромади настаълиқда Султон Али Машҳадий эди. Мирзо (Султон Ху-сайн) учун, Алишербек учун қалин китобатлар қилди. Ҳар кунда ўттиз байт Мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун битар эди».

Султон Али Машҳадий Ҳиротнинг фан ва санъат жамоат-чилиги билан яқин бўлиб, мажлисларда қатнашиб туради. Унинг Хусайн Бойқаро ўғилларидан бирига ёзган мактуби сақланиб қолган.

«Худовандо, пушида қолмасинким, фуқародан Саййид Наж-миддин Удий, Шоҳ Дарвиш Нойий, Шаҳоб дамқаш, ҳофиз Со-бир қозоқ, маҳдумзодалардан устод Мавлоно Ҳожиб мусанниф (композитор), жаноб Хожа Шодишоҳ, охун Мавлоно Яқиний-лар билан бирга, биродарлик йўлини тутувчи Мавлоно Гиёсид-дин музаҳҳиб, Хожа Абдулло қотеъ (қоғоз кесувчи), Моҳпора мужаллид, Саййид бобо афшонгар (китоб саҳифаларини олтин ранг пурқаб безовчи), Шукри Чорторий, бизга мақбуллардан Исорбек Нойий, вазирлардан Хожа Уйғур, амирзодалар Қо-симбек барлос, Тўфонбек Баҳодирхон, Султонхон Жалойир, маҳбубалардан Хурнажод, Шоҳхонум, Меҳри Талъат, Шоҳ Наввоз Хотун Нағма Саройий тўкин дастурхон атрофидалар ва муборак қадамингиз интизоридирлар. Лутф кўргизиб, биз томон келсангиз. Ушбуни битаётганим чоқда саййидлар пешво-сининг амирлари Шайхим Суҳайлий, амир Малик Жувайлий ва Хуршид хоним базм аро ташриф қилдилар. Кўрдингизки, малак ҳам фалакда анжуманимизга рашк қилгудек. Каминан-гиз Султон Али».

Султон Али Машҳадий Хусайн Бойқаро саройида яшаб, жуда кўп нодир китоблар кўчирди. Мирзо Ҳайдар ўзининг «Тарихи Рашидий» китобида: «Бугунги кунда Султон Али Машҳадий асарлари шу қадар кўп миқдорда мавжудки, унинг сон-саногига ақлинг бовар қилмайди» деб ёзган эди. Мазкур китобларнинг бир қисми ҳозирги кунда кашф этилган ва улар жаҳоннинг турли шаҳарларида сақланади. Масалан: Туркиянинг Тўпқопи Истамбул саройи кутубхонасида Султон Али Машҳадий кўчирган Алишер Навойининг «Хамса»си, Хусайн

Бойқаро (Хусайний) девонининг тўрт нусхаеи. Шайх Саъдий левони, Абдураҳмон Жомий ва Орифий асарлари ҳамда Султон Али Машҳадий қаламига мансуб 470 қитъа мажмуасидан иборат мураққа (альбом) сақланмоқда. Техрондаги шоҳ кутубхонасида Умар Ҳайём рубойлари, ҳофизнинг икки девони, Жомийнинг «Тухфатул-аҳрор» асари (икки нусха), Низомийнинг «Махзанул-асрор», Султон Ҳусайн Мирзо девони ва «Гул ва Мул» рисоласи, Орифийнинг «Тўй ва чавгон» асари, 1492 йили кўчирилган Навоийнинг «Хамса»си, Низомийнинг «Махзанул-асрор»и ва Султон Али Машҳадийнинг ўз қитъалари сақланмоқда. Амир Шоҳий девонининг Султон Али Машҳадий ҳуснихатига мансуб нусхалари Техрон, Санкт-Петербург, Лейпциг, Истанбул кутубхоналарида Шайх Саъдий «Гулистон» асарининг Султон Али кўчирган нусхалари бор.

Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасида Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган тўққиз китоб ва 13 қитъаси сақланади. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида унинг беш дастхати мавжуд: Алишер Навоийнинг уч девони ва Ҳусайнийнинг «Ҳотамнома» ва «Жавоҳирнома» асари, «Тангусқаномайи элхоний» асари.

Султон Али Машҳадий хаттотлик соҳасида назариётчи ҳам эди. Унинг хаттотлик ҳақидаги рисоласи мавжуд. У ўз рисола-сини умрининг сўнгги йилларида, 84 ёшида 1519 йили ёзиб тугатган. Муаллиф ўз рисоласини ҳеч қандай ном билан атамаган бўлса ҳам, шарқшунос олимлар орасида мазкур рисола «Қавойиди хутут» («Хатлар қондалари») номи билан машҳурдир. Мир Али Ҳаравийнинг «Мадодул-хутут» асарида Султон Али Машҳадийнинг рисоласи «Сиротул-хат» («Хат йўллари») деб аталган. Рисоланинг кўпгина қўлёзма нусхалари мавжуд. Улар Тошкентдаги Шарқшунослик институтида, Париж, Бодлеян, Калькутта, Техрон, Истанбул кутубхоналарида сақланади. Аммо Санкт-Петербургда сақланаётган (инв. № 454) нусхаси энг мукамал ва Султон Али Машҳадий ўз қўли билан кўчирган нусхасидир.

Рисола 223 байтдан иборат бўлиб, хатнинг келиб чиқиши ва хаттотлик санъати ҳақида фикр юритилади. Мазкур рисо-ланинг катта илмий ва амалий қиммати шундан иборатки, Султон Али Машҳадий ўзининг кўп йиллик хаттотлик санъати тажрибасини баён этса, иккинчидан, хаттотлик илмида санъаткорнинг ўз санъатига ижодий ёндашувини тарғиб қилади.

Дастлабки бобларда у хат ихтирочиларини санаб ўтади. Дастлабки араб ёзуви деб куфий хатини тилга олади ва

унинг ихтирочиси Ҳазрати Алидир, дейди. Аслида куфий хатидан олдин ҳам ёзув мажуд бўлган. Масалан: сўғд ёзуви, сурёний ёзуви, урқун ёзувлари ва ҳоказолар. Қолган ёзув йўллари (наسخ, сулс, муҳаққақ, райҳон, тавқеъ, риқоъ) Ибн Муқла ва Ибн Баввоб томонидан ихтиро этилганини тасдиқлайди. Абу Али Муҳаммад Ибн Муҳаммад Ибн Ҳасан, Ибн Муқла (886—840) мазкур ёзувларни ихтиро этган араб хаттотидир, дейди. Аслида тарихий манбаларда кўрсатилишича, Ибн Муқла насх хатига асос солган. У аббосийлардан Муқтадир замонида, сўнгра Қаҳир ва ар-Розий (934—940) замонида вазирлик лавозимида бўлган. Тўхматга учраб зиндонга ташланади, ўнг қўли кесилади ва ўлдирилади. Ибн Баввоб—Абулҳасан Аловуддин ибн Халил (вафоти 1022—1032) Ибн Муқла ишининг давомчиси деб аталади. Аслида, Ибн Муқла хатни такомилга етказган киши Ёқут Мустаъсимийдир. Ёқут, аббосийлар сулоласидан бўлган халифа Мустаъсим (1242—1258)нинг Хабашистондан олиб келган қули бўлган. Бир куни Ёқут қуръон кўчириш билан банд бўлганида халифа Мустаъсим уни чақиради. У бошқа хонада бўлганлиги сабабли ўз хатига маҳлиё бўлиб, ишга берилиб чақирқиқни эшитмайди. Учинчи даъфа чақирилаётганда эшитиб, чиқаётганини айтади. Бироқ халифа унинг ҳузурига кириб, тош давог билан Ёқутнинг бошига уради. Бошидан қон оқа бошлайди. Ёқут қаламини ўзининг қонига олуда этиб, китоб кўчиришда давог этади. Шундагина халифа ўз қилмишидан афсусланиб, минъад Ёқут ишлаётганда халақит бермасликка ҳаракат қилади. Ёқут 105 йилдан ортиқ умр кўриб, 1296 йили Боғдодда вафот этади. У асосан Ибн Баввоб услубига эргашган эди.

Таълиқ хати XIII асрда паҳлавий ва Авесто хатлари асосида келиб чиққан. Ўша даврда Марказий Осиёда яшаган Хожа Тожиддин Сулаймон, Камол Хожа Туғорий, Мавлоно Атиқ таълиқ хатининг усталари бўлганлар. Хожа Абдулҳай таълиқ хати қоидалари ва услубини яратади.

Хожа Мир Али Табризий (1330—1404) насх ва таълиқ хатлари асосида настаълиқ хатига асос солди.

«Хатлар қоидалари» рисоласининг «Ёшим ва кечирган онларим ҳақида» деган бобида Султон Али Машҳадий ўз ҳаётидан сўзлайди. У Мануҳадда эканлигидаёқ хаттот сифатида шўҳрат топгани ва кўплаб шогирдларни тарбиялай бошлаганини ёзади. Машҳур санъатни эгаллашнинг асосий сабаби фақатгина машқ қилишдир, деб уқтиради. Кейин хат ёзиш қоидаларига ўтади: чиройли хат кўзимни равшан

қилади дейди. Ҳалам танлаш, сиёҳ тайёрлаш усуллари ҳақида гапиради. Султон Али Машҳадий замонида сиёҳ тўрт усулда тайёрланган: бир миқдор дуда (қурум), бир миқдор зож (лак-маъдан), мозу (ранг берувчи ёнғоқ), самғ (дарахт елими) қўшилади ва узоқ муддат аралаштирилади. Ёки бир дирам чироқ дудаси, тўрт дирам самғи арабий (олча елими), ярим дирам оқ зож аралаштирилиб сиёҳ олинган (дирам—3.12 гр.)

Султон Али Машҳадий сиёҳни қуйидагича тайёрлаган: бир сир (7.1. 24 гр) дуда, тўрт сир самғ, бир сир зож, икки сир мозу олган. Самғни тоза сувга солиб икки-уч кун қориштириб қайнатган, сўнг мозу сувини яхши қайнатиб унга юмшоқ заммани қўшган (замма ёки зож-оқ тусдаги маъдан бўлиб, у сувга солинса, қора ранг ҳосил бўлади).

Ҳаттот ранг тайёрлашдан ташқари қоғозни танлаш билиши, унга оҳор бериш муҳра тортиш, силлиқлаш йўллари ҳам билиши лозим.

Султон Али Машҳадий ўз рисоласида настаълиқ хатининг яратувчиси Хожа Мир Али Табризийни чуқур эҳтиром билан тилга олади. Мир Али ибн Илёс Табризий Амир Темур замонида яшаб ижод этган. Унинг шогирдлари мавлоно Жаъфар ва Заҳириддин Азҳарлар ҳам машҳур ҳаттот ва шоир бўлганликларини тасдиқлайди. Шундан кейин Султон Али Машҳадий бевосита настаълиқ хатининг таркиби ва ёзилиш тартиби ҳақида тўхтайдди. Ҳаттотликда ҳарфлар таркибига доир саккиз қоида, истилоҳ мавжуд: усул, таркиб, курси, нисбат, сууд, нузул, шамра, ирсол. Мазкур истилоҳларга Ёқут Мустаъсимий томонидан асос солинган. Масалан: хат усули—қандай хатда ёзилишидир. Таркиб—элементлари, курси—сатрда ҳарфларнинг бир текисда чиройли ёзилиши, нисбат-сатр чизигига нисбатан ҳарф элементларининг жойлашиши, сууд—ҳарфнинг сатр чизигидан юқоря ёзилиши ёки қисми; шамра (ташмир)—ҳарфнинг айлана ёки ёй шаклидаги қисми, гажаги, ирсол—ҳарфнинг сатр чизиги бўйлаб чўзилиши. Ирсол, насх, райҳон ва бошқа ёзувларда тўлмаш қолган сатрларни тўлдириш мақсадида қўлланган. Ана шу қоидалар ҳар бир хат турида ўзига хос йўсинда татбиқ этилган.

Хатнинг чиройли чиқиши учун устодлар хатларни йиғиб, улардан қайси бири маълум бир ҳарфни чиройли ёзган бўлса, ўшани олгин, деб таълим беради Султон Али Машҳадий. Қундуз куни майда ҳарфда, кечаси йирик ҳарфлар билан кўчириладиган ишни ёзгин, дейди у, ҳуснихат билан кўчи-

ришда нималарга эътибор бериш лозимлигини уқтиради. Хат кўчирганда хатога йўл қўйишни қаттиқ қоралайди.

Алишер Навоий ҳам яхши ва ёмон котиблар ҳақида шундай ёзган эди: «Котиб—шуаро сўзининг варақнигоридир ва сўз маҳзанининг хазинадори... Яхши хат ва нуқтадин сафҳага жамол. Андоқки, яхши юз сафҳасига хатту хол... Ёмон котиб манзили қаламдонидек чоҳ аро бўлсун ва қаламдек боши аро ва юзи қаро бўлсин.

#### **Байт:**

Қайси бир котиби, ул, сўзга қалам сургай хилоф,  
Ул қаро юзлук боши бўлсин қалам янглиғ шигоф.  
(Маҳбубул-қулуб).

Султон Али Машҳадий ҳаттот ўз хатининг гўзал чиқиши, хатосиз ёзиши учун унинг ўзи пок, хушхулуқ бўлмоғи, тинмай машқ қилмоғи лозимлигини уқтиради ва ҳаттотнинг ички ва ташқи дунёсини, унинг ахлоқий меъёрини баён этиб беради. Алишер Навоий Султон Али Машҳадийнинг мазкур хусусиятлар эгаси бўлганини таъкидлаб, унинг яхшигина шоир ҳам бўлганини ёзади ва «Мажолисун-нафоис»да унинг бир байт шеърини мисол тариқасида келтиради. Султон Али Машҳадийнинг шеърини девон тузгани маълум бўлмаса ҳам, кўпгина қитъалари, ғазал ва рубойлари сақланиб қолган. Мазкур шеърлар Султон Али Машҳадийга замондош муаллифларнинг тазкира ва рисолаларида қисман қайд этилган. У қуйидаги рубойини Камолиддин Беҳзодга бағишлаган эди:

Фарзанди азиз, аржумандам Беҳзод,  
Ғаҳ-ғаҳ гузараш бар ин тараф меуфтод.  
У умри манаст аз раҳи сурат, лекин,  
Умрест ки аз манаш нами ояд ёд,  
Азиз ва мўътабар фарзандим Беҳзод,  
Гоҳ-гоҳ биз томонга келиб турарди.  
Менинг умрим мазмунини ташкил қилса ҳам,  
У барибир мени унутади.

1510 йили Ҳиротни Шоҳ Исмоил Сафавий босиб олгандан кейин Султон Али Машҳадий яна Машҳадга келиб қолади. У ўша ерда хорлик ва зорликда умрининг сўнгги йилларини кечириб, ҳижрий 926 йили раббиул-аввалда, милодий 1520 йили март ойида вафот этади.

У ўз умри давомида кўплаб шогирдлар етиштиради. Тарихий манбаларда қуйидагилар Султон Али Машҳадийнинг шогирди сифатида тилга олинган: Султон Муҳаммад Нур, Султон Муҳаммад Хандон, Муҳаммад Абрешимий, Зайнуд-

дин Маҳмуд, Алоуддин Ризоний, Мир Али Жомий, Муҳаммад Қосим Шодиноҳ, Абдий Нишопурий, Қаландар Котиб, Мир Ҳибатулло Кошоний, Рустам Али Хуросоний, Мулла Ғиёсиддин музаҳҳиб, Мулла Муҳаммад Сарвистоний, Султон Али Сабз Машҳадий, Мақсуд Али Турк, Жамолиддин Маҳмуд, Шайх Нуриддин Нуроний, Абдулвоҳид Машҳадий, Шамсуддин Муҳаммад Кермоний, Жамшид Муаммоий, Абдусамат ва бошқалар. Булар Султон Али Машҳадий услубиши янада тараққий эттириб, настаълиқ хатида китоб кўчиришни бадий гўзал санъат даражасига кўтардилар. Ундан кейин ўтган ҳаттот ва хат назариётчилари Султон Али Машҳадийни эҳтиром билан тилга, унинг ҳаттотлик санъати қонунқоидаларини ўз санъатларига асос қилиб олдилар.

## ҲАЗРАТИ МАВЛОНИЙ ЖОМИЙ

**Муаррих Мир Сайид Роқим шундай ёзади:**

Олий жаноб, олий насаб, қудсий маоб, қутблар қутби, улуглар мурожаатгоҳи ҳазрати Мавлоноий Жом, ул сирлар хазинаси асарлар маъданининг бузургвор оталари Аҳмад ибн Муҳаммад Даштийдир. Дашт Сафохон вилоятига тобе қариялардандир. Эшоннинг волидалари Имом Муҳаммад Шайбоний авлодидандир. Ҳазрати Маҳдумийнинг асл лақаблари Имомиддин машҳур лақаблари Нуриддин, шуҳратли номлари Абдураҳмон. Айтишларича, ул зотнинг волиди шарифлари замон ҳодисалари ва даврон инқилоби туфайли Исфахондан Хуросон мулки тарафга кўчганлар. Жом вилояти Харжирд қасабасида Ҳазрати Зиндафили Аҳмади Жом турбати яқинидан мақом тутганлар. Кейин шу ерда оила қурганлар. Ҳазрати Маҳмудий Мавлавий санайи 817 ҳижрий шаъбон ойининг йигирма учинчи кечаси (1414 йил 7 ноябрида) йўқлик олаmidан вужуд илмободига қадам қўйдилар.

**Қитъа:** Ба соли ҳаштсаду ҳафди зи ҳижрати набавий,  
 Ки 3-у зи Макка башурби сари авқоти жалол,  
 Зи авжи қуллайи парвоз гоҳ азми қадам.  
 Бадин ҳазиз ҳавосаст кард то пару бол.

(Санайи 817 ҳижрийда.

У туфайли Маккадан тангри тилаган вақтда,  
 Парвоз авжидан, гоҳ қадам азmidан.  
 Шу лазат ҳавода пару бол чиқариб).

Таваллуд ва яшаш жойи Жом бўлгани муносабати билан



ул зот Жомий тахаллус қилганлар. Чунончи, ўзлари бу маънида баён қоши билан ишорат қилганлар.

**Қитъа:** Мавлудам Жом рашҳайи қаламам,  
Нашаъайи Жом Шайхул-исломист.

Ложарам ашъор дафтариди,

Ва ду маъни тахаллусам Жсмист,

(Туғилган жойим Жом, қаламим қатралари,

Шайхулислом жоми нашъасидир.

Ложарам ашъор дафтариди.

Икки маънида тахаллусим Жомийдир).

Бироз вақт ўтгач, олим ул жаноб фазилатлари шамъи нури, ул камолот иқтисоб камолининг чироғи равшанликларидан офтоб машъали ёругидек мунаввар ва тобон бўлди. «Нафаҳотул-унс»дан риёзий илмлар боғи ва бошқа саҳифалар риёзатасос нафасларига Ҳазратнинг назоҳат ва назҳат бахш этди. Табъ очувчи «Баҳористон»дан, назм «Бўстон»и ва наср «Гулистон»и хуррамлик ва тароват топди. Ори косирул-барақат мусаннифотларини агар осмон олами номозхонлари «Сабҳатул-аброр»дек қўлдан-қўлга айлангирсалар сазодир. Ё аъло Мулло (тангри) муқарриблари «Тухфатул-аҳрор»дек; кафтларига кўтарсалар раводир. Ул зот, Султон Абусаъид Мирзо Кўрагон салтанати замонида газаллар «Девон»и тартиб бериш ва баъзи рисоаларини тақлиф этишга муваффақ бўлдилар. Қолган асарларини Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро давлати айёмида таҳрир этди.

Амири кабир, сойиби тадбир Мир Алишер, ки жаҳон халқлари матоъи (сарвари), олам аҳлининг муроди эрди. Ул жанобнинг мутеъи ва муриди эдилар. Бу итоат ва иродатдан, балки сарафрозлик топгандилар. Ҳамиша тобелик гошиясини жон елкасига ва иродат камандини эътироф гарданига илиб юрарди. Ҳазрати Маҳдумий ҳам дўстлик қондасини ва муҳаббат шароитини ул муқаррабул ҳазратга нисбатан бажо келтирарди. Шундай ҳам бўлганки, баъзи табаррук таълифотларини ул зот (Алишер Навоий) шавкатли номи ва севимли исмига ёзганлар. Мавлавий 81 йил ҳаёт соқийси мутакаффили қўлидан тириклик шарбатини ичдилар. Кейин «ва сақоҳум раббихум шаробан таҳуран» зумраси сафига доҳил бўлдилар. Чунончи, «Жом»га муродиф бўлган «каъс» сўзи ҳарфлари ададидан маълум ва мафҳум бўлур. Мавлавий 44 жилд китоб тасниф этдилар. Шу китоблар «каъс»га муродиф «жом» сўзи ҳарфлари ададига ҳам мувофиқдир. Китоблар ва турли масалаларга бағишланган рисоалар исмларининг сони қуйидаги тартибдадир:

«Тафсири каломулло» фотиҳадан то «фаайа фархабун» оя-тигача, «Шавоҳидул-нубувват», «Нафоҳотул-унс», «Мақсадул-фусус», «Рисолайи таройиқи суфийя», «Шарҳил миот», «Шарҳи нусуси лавомеъ», «Шарҳи баъзи абёти форизия», «Шарҳи рубойиёт», «Лавойиҳ», «Шарҳи матни Мавлонои Рум», «Шарҳи матни Амир Ҳусрав Деҳлавий», «Шарҳи ҳадиси Абузар Уқайлий», «Шарҳи суханони Хожа Муҳаммад Порсо», «Таржумайи арбаин», «Маноқиби Ҳазрати Мавлавий Румий», «Маноқиби Хожа Абдулла Ансорий», «Рисолайи дар ло илоҳа иллоллоҳ», «Рисолайи дар суоли Ҳиндустон», «Рисолайи таҳқиқи мазҳаби суфийя», «Рисолалар исботи вужуд», «Рисолайи дар моносики ҳаж», «Ҳафт авранг», қуйидаги тартибда: «Силсилатуззаҳаб», «Саломон ва Ибсол», «Тухфатул-аҳрор», «Сабҳатул аброр», «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Хиррадномаи Искандари», «Девони аввал», «Девони соний», «Девони солис», «Баҳористон», «Рисолайи кабир дар муаммо», «Рисолайи мутаввасият дар муаммо», «Рисолайи сағир дар муаммо», «Рисолайи манзума дар муаммо», «Рисолайи аруз», «Рисолайи қофия», «Рисолайи мусиқа», «Муншаот», «Шарҳи мулло бар қофия», «Шарҳи мифтоҳилгайб», Ҳасирул баракот вақтларининг аксарини ҳамиша таътаълиф ва таснифда ўтказардилар. Ҳазрати зулжалолга ибодат билан машғул бўлишларига қарамай вақтларини бе-кор ўтказмасдилар.

Санайн 898 ҳижрий муборак муҳаррам ойининг 18-ниси жума кун пурфутуҳ руҳларининг қуши қолиб қафасидан парвоз этиб, Сидратул-мунтаҳо шоҳсорига ошён ва маъво қилди. Маҳдумнинг муборак нашъаларини Ҳиротга элтиб, Мавлоно Саъдиддин Ҳошғарий, ки Ҳазрати мўйни ул зотга нисбат берадилар, суфаларига дафн қилдилар. Амири каабир Мир Алишер он ҳазрат марсиясида таркиббанди гарро назм силкига чекдилар.

Унинг матлаъи ушбудир:

Матлаъ: Ҳар дад аз анжум аз чарх жафойи дигараст.  
 Ҳар дам аз анжуми у доғи балойи дигар аст  
 (Ҳар дам юлдузлар, чархдан ўзгага жафодир.  
 Ҳар дам унинг юлдузларидан ўзга бало доғи).

## ХОЖА АҲРОР

«Тарихи касира»да бу улуг зот ҳақида шундай дейилади:  
 «Илоҳий сирлар маорифининг орифи, Аллоҳ йўли (Саби-

уллоҳ) масоликлари солики, беиштибоҳ валийлик фалагининг қутби, ҳидоятпаноҳ, ҳақойиқ огоҳ Хожа Аҳрор, Хожа Убайдуллоҳ, қаддаса сирраҳу, Онҳазратнинг иродат қўли Мавлоно Яъқуб қаддаса сирраҳу тарбият услубли мукаммал ва комил пок домонларида эди. Ҳазрати Мавлононинг ихлос қуши ниёз юзасидан Ҳазрати шоҳи Нақшбанд қаддаса сирраҳу баланд ҳиммат, гардун парвоз шоҳбози сайдида эди. Аммо ҳазрати Хожнинг бовужуди шаҳаншоҳлик асоси, беқиёс подшоҳлик истеъдоди туфайли ҳиммат қадами, ки рисолатпаноҳлик ҳадиси мазмунига кўра фахр мустақим йўлидан ташқари қўймасди. Ҳақбин дийдасини Аллоҳ жамоли тажаллиётидан ўзга дунё асбобларига очмади.

Ул ҳазратнинг ҳар чанд мол-мулки тугамасин муборак хотиралари зироат ишига таважжуҳ кўргузди. Унинг маҳсулини мискину фуқарога сарфлар эдилар. Зироатдан охират йўли озуқасини жамладилар. Чунончи, ҳазрати Маҳдумий Мавлоно Абдурахмон Жомий қаддаса сирраҳу он ҳазрат шаънига шундай ўзганлар.

**Байт. Ҳазорон мазраъа дар зери киштаст.**

**Ки аз у рафтани роҳи беҳишт аст.**

**Экинлар минглаб экинзорни эгаллаган,**

**Ундан беҳишт йўлига тушмоқ мақсад).**

Экинзор экинларининг моҳияти «дунё охират экинзоридир». Онҳазрат истагандилар, ори Аллоҳ аҳли сулуки тариқаси Ҳақ муҳаббати йўлида ва бандаликда ва мутлақ вожибул-вужуд иродаси таалуқотни қатъ қилмоқ эътиборида Москуводан ва ҳиммат кўзини ёпмоқдир.

Дунёдан ва мофиҳодан ва бу санадул-аброр маҳсус маротиблари саййидул-ахёр Ҳазрати Хожа Аҳрордир, қаддаса сирраҳу. Ҳамиша олий нусрат подшоҳлар, рифъат дастгоҳ шиоҳлар иродат бошларини ул Аллоҳ даргоҳининг мақбули гардун мартабали остонасига қўюрлар; унинг латифу шариф, пурфутуҳ руҳидан мадад тилайдилар. Олимлар ва фозиллар, бошқа зойирлар онҳазрат зеҳнияти тоза муаттар боғи риези, ки илоҳий раҳмат баҳри жўйбори ва сўзсиз мағфирати маввож дарёсидан сар-сабздор. Чаман-чаман мурод гулларини ул зотга эътиқод гулбунидан терурлар; пурсамара ихлос дарахтидан ихтисос мевасини топурлар:

**Л: муаллифа:**

**То равзан Хожа мазҳари анвораст,**

**Манзилгоҳи қутби мажмаъи аброраст.**

**Ҳуррияти ҳар ду кави ҳосил гардаст.**

**Он кас, ки ғуломи Хожа Аҳрор аст**

(То Хожа равзаси нурлар мазҳари экан,  
Қутб манзилгоҳи аброрлар мажмаъидир.  
Ҳар икки олам ҳуррияти ҳосил бўлур.

**Кимки Хожа Аҳрор ғугомидир).**

Хуллас, бу ҳечмадон, косирбаён, алкан забон Роқим қа-  
лами нима ҳам ёза оларди ва нима дея оларди. Ул авлиёлар  
султони, муинулфуқаро, шарҳи аҳволи, афъолидан бир  
сатр ёза оларми? Қачонки ул инсонлар қутби Ҳазрати Маҳ-  
думий Жомий, қаддаса сирраҳу ижмолан ул зот тафсили ҳо-  
лидан ўзларининг «Тухфатул-аҳрор» китобида марҳамат  
қилгандирлар. ки,

**Маснавий:**

3-у ба жаҳон навбати шаҳаншоҳи,

Кавкабайи фақри Убайдуллоҳи.

Дар назараш чун рўйи ек нохун аст,

Рўйи замин к-аш на сар на ин даст.

Ак рўйи нохун, ки ба даст оядаш,

Он, ки ҳуррияти фақр оғаҳаст,

Хожа Аҳрори Убайдуллоҳаст.

(Жаҳонда шаҳаншоҳлик навбати ундаи.

Убайдуллоҳий фақр порлоқлиги.

Ер юзи, ки на боши на пойи бор.

Унинг назарида тирноқ юзичалиқдир.

Бир нохун юзаси унинг қўлида

Қачон фақр йўлида шикаст тегар,

У фақр ҳурриятидан огоҳдир.

Хожа Аҳрор Убайдуллоҳдир).

Риёзий илмларининг энг билимдони ҳазрати Мавлоно  
Муҳаммад Қози, қаддаса сирраҳу ҳам «Силсилатул-орифин»  
китобида ул бурҳон, ул-василин, саййидул-муқаррибининг  
шарҳи нечук бўлишини ҳуққадек тасвирлаб бердилар. Шу-  
нингдек, ул саййидлар буюги ҳазрати Мир Абдуаввал, қад-  
даса сирраҳу ўз мажмуаларида ул ҳазрати Эшоннинг ҳаёти  
даврини муҷмалидан муфассалигача шарҳи баёнини таскин  
қаламила рақам-рақам қилганлар. Мавлоно Хусайн Воизнинг  
аржуманд фарзанди Жаноби Мавлоно Хусайн Фахриддин  
Али ўзларининг «Рашаҳот» китобларида ул кашфлар ва  
кароматлар маъдани, фавқуллода одатлар соҳиби мақомат-  
ларидан рашҳа-рашҳа (томчи-томчи) баён таҳририни келтир-  
ганлар. Ҳазрати Эшон улуг ёшга кирдилар: рихлат вақти  
етишганда санайи 895 ҳижрий йил ойнинг шанба кечаси  
(милодий 1490) Самарқанд вилояти қарияларидан бу пурка-

мол дунёдан кўз юмдилар. Ҳазрати Эшоннинг муборақ нашъаларини ул ердан ҳазрати Кафшир маҳалласига келтириб, ул пок жисми тупроқ хонаси хилватгузини қилдилар. Кибору номдор авлиёлар, таълиф шиор, тасниф иқтидор уламолардан бир қанчаси ул зотнинг файзбахш мазорлари ёнида файзосор бўлдилар. Шу жумладан, бу гумном Роқим обойи эзом ва аждоди киромларидан вилоятпаноҳ ҳақойиқ огоҳ, Ҳазрати Аллоҳ мақбули бешубҳа аъламул-уламо ҳазрати Мавлоно Исматуллоҳ ибн Мавлоно Маҳмуд ибн мавлоно Неъматуллоҳ бўлса, иккинчиси Раббоний калом муфассири, ҳазрати Набавий ҳадислари лафзу маоний билан ҳимоячиси Мавлоно Маҳмуд ибн Мавлоно Абдуали Гилоний. Булар Роқимнинг боболаридир. Яна муҳаққиқлар султони ва мудаққиқлар бурҳони ҳазрати Мавлоно Исомуддиннинг мунаввар қабрлари ҳам шу ердадир. Бошқа дин уламолари, авлиелик йўли ҳодийлари қабрлари ҳам ҳазрати Эшон мутабаррук мазорларидадир. Нурга тўлиқ бу мазордан шаҳаргача бўлган масофа бир милга яқиндир. Шу масофатда хиёбон жойлашган. Рости билан зиёрат қилувчилар эътиқодидек хуррамликда жаннат боғи монанддир.

#### Лимуаллифа:

Турфа хиёбонки, дарахтони у,  
 Мебурд аз тубои хулд обрў.  
 Ҳар тана бигзашта зи чатри саҳоб,  
 Панжа зада бар самари офтоб.  
 Он, ки гузашт аз фалаки ҳафтумин.  
 Решайн у шуд рағи Гови Замин,  
 Сидра буд шохчайи пасти у,  
 То чи бувад шохи забардасти у,  
 Нисбатан ҳар як ба бузургий тамом,  
 Том ниҳоди на бурун аз мақом.  
 Жумла сарафканда зи рўйи ниёз,  
 Гашта сафоро чу қиёми намоз.

#### АБДУЛЖАМИЛ

Алишер Навоийнинг хос котиби эди. Шоир ҳаётлигида у кўчирган «Хамса» шоирга манзур бўлган. Муаррих Мир хонд у ҳақда шундай ёзади: «Мавлоно Абдулжамил донишмандлар силкида интизом топиб, бир неча вақт Султония мадрасасида дониш қалами билан илм аҳли ва талабаларнинг кўнгиллари саҳифасига ифода нақшини ёзди. Тарихи 911 ҳижрий (милодий 1505—1506) йилда эдики, вафот

этиб, Султон Иброҳим Амийн ибн Шоҳруҳ Мирзо унинг вафоти тарихига бу қитъани варақ рухсориға битди:

Афсус зион сунехри дониш,  
К-аз меҳри варо сутуд офоқ.  
З-он Абдулжамил гашт номаш,  
К-ороста шуд ба ҳусну ахлоқ.  
Тарихи вафоти у хирад гуфт.  
Алломайи бемисоли офоқ.  
(Афсус, ул дониш осмонидан  
Уфқлар унинг қуёшини олди.  
Шундай номи Абдулжамил бўлди.  
Яъни ҳусну ахлоқда ораста бўлди,  
Унинг вафоти тарихини ақл деди;  
Офоқнинг бемисл алломаси).

### СУЛТОН МУҲАММАД НУР ибн МАВЛОНО НУРУЛЛОҲ

Ҳиротлик хаттот, ёш чоғидан Султонали Машҳадий қўлида тарбияланган. Султон Ҳусайн вафоти (1506) дан кейин Бухорода яшаган. Шу ерда XVI асрнинг 40-йилларида вафот этган. Унинг қўли билан кўчирилган асарларнинг баъзилари бизгача етиб келган. Алишер Навоийнинг терма девони (Петербург Давлат кутубхонаси, Р-563), Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»си (1529 йил, Техрон, Гулистон саройи кутубхонаси), Шайх Саъдий «Бўстон» (1525-1530, Лондон, Осие халқлари музейи) шулар жумласидандир. Яна Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти битик китоблар ганжинасида Султон Муҳаммад Нур кўчирган Воиз Кошифийнинг «Даҳ вазира» асари нусхаси сақланади. Султон Муҳаммад Нур «Юсуф ва Зулайҳо» асарини кўчириб улгуролмайди. Унинг вафотидан кейин Бухоро хони Абдулазиз (1540-1549) топшириғи билан Мирали Харавий уни охиригача кўчиради.

\* \* \*

Рисола темурийлар даври тасвирий санъати таҳлилига имкон борича тарихий очерк туси берилди ва мазкур давр тасвирий санъати намояндалари, фозиллари санаб ўтилди. Европалик, ўзбек ва рус санъатшунос олимларининг самарали илмий тадқиқотлари туфайли ўтмиш тасвирий санъати-мизнинг беҳисоб намуналари, илм-фан намояндалари кашф этилмоқда. Суратларда мусаввир имзоси қўйилиши ҳоллари

эса камроқ учрайди. Шунини ҳисобга олиб, биз суратлар тавсифи ва мазмунига камроқ эътибор бердик. Асосий диққатимиз темурийлар даври маданияти ва тасвирий санъати намояндаларининг ҳаёти ва ижодига қаратилди. Чунки санъатшунос олимларимиз томонидан темурийлар даври тасвирий санъати намояндаларига камроқ эътибор берилар эди. Шубҳасиз, ҳали номи тилга олинмаган ўша давр олимлари, мусаввирларлари сон-саноқсиз. Шунинг учун бизнинг мазкур китобимиз ниятимиз йўлидаги дастлабки бир қадам бўлиши шубҳасиздир.



## ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ БАДИИИ БЕЗАК ВА ТАСВИРЛИ ҚҶЛЕЗМА КИТОБЛАРИ

1. Тазкира. 1398 йили хаттот Мансур ибн Муҳаммад Варақа томонидан кўчирилган: Самарқанд атрофи табиат манзараларини тасвирловчи 12 сурат бор. Истанбулдаги муслмон санъати кошонасида сақланади.

2. Мураққаъ (альбом). Жами 122 сурат бўлиб, аксари теурийлар даври мусаввирлари мўйқаламига мансуб, Санкт-Петербург халқ кутубхонаси, № 489.

3. Мураққаъ. Эрон шоҳи Таҳмосп учун 1525 йили тузилган. Истанбулдаги Йилдиз кутубхонасида.

4. «Мураққайи Гулшан». Бобурийлардан Шоҳ Жаҳонгир тузган, Беҳзод ва унинг шогирдлари мўйқаламига мансуб асарлардан иборат, Техрондаги Гулистон шаҳаншоҳ саройи музейида.

5. Баёз. 1524 йили вазир Хожа Малик Аҳмад учун кўчирилган. Бунда Камолиддин Беҳзоднинг турунж ичида чизилган чиройли табиат манзарасида кекса шоир билан ёпи йиғит сурати бор. Вашингтондаги Фрея санъат нигорхонасида сақланади.

6. Хожу Кирмоний. Хамса, 1396 йили кўчирилган. Жунайд наққош Султоний уни суратлар билан беаган, Британия музейи, № 18113.

7. Саъдий. Гулистон, 1486 йили Султонали Машҳадий томонидан кўчирилиб, Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари суратлар билан беаганлар ва нақшлаганлар. Париждаги де Ротмильд шахсий коллекциясида сақланади.

8. Саъдий. Бўстон. 1488 йилнинг июлида хаттот Султонали Машҳадий томонидан Султон Хўсайн Бойқаро учун кўчирилади; устод Ёри Музаҳҳаб қўлёмани зарварақ ва унвонлар билан беаиди; Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари суратлар билан таъминлайди, 12 та сурати бор. Қўлёманинг биринчи саҳифасида Султон Хўсайн Бойқаронинг боғ-



да базм чоғидаги сурати бўлиб, унинг асар мазмунига алоқаси йўқ; Қоҳирадаги Миллий кутубхонада сақланади. Қўлёзмадаги суратлар шарҳлари билан 1959 йили доктор Муҳаммад Мустафо томонидан Қоҳирада нашр этилган.

9. Алишер Навоий, Хамса, 1485 йили Султон Хусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамон Мирзо (1517 йили ўлган) учун тўрт жилдли қилиб кўчирилган. Уч жилди Бодлеян (АҚШ) шаҳар кутубхонасида, №287, бир жилди Манчестер (АҚШ)даги Жон Рилонд кутубхонасида.

10. Низомий Ганжавий, Хамса, 1494 йили кўчирилган. Шоҳ Жаҳонгирнинг қўлёзмадаги эслатмасига қараганда, ундаги 16 сурат Камолiddин Беҳзод мўйқаламига мансуб, қолганлари Мавлоно Мирак, Қосим Али Чехрақушо ва бошқаларники; Британия музейи, № 6810.

11. Низомий Ганжавий, Хамса, 1442 йили кўчирилиб, XV асрнинг 70-йиллари суратлар билан таъминланади. 19 та сурати бор. Британия музейи, № 25900, № 2931 (иккинчи нусхаси).

12. Шарафиддин Али Яздий, Зафарнома, 1467 йили Шерали хаттот томонидан Султон Хусайн Бойқаро учун кўчирилади; XV асрнинг 80-йиллари суратлар билан таъминланади: 12 та (6 та қўшалоқ) сурати бор. Қўлёзмада Жаҳонгир подшоҳнинг эсдалик ёзуви бор: «Зафарнома»нинг мазкур қўлёзмаси Мавлоно Шерали томонидан кўчирилиб, санкизта суратни машҳур мусаввир Беҳзод чизган, У менга бобом Хумоюн ҳазратлари кутубхонасидан қолган. Тахтга чиққан куним (1605 йил) ёздим. Жаҳонгир ибн Акбар», Қўлёзмани кейинроқ Нодиршоҳ Эронга олиб кетган эди. Ўнгра европалик олим доктор Шульз сотиб олиб кетган. Ҳозир қўлёзма Балтимор шаҳридаги Жон Хопкин университети кутубхонасида (Р. Гарриет коллекцияси). Европалик санъатшунос олим Томас Арнольд 1930 йили мазкур қўлёзма суратларини изоҳлари билан Лондонда нашр этган.

13. Шарафиддин Али Яздий, Зафарнома, 1529 йили хаттот Султон Муҳаммад Нур томонидан кўчирилган, сурат ва лавҳали, Теҳрондаги Гулистон саройи санъат кофтонаси музейи)да.

14. Низомий Ганжавий, Лайли ва Мажнун, 1430 йили Ҳиротда кўчирилган, сурат ва зарварақли. Калькутта (Ҳиндистон)даги Г. Канория коллекциясида.

15. Фирдавсий, Шоҳнома, 1425 йили Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Султон Иброҳим томонидан кўчирилган ва суратлар билан безатилган, Бодлеян кутубхонаси, № 176.

16. Низомий Ганжавий. Хамса, 1420 йили кўчирилган, сурат ва зарварақли, Вашингтондаги Фрея санъат нигорхонасида сақланади.

17. Қалила ва Димна. 1410 йили Бойсунгур Мирзо нигорхонасида кўчирилган, 35 та сурати бор. Техрондаги Гулистон саройи кутубхонасида сақланади, 1959 йили чехословакиялик олима Вера Кубичкова мазкур қўлёзмадаги суратларни изоҳлари билан ўз рангида нашр этади.

18. Фирдавсий. Шоҳнома, 1424-1430 йиллари ҳаттот Жаъфар Бойсунгурий томонидан Бойсунгур Мирзо учун кўчирилади, Мусаввир Ҳалил Султон уни суратлар билан беагад, 20 та сурати бор; Техрондаги Гулистон саройи кутубхонасида сақланади.

19. Амир Хисрав Деҳлавий. Хамса, 352 в, 37 та сурати бор, XIV асрнинг 70-80-йиллари, Ўзбекистон Республикаси ФА ШИ № 3317.

20. Фирдавсий. Шоҳнома, 215 в, 13 та сурати бор, XV асрнинг 70-80-йиллари, ДХК, №332.

21. Низомий Ганжавий. Хамса, 358 в, ҳижрий 16 шаъбон, 884 йил, (1479 й. 2 ноябрида) кўчириб бўлинган, 18 та сурати бор. ДХК № 337.

22. Шайхзода Атоий. Девои, 76 в, 3 та сурати бор. Санкт-Петербург ШИ, 2456.

23. Низомий Ганжавий. Хамса, 317 в, 1491 йили кўчирилган, 56 та сурати бор. Шарқ халқлари санъати Давлат музейи, Москва, № 1659.

24. Низомий Ганжавий. Хамса, 366 в, 1491 й. кўчирилган, ДХК, № 83.

25. Низомий Ганжавий. Хамса, 317 в, Хаттот Абу Туроб Мунъимуддин ал-Аҳвадий, 1508 й, 27 мартада кўчирилган, 21 та сурати бор, ДХК, №)340.

26. Фирдавсий. Шоҳнома, 410 в, Хаттот Муҳаммад ибн Жаълол ар-Рашид, 1445 й. декабрида кўчирилган, 29 та сурати бор. Санкт-Петербург ШИ, № 1654.

27. Низомий Ганжавий. Хамса, 502 в, Хаттот Маҳмуд, Ҳирот, 1431 й, 16 декабрида Бойсунгур кутубхонаси учун кўчирилган. 38 та сурати бор. Давлат Эрмитаж, УР-1000.

28. Ибнал Муқаффа, Қалила ва Димна, 430 в, 34 та сурати бор. XV аср ўрталарида Ҳиротда кўчирилган, Ўзбекистон Республикаси ФА ШИ, № 9109.

29. Шоҳ овда (Қўш миниатюра). XV асрнинг учинчи чорагида Ҳиротда кўчирилган. Кейинчалик қўлёзмага ёпиштирилган.

Ҷомий «Силсилат уз-заҳаб» («Олтин занжир»), хаттот Шоҳ Маҳмуд Нишопурий, 1459 й. ДХК, Дорн-434.

30. Низомий Ганжавий. Хамса, 308 в, Хаттот Дарвеш Муҳаммад Тоқий. 1482 й, 25 январида Ҳиротда кўчирилган, 45 та сурати бор. ДХК, Дорн—338. Беҳзод ва шогирдлари тасвири.

31. Саъдий. Бўстон, 21 в, Хаттот Султон Али Машҳадий, 1494 й, 9 мартада Ҳиротда кўчирилади, 3 та сурати бор. Озарбайжон Республикаси ФА нинг қўлёзмалар фонди, М-113/2376.

32. Султон Ҳусайн, Девон, 54 в, XVI аср бошларида Ҳиротда кўчирилган, 5 та сурати бор. Санкт-Петербург ШИ, в. 284.

33. Аҳмадий. Искандарнома, 233 в, Хаттот Мир Али котиб, 1523 й, Ҳиротда кўчирилган. Қўлёзмани безовчи рассом Камолдин Музаҳҳиб, 44 та сурати бор. ДХК, Дорн-565.

34. Низомий Ганжавий. Хисрав ва Ширин, 68 в, Хаттот Али Ҳусайний котиб, 1516 йил Ҳиротда кўчирилган, битта қўшалоқ сурат бор. Арманистон Республикаси ФА Қадимий қўлёзмаларни сақлаш Давлат бўлими, № 584.

35. Муҳаммад ал-Ҳусайний Вирамий. Аҳсан ул-кибор (Улуғларнинг яхшиси), 508 в, 1433 й, 19 октябрида Хаттот Хизр шоҳ томонидан Ҳиротда кўчирилган, 39 та сурати бор. 373-саҳифадаги суратда Қосим ибн Али номи ёзилган ва ҳижрий 932 (в, зул-ҳижжа) 1526 й. сентябр санаси қўйилган. ДХК, Дорн—312.

36. Шодий, Фатҳнома. 222 в, 7 та сурати бор. XVI асрнинг биринчи чорагида Бухорода кўчирилган, Ўзбекистон ФА ШИ, № 5369.

37. Навоий. Наводируш-шабоб, 204 в, Хаттот Султонали Машҳадий. XV аср охири ва XVI аср бошларида Султон Ҳусайн Бойқаро кутубхонаси учун кўчирилган, 6 та сурати бор, Ўзбекистон ФА ШИ, № 1995.

38. Қосим Анвор. Девон, 106 в, XVI аср бошларида Самарқандда кўчирилган. 2 та сурати бор. Ўзбекистон ФА ШИ, № 2108.

39. Баёз. 56 в, Хаттот Али Ҳусайний, 1529 й, Бухорода кўчирилган, 2 та сурати бор. Санкт-Петербург ШИ, С-860.

40. Навоий Ғаройибус-сиғар, 198 в, XVI аср бошида Ҳиротда кўчирилган, нақш, қўш зарварақ, унвонлар, лавҳалар ва 7 та сурати бор. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, № 107.

41. Мавлоно Ҳусайн Али ал-Воиз Кошифий. Ахлоқи Муҳ-

синий. Асар Марв султони Муҳсин (Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўглига бағишлаб ёзилган, 1501 йилли хаттот Мир Али Султон Ҳусайн Мирзо кутубхонаси учун Ҳиротда кўчирган, 22 та сурати бор. Ўзбекистон Республикаси ФА ШИ, № 2116.

42. Навоий. Фаройибус-сиғар, XV аср охирларида Султонли Машҳадий томонидан кўчирилган. Лавҳа ва унвонлар. Ўзбекистон Республикаси ФА ШИ, № 790.

43. Имоди Фақиҳ. Девон, 378 в, 1370 й. августида. Қўш зарварақ, унвонлар. ДХК, Дорн—406.

44. Абу Абдулло Бусирий. «Ал-Кавокиби дуррият фи мадҳи хайрубарият («Энг яхши инсон шарафи учун тўкилган юлдуз дурлари»); 28 в, 1375 й, ноябрида кўчирилган, унвон, лавҳали, Ўзбекистон Республикаси ФА ШИ, № 2165.

45. Зандавистий. «Равзатул уламо ва нузҳатул-фузало» («Олимлар ва яхшилар фароғати») 403 в, XIV асрнинг II ярмида кўчирилган, унвон: нақш ва зарварақ, Ўзбекистон Республикаси ФА ШИ, № 3229.

46. Ҳусайн ибн Асад ибн Ҳусайн Деҳистоний. «Ал-Фарадж баъд аз шиддат ва диққаъ («Намбағаллик ва бахтсизликдан кейинги шодлик») 277 в, Хаттот Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад XIV асрнинг 80—90 йиллари. Асар Султон Аҳмад Жалойирий кутубхонаси учун кўчирилган, ДХК, Дорн-480.

47. Имоди Фақиҳ-Девон, 440 в, хаттот Яҳё ибн Муни, 1417 й. феврал-мартида кўчирилган, нақш, қўш зарварақ, унвонлар, лавҳалар, XV асрнинг чарм муқоваси, ДХК, Дори-407.

48. Фаридуддин Аттор. «Ситта» («Олтилик»), 196 в, 1424 йил апрел—май ойларида Шерозда кўчирилган, нақш, унвонлар, лавҳалар Ўзбекистон ФА ШИ, № 813.

49. Саъдий. Қуллиёт, 397 в, Хаттот Муҳаммад ибн Аҳмад, 1425 й, 12 декабрда Шерозда кўчирилган, қўш зарварақ ва унвонлари бор, Санкт-Петербург ШИ, А-31.

50. Низомий. Хамса, 338 в, Хаттот Боязид Табризий, 1428 й. июл—августида Шоҳруҳ Мирзонинг ўгли Йброҳим Султон учун Шерозда кўчирилган. Унвонлар, лавҳалар. Грузия ФА Қўлғезмалар институти, Р-458.

51. Форс шоирлари дostonлари мажмуаси. 430 в, 1438 й. 19 январида Шерозда кўчирилган. Унвонлар, лавҳалар, нафис муқовали. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, № 190. (56).

52. Саъдий. Қуллиёт, 463 в, XV асрнинг II чораги. Қўш зар-

варақ, унвонлар, лавҳалар, гулчин. Тожикистон Шарқ қўлёзмалари институти, № 421.

53. Саъдий. Куллиёт, 364 в. XV аср ўрталарида Шерозда кўчирилган, Якка ва қўш зарварақ, унвонлар, лавҳалар, Ўзбекистон ФА ШИ, № 2148.

54. Саъдий. Куллиёт, 436 в. XV аср ўрталари, иккита қўш зарварақ, унвонлар, лавҳалар, Ўзбекистон ФА ШИ, № 2015.

55. Котибий. Куллиёт, 330 в, 1449 й, 4 ноябрда кўчирилган, унвонлар, лавҳалар, гулчин. Тожикистон Шарқ қўлёзмалари институти, № 496.

56. Баёз. 377 в. XV асрнинг ўрталари. унвонлар, лавҳалар, Ўзбекистон ФА ШИ, № 2236.

57. Баёз. 235 в, 1451 й. Шерозда кўчирилган, зарварақ унвонлар, Озарбайжон ФА қўлёзмалар фонди, М-288/22859.

58. Носир Бухорий. Ҳидоятнома. 32 в. 1459 йил декабрида хаттот Ҳамза ибн Абубакр Тобон томонидан кўчирилган, унвонли. Озарбайжон ФА қўлёзмалар фонди, А-242/2665.

59. Ҳофиз. Девон, 195 в, 1461 йил, 14 сентябрида кўчирилган, лавҳалар ва гулчинлари бор, Грузия ФА Қўлёзмалар институти, Р-351.

60. Саъдий. Куллиёт, 465 в, 1467 йил 19 майида Шерозда кўчирилган, иккита нақш, қўш зарварақ, унвонлар, лавҳалари бор. Ўзбекистон ФА ШИ, № 2014.

61. Котибий. Куллиёт, 377 в, 1474 йил февралда хаттот Муҳаммад ибн Муҳаммад Баққол томонидан кўчирилган, қўш зарварақ, унвон ва гулчинли, Ўзбекистон ФА ШИ, № 2226.

62. Жомий. Девон. 42 в, XV аср охирида кўчирилган, унвонли, Ўзбекистон ФА ШИ, № 116.

63. Низомий Ганжавий. Хисрав ва Ширин, 73 в, 1421 йили хаттот Жаъфар ибн Али Бойсунғурий томонидан кўчирилган нақш ва унвонли, Санкт-Петербург Ши, в. 132.

64. Ҳофизи Абрў. Мажмуатут-таворих, 696 в. XV асрнинг 20-йиллари Бойсунғур Мирзо кутубхонаси учун кўчирилган, унвон ва лавҳали, ДХК, Дорн – 268.

65. Садриддин Муҳаммад ибн Ҳасан Низомий. Тоҷул-маосир (Ҳасорат тожи), 289 в. 1426 йил 31 августда хаттот Қутбиддин ибн Ҳасаншоҳ ал-Кирмоний томонидан Бойсунғур Мирзо кутубхонаси учун кўчирилган. Санкт-Петербург Давлат университети Шарқ факультети кутубхонаси, № 578.

66. Табарий. Тарихи Табарий, 497 в, 1430 йил 21 мартда хаттот Қутбиддин ибн Ҳасаншоҳ Кирмоний томонидан Бой-

сунгур Мирзо кутубхонаси учун кўчирилган, унвоили, ДХК, ПАС 49.

67. Камол Хўжандий. Девон, 282 в, 1474 йил 22 мартада хаттот Султонали Машҳадий томонидан Ҳиротда кўчирилган, қўш зарварақ, лавҳали, Озарбайжон ФА қўлёзмалар фонди, М-77/11718.

68. Амир Хисрав Деҳлавий. Қуллийёт, 1034 в, 1481 й. 1 февралда хаттот Султон Аҳмад томонидан Ҳиротда кўчирилган, нақш, қўш зарварақ, унво ва лавҳали, Санкт-Петербург университети, Шарқ факультети кутубхонаси, № 94.

69. Навоий. Девон, 188 в, 1484 йил 10 июнда Ҳиротда кўчирилган, унвоили, Озарбайжон ФА қўлёзмалар фонди, М-144/3010.

70. Навоий. Хамса, 325 в, 1484 йил хаттот Абдулжамил томонидан Ҳиротда кўчирилган ва безатилган, унво ва лавҳали, Ўзбекистон ФА ШИ, № 5018.

71. Жомий. Ҳафт авранг, 264 в, 1490 йил августида хаттот Абдулаҳад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Жомий томонидан Ҳиротда кўчирилган, унвоили, Ўзбекистон ФА ШИ, № 1065.

72. Орифий. Ҳолнома, 19 в, 1496 йил. Хаттот Зайнуддин Маҳмуд котиб томонидан Ҳиротда кўчирилган, Қўлёзamani безовчи наққошлар Абдусмад ва Гиёсиддин, унвоили, лавҳали, ДХК, Дорн—440.

73. Амир Хисрав Деҳлавий. Хамса, 200 в, 1499 йил 21 июлида Ҳиротда кўчирилган, қўш зарварақ, унво ва лавҳали, Тожикистон Шарқ қўлёзмалари институти № 817.

74. Амир Шоҳий Сабзаворий. Девон, 25 в, 1500—1501 йил хаттот Зайнуддин Маҳмуд котиб томонидан Ҳиротда кўчирилган, ДХК, Дорн—417.

75. Жомий. Қуллийёт, 621 в, 1502—1503 йил хаттот Муҳаммад ибн Ҳасаншоҳ котиб Ҳиротий томонидан кўчирилган, унво ва лавҳали, Ўзбекистон ФА ШИ, № 1331.

76. Навоий. Хамса, 360 в. XV аср охирида Ҳиротда кўчирилган ва безалган, унво ва лавҳали, Ўзбекистон ФА ШИ, № 7554.

77. Саноний. Соқийнома, 9 в, XVI аср бошида Ҳиротда кўчирилган ва безалган, унво ва нақшли ҳошиялари билан, Ўзбекистон ФА ШИ, № 3318.

78. Маҳмуд Шабистарий. Гулшани роз (Сирлар гулшани), 43 в, XVI асрнинг бошида хаттот Мир Али томонидан Ҳиротда кўчирилган, қўш зарварақ ва нақшин ҳошияли, Озарбайжон ФА қўлёзмалар фонди, М-215/13660.

79. Котибий. Куллиёт. 292 в, 1459 й. 15 августида хаттот Султонали Тоғоний томонидан кўчирилган, Нақш. қўш зарварақ, унвон ва лавҳали, Тожикистон Шарқ қўлёзмалари институти, № 992.

80. Амир Хисрав Деҳлавий. Девон, 429 в, 1465 йил 24 майда хаттот Шайх Маҳмуд Пир Будоқий томонидан Бағдодда кўчирилган, ДХК, ПНС, 104.

81. Шарҳи қасидаи Хамрияи ибн ал-Фарид (Ибн ал-Фариднинг «Май қасидаси»га шарҳлар), 95 в, 1456 й. мартада хаттот Шайх Маҳмуд томонидан кўчирилган. Суратли, унвонли, лавҳали, Ўзбекистон ФА ШИ, № 559.

82. Амир Хисрав Деҳлавий. Хамса, 252 в, 1500 й, июнь-июлида кўчирилган. Қўш зарварақ ва унвонли. Ўзбекистон ФА ШИ, № 191.

83. Навоий, Хамса, 325 в, 1492—1493 й, хаттот Султонали Машҳадий томонидан Ҳиротда кўчирилган. Музаҳҳиб Мавлоно Ёрий беаган ва жилдсоз Султонали Марвазий тарафидан муқоваланган, 11 та қўш зарварақ ва нақшин ҳошияли, ДХК, Дорн—560.

84. Навоий. Хамса, 1504 й, Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган. Туркияда Тўпқопи саройи музейида сақланади. № 810.

85. Навоий. Хамса. Хаттот Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган. Лондон. Инглиз Қиролчасининг Виндзордаги сарой кутубхонасида.

86. Навоий. Девон. 1500. Хаттот Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган. Нью-Йоркдаги Метрополитен музейида.

87. Навоий. Илк девон, 143 в, 1465—1466 йиллари Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган. Зарварақ ва унвонли, саҳифаларининг ҳошияси нақшланган. ДХК, № 564. Мазкур қўлёзма 1968 йили филология фанлари доктори, проф. Ҳамид Сулаймон томонидан факсимил ҳолида нашр этилди.

88. Фирдавсий. Шоҳнома, 1453-1478 йилларда кўчирилиб безатилган ва суратлар билан таъминланган. Санъатшунос слим. доктор Н. В. Шульз мажмуасида сақланади.

89. Низомий Ганжавий. Хамса, 1463 йили кўчирилиб безатилган. Честер Битти шахсий мажмуасида сақланади.

90. Султон Ҳусайн Мирзо. Девон, 1475 йили кўчирилиб, суратлар билан безатилган. Доктор Заки Муҳаммад Ҳасан ўзининг «Исломдан кейинги Эрон санъати» деган китобида де-

вонга чизилган суратлар ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Табиат манзаралари, инсон сиймоси ва кишилар тасвиридаги чеҳраларни мўғулларникига ўхшатишга интилиш ҳамда суратлардаги рангларнинг бир бирига муносиблиги Ҳирот ҳунармандчилиги мактаби услубига хосдир». Мазкур девон Париждаги миллий кутубхонада сақланади.

91. Низомий Ганжавий. Хамса. Султон Ҳусайн Мирзо кутубхонаси учун Султонали Машҳадий томонидан 1502 йили кўчирилган. Китобда XV асрда Мирак наққош мўйқаламига мансуб суратлар бор. Қўлёзма Бодлеян (АҚШ) кутубхонасида сақланади.

92. Амир Хисрав Деҳлавий. Хамса. 1496 йили кўчирилган. Китобда жами 33 сурат бўлиб, Беҳзод ва унинг шогирдлари томонидан чизилган. Берлиндаги Миллий кутубхонада сақланади.

93. Баёз. Султон Ҳусайн кутубхонаси учун хаттот Муҳаммад ибн Аттор томонидан насх ёзувида 1485 йили кўчирилган. Ундаги суратларнинг бирида 1511 йил кўрсатилган. Демак, китоб кўчирилгач, кейинроқ суратлар билан безатилган. Британия музейида сақланади.

94. Саъдий. Бўстон. 1478 йили кўчирилган. Китоб охиридаги эслатмада уни Камолиддин Беҳзод безагани ва суратлар билан таъминлагани ёзилган. Честер Битти мажмуасида сақланади.

95. Амир Хисрав Деҳлавий. Хамса. 1485 й. Китоб охиридаги эслатмада ундаги тасвирилар Камолиддин Беҳзод мўйқаламига мансублиги ёзилган. Баъзи суратлар Беҳзод асарларидан шогирдлари кўчирган нусхалардир. Честер Битти мажмуасида сақланади.

96. Абдураҳмон Жомий, Саломон ва Абсол. XVI аср бопларида Султонали Машҳадий кўчирган. Нақш ва суратлар Беҳзодники. Афғонистон музейида сақланади.

97. Мураққа. Беҳзод ва замондошларининг 40 та асари бор. Бу тўплам Султон Ҳусайн Мирзо кутубхонаси учун тайёрланган. Варақларнинг бир ёғида сурат, иккинчи ёғида ҳуснихатлар. Париждаги Лувр музейида сақланади.

98. Амир Хисрав Деҳлавий. Хамса. 1496 йили кўчирилган. Бунда Камолиддин Беҳзоднинг 33 миниатюраси бор. Қобулда шахсий мажмуида сақланади.



## КИТОБГА КИРИТИЛГАН МИНИАТЮРАЛАРГА ИЗОҲЛАР

1. Тулки, шер ва эшак сурати. Техрондаги Гулистон саройи кутубхонасида сақланаётган «Калила ва Димна»нинг 1410 йили Бойсунгур Мирзо кўчиртирган нусхасидан. Ҳикоянинг мазмуни қуйидагича: касал бўлиб қолган шернинг муолажаси учун эшакнинг қулоғи билан юраги зарур бўлиб қолади. Шернинг хизматида бўлган тулки бир эшакни унинг ёнига бошлаб келмоқчи бўлади. У ўз хўжайинидан нолиб юрган эшакни кўм-кўк ўтли баҳаво жойга олиб бориш баҳонаси билан шер қошига бошлаб келади. Эшак яқинлашиши билан шер унга ташланиб, ҳалок этади. Шунда шер тулкига, мен булоққа бориб чўмилиб келгунимча буни пойлаб тур, келганимдан кейин унинг юраги ва қулоқларини ейман, дейди. Шер то чўмилиб келгунча, тулки эшакнинг юраги ва қулоқларини еб тўйиб олади. Шер келгач, тулки унга қуйидаги жавобни беради:—Бу эшакнинг юраги ҳам, қулоғи ҳам йўқ эди. Агар унинг юраги бўлса эди, хавф-хатарни сезган, қулоғи бўлса менинг ёлгонларимга қулоқ солмаган ва ўз оёғи билан гўрга кирмаган бўлур эди. Расмда ҳайвонлар сурати, дарахт ва булоқ атрофидаги ёввойи гуллар расми усталлик билан чизилган.

2. Шоҳ ва Қубарра қуш, 1420—1425 йили Бойсунгур Мирзо Ҳиротда кўчиртирган. «Калила ва Димна» асарига чизилган расм. Техронда Гулистон шаҳаншоҳ саройи кутубхонасида сақланади. «Калила ва Димна»да ҳикоя қилинишича, Ибн Мадин исмли подионинг Қубарра деган зийрак, нутқи яхши қуши бўлган. Қушнинг боласи билан шоҳнинг ўғли ҳаминша бирга ўйнар эдилар. Қубарра ҳар кун тоғ ва ўрмонларга учиб бориб, мевалардан икки дона олиб келади. Қуш билан шаҳзода уни еб, куч-қувватга кириб тез ўса бошлайдилар. Бир

қуни қушнинг боласи шаҳзоданинг қўлини тирнаб олади. Шаҳзода ғазабга келиб, дўстликни унутади ва қушчанинг оёғидан ушлаб ерга уради, қушча ҳалок бўлади. Қубарра келиб, боласининг ўлиб ётганини кўриб фарёд чекади. Интиқом учун у шаҳзодага ташланади ва унинг икки қўзини ўйиб олади. Воқеани шоҳ эшитгач, қуйиб ёнади. Қушни ҳийла билан ушлаб олмоқчи, сўнгра қийнаб ўлдирмоқчи бўлади. Шоҳ ширин сўзлар билан қушни қайтаришга ундамасин, Қубарра шоҳ ҳийласига учмай, у билан видолашиб, учиб кетади.

3. Гулнор билан Ардашернинг учрашуви, 1430 йили Бойсунғур Мирзо кўчиртирган «Шоҳнома»дан. Теҳрон, Гулистон саройи кутубхонасида сақланади. Машҳур асарларни расмлар билан безаш ишини Бойсунғур Мирзо мусаввир Халил Султонга тоширганини эътиборга олсак, мазкур суратни Халил Султон чизган деб тахмин қилиш мумкин.

4. Султонали Машҳадийнинг настаълиқ ёзувида ёзилган дастхати. Теҳрондаги шаҳаншоҳ кутубхонасида сақланаётган қўлёзмадан олинган. Унда буюк файласуф олим Умар Ҳайём (1040—1123) нинг рубойиси битилган.

Мо лубатаго:ему фалак лубатбоз  
Аз рўйи ҳақиқати, на аз рўйи мажоз:  
Бозича ҳаме кунем бор натъи вужуд,  
Афтем ба сандуқи адам як-як боз.  
Бизлар — қўғирчоғу, фалак қўрчоқбоз,  
Бу сўзим чин сўздир, эмасдир мажоз.  
Иўқлик сандуғига бир-бир йнтамиз  
Вужуд палосида ўйнагач бир оз.

5. Камолиддин Беҳзод. Эрон шоҳи Доронинг ўз йилқибонлари билан учрашуви. Қоҳирадаги Миср Миллий кутубхонаси. Шайх Саъдийнинг «Бўстон» асарига чизилган расм, 1488—1489 йиллар. Мазкур расм ҳақида китобда айtilган.

6. Камолиддин Беҳзод. Муҳаммад Шайбонийхон сурати, 1507 йил АҚШда хусусий қўлда. Расмда хон безаксиз, оддий, ammo қимматбаҳо кийимда, чордана қурган ҳолда тасвирланган. Мусаввир чизган тасвирдан Шайбонийхоннинг барча хислатлари намён: салобатли қомати, тиззаларига таянган қўлларининг мағрур ҳолати, лабларининг қимтилгани улкан жисмоний куч, қатъийлик, ўткир иродани билдиради.

Ўз тузилиши, кичик оғзи, мўйлаби, қўзларининг эътиборли қиё боқиши заковат ва ўткир зеҳнидан, софдилликдан далолат беради. Беҳзод ўзи тасвирлаётган шахснинг хулқи, касби ва қи-

зиқишларини аниқлашга ёрдам берадиган ашёларни ҳам тасвирлаган. Шайбонийхоннинг ўнг қўли бош бармоғидаги ўқ-ёй отганда тақиладиган ҳалқа (шаст) унинг моҳир жангчилигига ишора. Қўз ўнгимизда зиёли, шиор ва ҳомийлик хислатларини ўзида мужассамлантирган сарқарда, давлат арбоби турибди.

7. Камолиддин Беҳзод. Султон Ҳусайн сафарда. 1450 йил. Бобурийлардан Жаҳонгир Султон тузган «Мураккайи Гулшан»дан. Техрондаги Гулистон саройи кутубхонасида сақланади. Султон ўз мулозимлари билан ўзи учун тикилган саропардага яқинлашмоқда. Олдида қўлида олтин тангалар солинган халтачали мулозим, икки соқчи, шоҳона кийинган Султон ортида соябон тутган ва байроқни орқалаб олган бошқа мулозимлар. Юксак дид ва кузатувчанлик билан тасвирланган узоқдаги қалъа, тоғлар ва шу фондаги табиат манзараси Беҳзодгагина хос бўлган ўткир таъблилик гувоҳидир. Мусаввир расмдаги ҳар бир тасвирланаётган нарсага шундай ранг берганки, натижада, ранглар уйғунлашиб, кузатувчи учун улкан эстетик завқ бағишловчи шоҳ асар вужудга келган. Сурат ЮНЕСКОнинг органи «Курьер» журналининг 1957 йил январ сонида биринчи бор эълон қилинган.

8. Ҳайдар Али. Дарвешлар рақси. Абдурахмон Жомийнинг «Хамса»сига чизилган расм. Асар 1522 йили Мирали Ҳаравий томонида кўчирилган. Техрондаги Гулистон саройи кутубхонасида сақланади. Тасвир «Хамса»даги «Тухфатул-аҳрор» достонига чизилган бўлиб, нақшбандийлар тариқати дарвешларининг кўнгил очиш ўйинларини акс эттиради. Расм юқорисида «Амали Ҳайдар Али, хоҳарзодаи Устод Беҳзод» (Устоз Беҳзоднинг жияни Ҳайдар Алининг иши) деган ёзув бор).

9. Ҳайдар Али. Зиёфатга ҳозирлик. 1522 йил. Абдурахмон Жомийнинг «Хамса»сига чизилган расм. Техрондаги Гулистон шаҳаншоҳ саройи кутубхонасида сақланади. Тасвирда овқат тайёрлаш жараёни акс эттирилган: дошқозонлар ёнида қўлида чўмич билан кекса ошпаз турибди, хизматкорлардан бири мешдан қозонга сув қуймоқда, иккинчиси ўтин ёрмоқда, учинчиси қора танли хизматкор ўт ёқиш билан банд. Олдинда қас-соб қўйларни теридан чиқармоқда, ўртадаги йигит гўшт майдаламоқда, орқароқдаги хотин хамир қормоқда. Хуллас, ҳамма ўзига тегишли иш билан банд. Тасвир ҳаққоний чиққани билан персонажларни жойлаштиришдаги мутаносиблик ва Беҳзодга хос нозиктаъблик сезилмайди.

10. Хисравнинг Ширин билан учрашуви. 1547 йили номаъ-

лум мусаввир томонидан чизилган. Теҳрондаги Гулистон шаҳаншоҳ саройи кутубхонасида сақланаётган Низомий Ганжавий «Хамса»сига ишланган. Расм Табриз мактабига хос. Маълумки, Камолиддин Беҳзоднинг ҳам мазкур мавзуда чизган тасвири бор. Расм Беҳзоддан кўчирмадир.

## ХОНДАМИР

### ЕТУКЛИКНИНГ МАНБАИ ВА ҲАҚИҚАТИ БЎЛМИШ УСТОД БЕҲЗОД ЖАМЛАГАН МУРАҚҚА МАРТАБАСИ ТАВСИФИДА

Наққоши азал кушод чун чеҳрае меҳр,  
Ораст мураққайи зи ароқи сипеҳр,  
Тасвир дар он намуд бе рангу қалам,  
Чандин санами жилвагари равшан чеҳр.

(Азал наққоши қуёш чеҳрасини очиб, осмон варақлари билан бир мураққа безади. Унда бўёқ ва қалам ишлатмай, бир неча жилвагар, порлоқ чеҳрали санамлар тасвирини намоеён этди).

Назири йўқ мусаввир ва борлиқни яратувчининг умумга тегишли комил иродаси дунё корхонаси суратлари ижодига киришиди; азалий иноятнинг чеҳра очувчи карамли қалами билан инсон пайкаридан иборат мураққани, «Сувварикум фи аҳсан сувварикум» (суратларингиз энг гўзал суратлардир) оятига мувофиқ жуда соз чеҳрали бир тасвирни чекди. Мақбул ҳислатли бу тоифа (инсон—Н.Н.) ҳоли жамолига турли ғаройиб илмлар зевари ва турли навъдаги ажойиб санъатлар зийнати билан оро берди. Уларни «Фазланаҳум ало қасир муммани халқана» (биз халқ қилганларнинг, яъни яратганларимизнинг кўпчилигига яхшилик қилдик») кароматли калимасига биноан қадрлади.

Қилки илаҳи чу рақам зад сувар,  
Мазҳари фазлу ҳунар омад башар,  
Дар пайи изҳори ҳунар чун шитофт,  
Сафҳае айём аз у зеб ёфт,  
Гоҳ рақам ҳатти фазилат фазой,  
Кард рақам хатти фазилат фазой,  
Гоҳ барангехт баҳам обу ранг,  
Соҳт аён моҳрухи бедаранг,  
Гоҳ ба гулзори суҳан аз ҳунар,

Кард равон жўйчае оби зар,  
 Гоҳ барафрўхт дарахти баланд,  
 Мевайи ў қуввати дил мустамамд,  
 Сохт гаҳе аз қалами сеҳрфан,  
 Гулбуме лургул ба риёзи сухан,  
 Кард ба газҳиби сухан чун шитоб,  
 Шуд хижил аз шаммае ў офтоб,  
 Хусни хату сурати мардумфиреб,  
 Мебурд аз хотири доно шикеб,  
 Дийда шуд аз сурати хат баҳравар,  
 Дил буд аз мании ў беҳабар,  
 Сурату маънияш писандида аст,  
 Нурдеҳи мардумаки дийда аст.

(Илоҳий қудратли мўйқалам сураглар чекар экан, фазлу ҳунарнинг манбаи башарият эканлиги маълум бўлди. Инсон ҳунар кўрсатмакка жаҳд қилар экан, айём саҳифаси ундан зеб топди. У гоҳи мушқин қаламининг нуки билан фазилатли чизиқлар тортар, унга турли бўёқлар бериб, тезда ой юзлининг суратини намоён этар эди. Гоҳи ҳунаридан у сўз (китоб—Н.Н.) гулзорида тилларанг жилға сувини равон этиб, баланд дарахтнинг ёлқинланган суратини чекар эди. Унинг меваси ғамли дилга қувватдир. Инсон баъзан сеҳрли мўйқалами билан сўз боғида гулга сероб гул тупи ясар, сўзни зар билан безашга қаттиқ киришганда, зар сочувчи офтоб ҳам унинг қаршисида ҳижолат чекар эди. Киши ақлини лол қиладиган сурати ва хатининг гўзаллигидан донолар дилидан ҳам сабру қарорини олди. Хатининг хушнамолигидан кўзлар баҳра топса, дил унинг маъносига етишдан ожиз эди. Суратларининг маъноси ва ёқимлиги кўзлар қароғига нур бағишлар эди).

«Вал қаламу ва мо яструна (Қалам билан чизадилар) хат фазли ва шарофати баркамоллиги ояти бўлиб, «аллам билқаллам...» (қалам билан ўргатди.....) ояти унинг китобат қилишидаги фазилатларининг кўплигига киноядир.

**Байт:** Ҳаззи хат нек ба назди хирад,  
 Беш буд зи он че гумон мебарад.

(Хат завқи ақлу ҳуш учун яхши. Хислати гумон қилинганидан ҳам ортиқ).

Нақш ва тасвирдан инсон нафсининг лаззатланиши шу ваданки, амиру вазир, бой ҳам фақир ҳолатлари сурати таҳрирга эҳтиёж қолдирмайди. Бу нодир санъат зебу зийнатининг

завқ ва роҳатбахшлигини, бир оз бўлса-да, қалам билан васф этиш амримаҳол. Шу сабабли олам яратилишининг аввалидан бошлаб олий қадрли Одам фозиллар доимо қалам ёрдамида мана шу муқаддас иш—тасвир ва хат ёзиш билан шугулланиб келадилар. Камолот ва афзаллик майдонида, маҳорат ва фазилат уфқида пешволик гултожини шу ҳунарлар устодлари ёки яқинларидан мерос олганлар. Чунончи, мазкур табақа баъзиларининг номлари бу мураққа муқаддимасида ўз мартабалари мавқеида зикр этилган. Уларнинг гўзалликлар яратувчи қалами маҳсули бўлган мўътабар руқъа хатлар ва машҳур суратлар бу варақларда зийнат топган. Суратлар нафосатининг жилоси ва ҳунар нодирликларининг рамзи бўлмиш ушбу мураққанинг жамловчиси комил мусаввирлар ва фозил ҳунарварлар сирасидан асрнинг соф нодири, муҳаббат ва дўстлик маслағи тариқининг эътиқодлиси устоз Камолиддин Беҳзоддир.

Маснавий: Моний қалами хўжаста осор,  
 Неку шиями ҳамида атвор,  
 Устоди ҳунарварони олам,  
 Дар фанни ҳунарвари мусаллам.  
 Беҳзоди яғонайи замона,  
 Моний ба замони у фасона,  
 Мўйи қаламаш зи устоди,  
 Жон дода ба сурати жамоди,  
 Дар диққати табъ мўшикоф аст,  
 В ин ҳарф нааз сари гизофафт.  
 Такмили маҳораташ дар ин фан,  
 Бовар агарат наёйад аз ман.  
 Бикшой назар зи рўйи инсоф,  
 Бингар суvari бадий авсоф.  
 К-орост жамоли инсаҳойиф,  
 Дар сурати хатту ҳусни тасвир,  
 З-ин сон варақе наёфт таҳрир.

(Хушхулқ ва гўзал равишли қутлуг қаламинг Моний қаламига ўхшайди. Олам ҳунарварларининг устоди ҳам ҳунармандлик санъатида унга тан бериб, Беҳзод—замона яғонаси, унинг даврида Моний бир афсона бўлиб қолди, дейди. Устодлигиндан мўйқаламинг руҳсиз табиатга жон бағишлади. Сенинг таъбинг нозикликда қилни ёради. Бу сўз беҳуда эмас рост айтилган. Бу санъатдаги маҳоратинг камолотига бовар қилмасанг, инсоф юзасидан нафис ва гўзал суратларга боқ, бу

саҳифалар жамоли қандай оро топган. Улар латофати амалига камол қўшилган. Бошқа бирор китоб саҳифаси бундаги хат ва тасвир ҳусничалик зебо, таҳрир этилмаган).

Нуқсонсиз такаллуф ва шубҳасиз таҳсин билан айтиш мумкинки, гулузор гўзаллар орази сафҳаси мушкин хатлар райҳонидан бирор саҳифа ҳам бунингчалик оройиш топмаган. Осмон мураққаси нурафшон ой ва қуёш суратлари билан ҳам мунингдек мусаввар этилмаган. Бирор ўткир кўзли муҳандис шуури партави бу варақларни зийнатлаб турувчи бундайини суратларга тушмаган.

Гавҳар тўқувчи қалам ғаввоси давог қаридан бу варақлар соҳилига олиб чиққан ҳар бир қатра қимматбаҳо дурдир. Мусаввирнинг нодир ақли ўз дили лавҳидан бу китоб саҳифаларига кўчирилган ҳар сурат руҳбахш ҳур янглиғдир.

**Қитъа: Ҳар гавҳари муродки дар баҳри хушдили,  
Парвардаанд жумла дар ин баҳр ҳосил аст:  
Ҳамчун жамоли машъала афрӯз дийдаҳост,  
Ҳамчун висоли ҳуррами андуз дар диласт.**

(Хушдиллилик денгиздаги ҳар бир мурод гавҳари, барчаси шу ҳосил денгизида парварини топгандир. Кўзларнинг машъалдек ёниши, ҳар дилдаги висол хуррамлиги шундандир).

Бу қимматбаҳо дур латофатининг таърифи ва бу гўзал суратлар нафосатининг тавсифи қандайдир бемоялик мартабаси ёки озуқасизлик пешаси эмас. Шу туфайли мушкин рақамли қаламнинг жаноб Устод мадҳида битган рубойиси уни қисқача баён этади.

**Рубойи: Мўйи қаламот то ба жаҳон чеҳра кушод,  
Бар чеҳрайн Моний рақами насх ниҳод.  
Бас, табъки, сурати наку зод аз у,  
Табъи ту вале аз ҳама онҳо беҳ зод.**

(Сенинг мўйқаламинг жаҳонга чеҳра кўрсатгач, Моний яратган чеҳрани бекор қилди. Шундай, беҳтар сурат чеккан табъинг ўша барча суратлардан ҳам аъло яратилган...).

## СУЛТОНАЛИ МАШҲАДИИ

### «ҚАВОИДИ ХАТ» — «ХАТ ҚОИДАЛАРИ» РИСОЛАСИ

Расуллар шоҳининг вақтига қадар,  
Халққа сўз бобида у эди раҳбар.  
Қалам қачон хатга юзини бурди,  
У хатти ибрию маъқалий эрди.  
Куфи хатин барпо қилди муртазо,  
Ва унга бахш этди нашъу ҳам намо.  
Устозлар яратган бошқа ҳар хил хат  
Келиб чиқди куфий хатидан фақат.  
Ихтиро этганлар саналса бу боб  
Ичра ибн Муқла ва ибн Баввоб.  
Ҳусни амал бирла илми хатга хос  
Демак, солган Али Муртазо асос.  
Чунки, бордир унда илм тамоми,  
Олимлар ичра у илм имоми.  
Касб айлагач амир тутиб хилми  
Билим шаҳридан топди илми.  
Мўъминлар амири Али,— унга тинчлик бўлсин —,  
айтган эди: «Чиройли хат сиз учун ризқ қалитидир».  
Муртазо Алининг мақсади хатдан  
На лафзу ҳарфдану ва на нуқатдан.  
Балки, усул, ҳусн ва сафо эрди,  
Шундан ҳуснихатга йўлланма берди.  
У каби ҳеч кимса ёволмас ҳар дам.  
У ўзга қўл эрур, у ўзга қалам.  
Уша Муртазонинг хуш хати эди,  
Қайсики пайғамбар нисф илм деди.  
Жаннат ариғидан бу улуғ жаноб.  
Қалами ичгандир тўйиб зилол об.  
Дур сочувчи қўли ризқ хазинаси,  
Қалам-ла очилар унинг хонаси.  
Ҳар варақда бўлса агар хати шоҳ,  
Башар, малойинка эрди бўсагоҳ.  
Нима ҳам дейин мен қалам, даводта.  
Оби ҳайвон пинҳон ул зулумотда.

#### Асар ёзилишининг сабаби:

Хатга иштиёқим ёшлиқдан йўлдош,  
Хат ишқи кўзимдан тукар эди ёш.  
Кўча кўйга қадам қўяр эдим кам,  
Кучим етганича сурардим қалам.



Тирногим тарошлаб қалам қилардим,  
 Ҳуснихат фикрида рақам қилардим.  
 Иттифоқо бир кун бир камбагал Мир,  
 Қийновчидек бўлди олдимда ҳозир.  
 Олиб қалам ила қоғозу давот,  
 Йигирма тўққизта ҳарфни у зот,  
 Ёздию қўлимга тутқазди шу он  
 Лутфидан бу кўнглим бўлди кўп шодон  
 Соҳибдил дилимга таъсирин солди.  
 Таъсиридан дилим ўзгариб қолди.  
 Хат ишқи дилимда бўлди зиёда  
 Дилимни боғлади ул марди сода.  
 Шундан сўнг орадан анча вақт ўтди.  
 Барчадин хат меҳри қўлимни тутди.  
 Али зиёратин айладим нийат,  
 Машқ учун қаламга ҳал бердим у вақт.  
 Шундай фикр қилдим, иш ривож олсин,  
 Тушимда шоҳ ўзин кўрсата қолсин.  
 Тушда кўрдим уни, у ўша замон,  
 Хатим кўриб, либос айлади эҳсон.  
 Тушни айтдим мана қисқартиб озроқ,  
 Чунки, барин айтсам қиссаси узоқ.  
 Бундан ортиқ сўзлай олмасман бу он,  
 Сўзлаб эшитувга йўқ менда имкон....  
 Банда Султон Али—Алига ғулом.  
 Хатининг шуҳрати Алидан мудом....

### Ешим ва кечирган онларим ҳақида

Умрим йигирмага етгани онда  
 Сафҳамда қора хат унган замонда,  
 Қадам қўйдим аста мадраса томон,  
 Васваса ва эгри хаёлдан омон.  
 Эртадан кечгача хат машқ қилардим.  
 На овқат еб ва на уйқу билардим.  
 Оқшом Ризо қабри томон борардим.  
 Унинг остонига бошим урардим.  
 Ҳар гоҳ зиёратдан чиққанам замон,  
 Борардим онамнинг олдига томон.  
 Ҳимматин жон билан адо этардим.  
 Сўнгра хат машқига яна ўтардим.  
 Бир умр у билан яшадим, зинҳор,  
 Кўнглига гам ўтин солмадим бир бор.  
 Ҳеч нарса демадим сизга отамдан,  
 Чунки сафар қилиб кетган оламдан.

Етти ёшда ундан бўлгандим жудо,  
Қирқ ёшда у эса бизлардин адо.  
Худодан уларга бўлсин марҳамат,  
Ва поклар ёнидан жой олсин ҳар вақт.

### Ўқиш ва ўқитиш ҳақида

Беҳаду ҳисобсиз машқ билан мудом,  
Машҳадни шуҳратим тутганда тамом.  
Оқ тамоқ ва гўзал моҳрўйлар у вақт,  
Таълим олсак дея мендан ҳуснихат,  
Хоҳи тожик бўлсин, хоҳи турк эди,  
Узоғу яқиндан олдимга келди,  
Ҳаммаси мен учун ёру биродар,  
Кун бўйи олдимда бари баробар.  
Тан кўзин юмдириб дил кўзин очдим,  
Дил кўзин очириб, фойдалар сочдим.  
Тан кўзи нуқсонли, айб қидирувчи,  
Дил кўзи тўғри соф йўлни кўрувчи.

### Сўз хулосаси

Ҳачонким айладим тарки мадраса,  
Қайта борганимни кўрмади кимса.  
Уйим бурчагига бошимни урдим,  
Мажруҳ кўнгил билан кўп хаёл сурдим.  
Дедим: «Эй юрагим тарки хат қилай,  
Хат ишқин юрагим лавҳидан ювай.  
Ё шундай чиройли ёзайки, доим,  
Хатимни излашга бўлсинлар қойим.  
Ўлтириб айладим жидду жаҳд тамом,  
Мақсад ҳосиличун эртадан то шом.  
Қалам каби машққа белим боғладим.  
Тиззам букиб хатга ўзни чоғладим.  
Қариндош, рафиқу ёрни тарк этдим,  
Оқибат бу ишда мақсадга етдим...

### Хатни донатор ёзиш хусусида

Ҳар хатки донатор қилиб битилар  
Ул хатни яхши хат дея айтилар,  
Хатни ўқиш учун ранж тортсин мудом,  
Дея ёзилмайди, аксинча тамом...  
Ҳуснихат кўзингни равшан қилади,  
Хунук хат кўз уйин гулхан қилади.

### Қаламларни фарқлай билиш ҳақида

Аввало қаламни қилайин баён,  
Қаламнинг тилидан эшит ушбу он.  
Қаламнинг бўлмоғи керак қизил ранг,  
Лекин бўлмасин у гўё қаттиқ санг.  
Қисқа, узун ёки бўлмасун қора,  
Ёд ол, бунга ҳожат, катта начора.  
Урточа бўлсин, на юққа, на йўғон,  
Ичи қора бўлмай оқ бўлсин ҳар он.  
Печу тоб бўлмасин танланган қалам,  
Хаттогга соз асбоб керакдур ҳар дам.  
Агар қалам бўлса қаттиқ ё юмшоқ,  
Ундан ҳам, бундан ҳам лозим қўл ювмоқ.

### Сиёҳ тайёрлаш ҳақида

Яхши дудаларни топгину дарҳол,  
Бир сир дуда билан тўрт сир самиғ ол.  
Зоку мозу хоҳ кеч, хоҳ эрта қидир,  
Ундан бир сир олу, бундан икки сир.  
Тоza сувга солгин самиғни шу он,  
Моул асал каби қайнасин чунон,  
Икки-уч кун самиғ бирла бўлсин ҳал,  
Хона чангин артиб тургин ҳар маҳал.  
Юз соатга қадар қориштир уни,  
Ёд ол мендан ушбу ёқимли сўзни.  
Замма, зокдан кўра яна яхшироқ,  
Мендан бошқа буни билмасди, бироқ.  
Сиёҳда зок бўлса бўлади зарар.  
Демак, зок ўрнига заммадир беҳтар.  
Мозу сувин яхши қайнат ўша он,  
Яхши қайнагунча унга бер имкон.  
Сўнг юмшоқ заммани ўша сувга қўш,  
Пинҳон эди, сирни очдим қўша-қўш.  
Томизиб кўр сўнгра уни озма-оз.  
Синаб кўргин уни баҳс этмайин боз.  
Шундай қилиб қуюқ бўлгани замон,  
Ёзсанг дилинг таскин топар бегумон.  
Ёзишда қўл кучин аяма зинҳор,  
Йўқса бу ишларинг ҳаммаси бекор.

### Қоғозни фарқлаш ҳақида

Хитой қоғозидан йўқ яхши қоғоз,  
Қанча синаб кўрма, барибир у соз.

Самарқанд қоғози саз бўлар беҳад,  
Оқил бўлсанг буни айламагин рад.  
Хат ёзилар унга чиройли, зебо,  
Вале, оқ ва тоза бўлса кўп авло.  
Расмий бўлсин ёки Султоний қоғоз,  
Яхшисин топмоққа интил қишу ёзи

### Қоғоз ранглари ҳақида

Ҳеч қоғоз ранги йўқ чинийдан авло,  
Синаб ўлтирмоққа ҳожат йўқ асло.  
У қоғоз рангидир заъфарон, ҳина.  
Бир томчи сиёҳдан олгину, сина.  
Хат унда кўп гўзал, тилло каби саз,  
Хатга зийнат берар, марғубу мумтоз.  
Ранг бўлса агар ким тўққизилу оқ,  
Қуёшга боққандек кўз толар мутлоқ.  
Нимранг бўлса хатга берар оройиш,  
Кўзлар ҳам олади ундан оройиш.  
Қора рангли бўлса агарда қоғоз,  
Рангли хатлар ёзса жуда бўлур саз.

### Оҳор ва уни қоғозга суркаш ҳақида

Крахмалдан ҳозир айлагин оҳор,  
Пухта чолдан буни ёд олгин такрор.  
Аввал хамир қилу сўнг унга сув қуй,  
Қайнагунча уни ўт устига қўй.  
Сўнг куюк сирачдан қўшу, яхши боқ.  
Бўлмасин у асло қаттиқ ё юмшоқ.  
Сўнг сурка қоғозга, жаҳд қил ногаҳон,  
Қоғоз жойдан жилиб кетмасин ҳар ён,  
Қоғозингга бериб бўлгач сен оҳор,  
Текис бўлсин учун сув сурка бир бор.

### Мўҳра тортмоқ ҳақида

Қоғозни мўҳрага шундайин тортиш,  
Керакки юзида бўлмасин тириш.  
Мўҳра тахтасини керак хўб ювмоқ,  
Аммо на қаттиғу на суст, на юмшоқ.

### Қаламтарош ҳақида

Қаламтарош зикрин қилайин баён,  
Яширин сўзларни айлайин аён,  
Тиги узун қисқаси бўлмасин зиҳор,  
Ва яна бўлмасин на кенгу на тор.

Шунда у қаламга теккани замон,  
Уни ҳуснихатга мослар бегумон.

### Қаламни тарошламоқ ҳақида

Қалам тарошлашда шошмагил зинҳор,  
Узоқ тарошлагин, кўнглинг қилмай тор.  
Қалам учун узун қилмоқликдан кеч,  
Узун бўлса хатинг гўзал бўлмас ҳеч.  
Яна яхши бўлмас, қисқа ҳам қилма,  
Бу пандим эшити, далил қидирма.  
Ич томондан остин бир озгина қир,  
Таши билан ишинг бўлмасин ҳеч бир.  
Ёригин қилмагин ҳеч қачон катта,  
Катта қилсанг ташвиш ортар албатта.  
Унда мўътадиллик шевасин тутгил,  
Йўқса меҳнат бекор кетади, билгил.  
Бахши-ю унсийни баробар қилгин,  
Чорданак, дудонак, эскирди, билгин.

### Найқат ҳақида

Найқат пок-у тоза бўлмоғи керак,  
Боқсанг юз кўриниб турмоғи керак.  
Йўғон бўлса найинг ғам чекма, йўлдош,  
Кесмоқ учун қайта яхши, қилсам фощ.

### Қаламни кесмоқ ҳақида...

Қалам кесмоқ йўли кўп беҳисобдир,  
Кимки барин билса, марди ноёбдир.  
Найқат била қаламтарошингни ол,  
Кўз гилай бўлмаса, тўғри тут, дарҳол.  
Найқатга қаламни яхшилаб қўй, боз,  
Кўрсаткич бармоқда тутсанг яна соз.  
Қаламни тирноғинг бирла тут маҳкам,  
Бармоғингни кесиб олмагин у дам.  
Яхши чиқмас эса, биринчи кесиш.  
Бошқаси чиқади, чекмагил ташвиш.  
Эгри кессанг агар хатодир, билгил,  
Уртасидан тўғри тутгину қирққин.  
Кесганда овозин эшитган замон,  
Кесишни тўхтатиб қўйма ногаҳон.  
Чунки ёқимсиздир унинг садоси,  
Бу садо найдаги оғриқ нидоси.

### Қаламни синаб кўриш ҳақида

Котибо, қаламни тарашлаган он,  
Тупроқ билан яхши ишқала чунон.

Нуқта билан уни таъриба қилгин,  
Янги сўзни эса, кексадан билгин.  
Қаламдан нуқталар чиқса агар соз,  
Ҳуснихат ёзмоққа бўлади мумтоз.

### **Настаълиқнинг яратувчиси ҳақида**

Насхи таълиқ, бўлсин хафи ё жали,  
Уни яратувчи Хожи Мир Али.  
Али билан азал насабдош улар,  
Демак, у Алининг авлоди бўлар.  
Қачон пайдо бўлди одаму-олам.  
Бундай хатни ҳаргиз кўрмаган одам.  
Насх бирла таълиқ хатидан илк бор,  
Настаълиқ хатини яратди ул ёр.  
Нега найқалами унинг шакаррез?  
Чунки, асл жойи муқаддас Табрез!  
Янги китоб бўлсин ё эски ҳар чоқ,  
Унинг хирмонидан теради бошоқ.  
Мавлавий Жаъфару ва яна Азҳар,  
Хушнавис котибдир машҳур ҳар нафар.  
Барча хатда эди мисли йўқ хаттот,  
Устодлардан буни эшитганман бот.  
Гўзал хатти шеъри кабидир зебо,  
Таърифига сўз ҳам топмоқ муаммо.  
Фозиллар фозили ул ширин мақол,  
Асрдошдир унга бул Шайхи Камол.  
Хўжанд мевасидек шеъридир тотли,  
Наввоту қанддан ҳам эрур лаззатли.  
Бу хароб дунёдан кетдилар бари,  
Тупроқ ичра пинҳон бўлди ҳар бири.  
Неки билсам ўқиб, қилайин дуо,  
Муқаддас айласин руҳини худо.

### **Ҳарфлар таркиби ва қўшиб ёзилиши, Сууд, ташмир, нузул ва ирсол ҳақида**

Курси ва нисбати уни тартибдир.  
Ундан кейин турар сууд ва нузул,  
Шамра ҳам бор, шундай қилинган қабул.  
Насхи таълиқ ичра қидирма ирсол,  
Ирсолдан йўқ унда на қилу, на қол.  
Бошқа хатлар ичра, айтсам, ирсол бор.  
Шуни билу, бошқа сўз очма зинҳор.

### **Хатларни йиғиш ҳақида**

Устодлар хатини йиғгин ҳар маҳал,  
У ё бунисига боққин галма-гал.  
Тортса хоҳиш агар қай бири томон,  
Унинг хатига боқ, бошқаси ёмон.  
Токи кўнглинг тўлсин ўз ёзувингдан,  
Ҳарфларни дурдек тер хат чизигида.

### **Хат машқ қилиш ва ўргатиш йўллари ҳақида**

Икки хилдир хатнинг машқи бегумон,  
Яширмади сендан, эй хушрўй жувон.  
Бири қалами-ю, бири назарий,  
Бу сўз ёлғон эмас, эй ёшу қари.  
Қаламий машқи бу бўлади нақлий.  
Кундуз ҳарфи машқи, шомдачи-жалий.  
Назарийни билғиң, хатга боқмоқдур,  
Нуқта-ю ҳарф, сўздан огоҳ бўлмоқдур.

### **Хатни нақл қилиш ҳақида**

Нақл қилмоқ бўлсанг сен ҳар бир хатни,  
Эҳтиёт бўл, урма совуқ пўлатни.  
Ҳар ҳарфига яхши боқ-у ўйлагил,  
Гофил бўлма, уни кўп эҳтиёт қил.  
Ҳарфларни йўғонми, кичикмикан, боқ,  
Бир-бирига қандай қўшилган ҳар чоқ.  
Сууд билан нузул қандайлигин кўр,  
Ундан бундан боқиб, хат яратгин зўр.  
Ҳарф шамрасидан бўлгин хабардор,  
То хат бўлсин тўғри, пок ва беғубор.

### **Мистар ёрдамида ёзиш**

Қачонки чиройли бўлиб борса хат,  
Ўйинни йиғиштир, ўлтиргин фақат.  
Қисқаси қўлингга дастхатингни ол,  
Хати гўзал бўлсин, унга назар сол.  
Худди ўша каби мистару қалам,  
Тайёрла кўчириб қилмоққа рақам,  
Сўнг ундан бир неча, сатрини кўчир,  
Мағрурланма, юрак ўтини ўчир.  
Ҳаракат қил нақлий машқин унутма,  
Озми кўпми ишда ўзингдан кетма.  
Нақл учун жаҳд мудом қилмоқ керакдир,  
Ҳар сатрини тамом қилмоқ керакдир,  
Бир сатрини ёзиб бўлганинг замон.

Иккита сўзда хато бўлса ногаҳон,  
Тузатмасдан янги сатр бошлама,  
Ўзни бундай хато сари ташлама,  
Хато билан ҳеч ким бўлмади одам.  
Атлас бўлмас ахир қўпол, бурё ҳам.

**Хуснихат устозлари фақат оғзаки таълим  
берадиган нарсалар ҳақида**

Хатнинг қондасин назм айламоқ,  
Менинг назаримда хатодир мутлоқ,  
Ҳатто наср билан ёзмоқ ҳам хато.  
Бу ҳақда сўз айтиб бўлмагай ҳатто.  
Чунки хатга йўқдир ҳадд-у ибтидо,  
Сўзда йўқ бўлгани каби интиҳо.  
Лекин муфрадотдан бир неча бу он.  
Ҳарф қандай бўлур, қилурман баён.  
Узун қисқа бўлур «алиф», «бе», ва «коф»  
«Чим» ва «хе» бошланиш эмасдир бу лоф.  
«Син» қандай тортилар, «айн»даги бош,  
Қандай бўлур сенга айтаман, эй ёш.  
Бир неча ҳарф бор, эрур шаклдош.  
Ўзаро ўхшайдир гўё қариндош.  
Ҳарф назми мана шундан иборат,  
Хатоми, тўғрими шудир ишорат.  
Агарчи муфраду мураккаб хатдан,  
«Алиф»дан тортиб то «ҳамза», нуқатдан,  
Барига мумкиндир қонда айтмоқ  
Икки-уч хилини недир бекитмоқ.  
Хат ёзгач, албатта керакдир айтиш,  
Ютуқ ё айбини, нечун кечирини?  
Сен битта ҳарфини қилмасанг бунёд,  
Сенга қандай таълим беради устод?!  
Чунки, ғойибона ҳеч ҳуснихатдан,  
Таълим бериб бўлмас узоғу сиртдан.  
Хатинг ғойибди-ю, ўзинг узоқда,  
Эътироз ноўрин бир ўйлаб боқ-да.  
Хат илмин сирлари доимо ниҳон,  
Бел боғламай кимса билмас ҳеч қачон.  
Токи, муаллимнинг айтмаса бир-бир,  
Сенга осон эмас ёзмоқ барибир.  
Урганмоқ шарҳини қилсам кўпу кам.  
Қаламий забоний бўлади, укам.



Забоний ўқишга сев ҳаракат қил.  
Олдимда ҳал бўлсин десанг гар мушкул.

**Зикр этилган ҳарфларнинг ёзилиш  
қондалари ҳақида**

Ҳаракат «алиф»да уч хил бўлади,  
Гарчи у қаламдан ҳосил бўлади.  
«Бе» ю «те»ни агар чўзсанг узунроқ,  
Аввалин охирдан кўтар баландроқ,  
Қисқа ёзар бўлсанг ҳарфни аммо,  
Тўғри торт эсингдан чиқарма асло.  
«Чим» бошин сен икки ярим нуқта қил,  
Қандай тушунтирай даврасин эй дил?!  
Езувинг чиройли чиқмаса агар,  
Тушунтирсам, шояд чиройли чиқар.  
«Коф» аввали узун бўлса кўп авло,  
Охирин «бе», «те» га ўхшатгин аммо,  
«Бе», «те» каби «син» ни узунроқ қилгин,  
Аввалин охирдан баландроқ қилгин,  
Бу икки миера қилинди такрор,  
Чунки, такрорига кўп зарурат бор.  
«Айн» боши бўлар содий ва наълий  
Бундан бошқа нави йўқ бизда ҳали.  
«Агар—айн» боши суудли бўлса,  
Чўзилмай «дол» билан бирга қўшилса,  
Бу икков наълийдир, бошқаси содий.  
Эсингда сақлансин буларнинг ёди.  
Гарчи иккиси ҳам икки хил бўлар,  
Аммо, ёқимлидир, боқсанг дил тўлар,  
Ёзишга ҳам бўлар у жуда осон.  
Бири шер оғзидек, бириси илон.  
Икки содли, бўлар «ҳе» мисоли «дол»,  
Иккисидан хатлар очади жамол.  
«Ҳе» дан кейин агар бўлса чўзилиш,  
Таркибидек зебо бўлади бу иш,  
Икки содли «ҳе» ҳам мавжуд бегумон,  
Бунда сууд бўлар икки «айн» симон.  
Бундан бошқа икки-уч хил «ҳе» ҳам бор.  
Билиб олар кимки қилса ихтиёр,

### Хатни тузатиш ҳақида

Ўчириб тузатмоқ яхши иш эмас,  
Устозлар ҳам бунини ҳеч маъқул демас,  
Бузилса бир неча ҳарфни чўзиш,  
Мумкин бўлар уни яна тузатиш.  
Зарур бўлса тузат, қўлга қалам ол,  
Фойданг ўйлаб қилма сунистеъмом.  
Қаламтарош билан тузатма зинҳор.  
Котибу, жарроҳнинг катта фарқи бор.

### Вақт тақсироти ва котибнинг иш равиши ҳақида

Эй сен, бўлай десанг агар хушнавис,  
Истасанг бўлмоқни элга ҳам анис.  
Қилмоқчи бўлсанг гар хат уйин мақом,  
Қолдирмоқчи бўлсанг элда яхши ном,  
Ўйқу ва оромдан кечмоқ керакдир,  
Бу тўнни ёшлиқдан бичмоқ керакдир,  
Қаламдек қоғозга бош урмоқ лозим,  
Бу ишга туну-кун юз бурмоқ лозим!  
Барча орзулардан кечмоқ ҳам керак,  
Ҳису таъмалардан қочмоқ ҳам керак,  
Яна нафсинг била жанг қилмоқ лозим.  
Ёмон нафс дилини тилмоқ ҳам лозим.  
Агар билсанг недир кичкина жиҳод,  
Катта жиҳод қилма, қилажаксан ёд!  
Ўзингга кўрмаган нарсани раво,  
Раво кўрма ўзга кимсага асло.  
Бировнинг кўнглига бермагин озор.  
Дилзордан ҳатто, худо ҳам безор.  
Ҳамма вақт қочмоқни кўзла ёлғондан,  
Ва яна гийбат-у, ҳасад, бўҳтондан,  
Ҳасаддан узоқ бўл, ким аҳли ҳасад,  
Ҳасаддан бошига ҳам етар беҳад.  
Ҳийла-у макрни сен шиор қилма,  
Ёмон сифатларни ихтиёр қилма.  
Макру ҳийлалардан ким бўлса озод.  
Ҳуснихат бўлади у кишига ёд.  
Билади хабари бор киши дилдан,  
Зебо ёзув чиқар зебо кўнгилдан.  
Чиройли ёзишдир, поклар шиори,  
Ҳарзакашлик эмас уларнинг кори.

Бир гўшани ватан айлаб, обод қил,  
Эски чолдан ушбу сўзларни ёд қил.

### Бир воқеа хусусида

Жуда кўп сўзларди битта навжувон  
Эски қиссаларни айтиб ҳар замон.  
Ногоҳ шунда туриб бир мўйсафид чол,  
Такбир айтиш учун шайланди дарҳол,  
Йигит унга боқиб деди ўша пайт,  
«Эски ё янгидан бирор нарса айт?»  
Кекса деди унга: «Эй, ақлинг ёрми?!  
Хомушликдан ўзга ҳўб нарса борми?!»  
Чолнинг гапин сиқиб сувин айла нўш.  
Эй, Машҳадли котиб, сен ҳам бўл хомуш!  
Оқ қоғозни умринг ичра сен қора—  
Айладинг-у дилга топмадинг чора!  
Қора сочлар оппоқ бўлиб у замон,  
Ҳаётнингдан умид узганинг замон.  
Ҳаракат қил, ҳарна бўлса, бўл огоҳ.  
Айбинг ювгил, токи қолмасин гуноҳ.  
Китоб варақлашни энди ташлагин,  
Ҳаёт китобини ўқий бошлагин!  
Устод ҳақин кўрмай ҳеч бир замонда,  
Таълим бердинг тинмай ушбу маконда.  
Қўлга олма қоғоз, давоту қалам,  
Ундан эсанг ҳамки машҳури олам.

## Хотима

Саксон тўртга етгач бу умр азиз,  
Зойил бўлди буткул ақл ҳам тамиз,  
Ешликда ҳам асли бўлмаган эди,  
Ҳеч узр айтмоқдан не фойда энди,  
Сенга айтдим узрим бўлса ҳамки кеч,  
Эй, ёқимли дўстим, яширмадим ҳеч,  
Қўлга олган эди бало шумфаранг,  
Чечак қасалидан қилган эди ланг.  
Неча йиллик муддат ичра пайваста,  
Чечак дарди билан бўлдим кўп хаста.  
Кўнглим синиқ, кучдан қолмади асар,  
Ёза олмайман бундан яхшироқ асар.  
Яна Машҳадда-ки, сувсиз-у хароб.  
Харобалар ичра хароба ноёб.  
Э воҳ, ҳеч бир кимса бу дард бедаво,  
Недир дея мендан сўрмади, асло.  
Ошинолар сўрар ошино ҳолин,  
Машҳадийнинг ким ҳам сўрсин аҳволин?!  
Ўзиму ҳам ҳолим ҳақида бир иш,  
Ёзсам, дея дилда уйғонди хоҳиш.  
Ёлғизликни ўйлаш кўп қийин, бироқ,  
Сўз қолдирсам ундан кўра яхшироқ.  
Энди йил—ойини зикр этсам тамом,  
Тугаб битар ушбу китоб, вассалом.

## ИЛТИМОС ВА ЕЗИЛИШ ЙИЛИ

Назмий китоб тамом бўлди, деб қалам.  
Қўйди тўққиз юзу йнгирма рақам.  
Йилдан биринчи ой эди ўша он.  
Сўзларим поёнга етгани замон.  
Хатнинг қондасин озми ёки кўп.  
Рисолам ичида баён қилдим хўб.  
Билган билмаганим, ҳаммасин бир-бир,  
Куч етганча, хуллас айладим, таҳрир.  
Хунару айбим ҳам баён айладим,  
Ниҳон эди, барин аён айладим.  
Айб очишга гайрат қилмай ҳар одам.  
Қандай яхши, айбинг ёпсалар ҳар дам.  
Наби-ю авлоди номи-ла ҳар он.  
Айб ёпу, кишидан қидирма нуқсон!

## МУНДАРИЖА

Кириш	—3
Темур ва Темурийлар давлати	—5
Соҳибқирон маънавият жонқуяри	—19
Амир Темур саройи олим ва фозиллари	—25
Мирзо Бойсунғурнинг нигоҳонаси ва нафис санъат академияси	—37
Қамолиддин Беҳзод ва унинг тасвирий санъат мактаби	—52
Илова: манбалар (санъат тарихига доир асарлардан парчалар).	—105
Хотима	—124

**НАИМ НАРҚУЛОВ**  
**ОЧЕРКИ ИЗ ИСТОРИИ КУЛЬТУРЫ**  
**ЭПОХИ ТЕМУРИДОВ**

На узбекском языке

Ургенч «Хоразм» 1996

**Муҳаррир: Болтабой Бекматов**  
**Мусаҳҳиҳ: Муҳаббат Хўжамуродова**  
**Техмуҳаррир: Йўлдош Салоев**

Теришга берилди 16. IX. 1996 й. Босишга рухсат этилди 20. IX. 1996 й. Бичими 84x108 1/16. «Адабий». Рўзнома қоғозига юқори босма усулида босилди. Шартли босма т. 7. Ҳисоб нашриёт т. 9,0. Нусхаси 1000. Буюртма 2358. Келишилган нархда.

«Хоразм» нашриёти. 740000, Урганч шаҳри. А. Герман кўчаси, 16 уй. О. Обдалов номидаги вилоят босма-хонаси.